

**Э.М.Юнусалиев**

**“ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ВА ХЎЖАЛИГИНИ  
ТАШКИЛЛАШТИРИШ, РЕЖАЛАШ  
БОШҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТИ”**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**Юнусалиев Элмурад Махамматякубович**

**“ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ВА ХЎЖАЛИГИНИ  
ТАШКИЛЛАШТИРИШ, РЕЖАЛАШ  
БОШҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТИ”**

*(5340300- “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги”  
таълим йўналиши учун дарслик)*

**ФАРҒОНА**

**«2020»**

UO‘K:  
KBK  
K Yo-

Такризчилар: т.ф.н. доцент. **У.Юсупов.** (ТАҚИ)  
т.ф.н. доцент. **И.Абдуллаев.** (ФарПИ)

Шаҳар қурилиши ва хўжалигини ташкиллаштириш, режалаш бошқариш ва иқтисодиёти. Юнусалиев Э.М. – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги - Т.: «YANGI NASHR», 2020.-206 bet. ISBN:

Ушбу дарслик “Шаҳар қурилиши ва хўжалигини ташкиллаштириш, режалаш бошқариш ва иқтисодиёти” фани асосида тайёрланган бўлиб, 5340300 - “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” таълим йўналишларида тахсил олаётган талабалар учун тавсия этилади. Шу билан бирга, дарсликдан ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар, ҳамда “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” соҳасига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Учебник подготовлен на основании предмета «Организация, планирование, управление и экономика городского строительство и хозяйство» и рекомендуется для студентов специальности 5340300 - «Городское строительство и хозяйство». Учебник также может быть использован преподавателями, исследователями, аспирантами и исследователями, и всеми кто интересуется областью «Городское строительство и хозяйство».

This textbook is based on the subject "Organization, Planning, Management and Economics of Urban Development" and is recommended for students of the specialty "Urban Planning and Economics". In addition, the textbook can be used by teachers, researchers, graduate students and researchers, as well as those who are interested in the field of “Urban Planning and Economics”.

© Э.М.Юнусалиев., 2020

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b>	13
<b>I Боб. Қурилиш ишларини тайёрлаш ва ташкил қилишнинг асосий ҳолатлари.</b>	
1.1. Қурилиш ишлаб чиқариши тўғрисида умумий тушунчалар	15
1.2. Қурилиш ишлаб чиқариши иштирокчилари	17
1.3. Қурилиш ташкилотларининг турлари	20
<b>II Боб. Қурилиш ишларини тайёрлаш. Қурилишни ташкил қилиш</b>	
2.1. Қурилишни ташкил қилиш	22
2.2. Лойиҳалаш ташкилотлари ва қурилишда қидирув ишларини ташкил этиш	26
2.3. Лойиҳалашнинг асосий қонун-қоидалари, лойиҳалаш босқичлари ва уларда тузиладиган ҳужжатлар	29
<b>III Боб. Қурилишни оқим усулида ташкил этиш.</b>	
3.1. Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш усуллари ва уларнинг моҳияти	31
3.2. Қурилиш оқимларининг кўрсаткичлари	34
3.3. Қурилиш оқимларининг турлари ва уларни лойиҳалашнинг умумий қоидалари	37
<b>IV Боб. Қурилишда календар режалар.</b>	
4.1. Тақвимий режалаштиришнинг умумий қоидалари	40
4.2. Турар жой бинолари қурилишини ташкил этиш ва тақвимий режалаштириш	46
<b>V Боб. Қурилишнинг тармоқли жадваллари.</b>	
5.1. Тўрсимон тақвимий режалар ҳақида умумий тушунчалар	58
5.2. Тўрсимон графикларнинг элементлари ва уларни тузиш қоидалари	60
<b>VI Боб. Қурилиш бош режаси</b>	
6.1. Қурилишнинг бош тарҳини мақсади, турлари ва таркиби	68
6.2. Қурилишнинг бош тарҳини тузиш учун бошланғич маълумотлар	69
6.3. Объектга оид қурилиш бош тарҳини лойиҳалаш қоидалари	71
6.4. Қурилиш бош тарҳининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари	74
<b>VII Боб. Қурилиш транспортини ташкил қилиш. Умумий ҳолатлари. Автомобиль транспортининг турлари.</b>	
7.1. Қурилишнинг моддий - техник таъминоти тўғрисида тушунча	75
7.2. Моддий-техник таъминотни ташкил қилиш қоидалари	78
7.3. Қурилиш ташкилотларининг ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари	79
<b>VIII Боб. Қурилиш ишларини бошқариш. Бошқариш функциялари. Бошқариш усуллари.</b>	
8.1. Қурилишни бошқаришнинг ташкилий шакллари	81

8.2 Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий тамайили	84
<b>IX Боб. Ахборот – бошқаришнинг асоси сифатида.</b>	
9.1. Ахборот ҳақида тушунча. Ахборотнинг хоссалари ва тавсифи.	86
<b>X Боб. Қурилиш ишлаб чиқаришни амалий (оператив) бошқариш</b>	
10.1. Асосий тушунчалар; ойлик оператив режаларни ишлаб чиқиш; ҳафтали-суткали режалаш;	89
<b>XI Боб. Шаҳар хўжалигини режалаштириш, бошқариш ва ташкил қилиш.</b>	
11.1. Иш жойида меҳнатни ташкил қилиш.	94
11.2. Қурилишда “меҳнат” тушунчаси, меҳнат турлари ва унинг тақсимооти.	97
11.3. Қурилишда меҳнатга ҳақ тўлаш турлари	99
<b>XII Боб. Капитал жамғарма. Капитал жамғарманинг моҳияти ва унинг тузилиши.</b>	103
<b>XIII Боб. Нарх-наво ташкил топиши ва смета иши. Қурилишнинг смета нархи.</b>	
13.1 Смета қиймати-қурилиш маҳсулоти нархининг кўрсаткичи.	109
13.2. Смета ҳужжатларини тузиш асослари, уларга қўйиладиган талаблар, меъёрлар ва меъёрномалардан фойдаланиш тартиби.	110
13.3. Смета ҳужжатларини тузиш ва тасдиқлаш тартиби	111
<b>XIV Боб. Асосий фондлар. Асосий фондларнинг тузилиши ва таркиби.</b>	
14.1 Қурилишдаги фондлар тўғрисида тушунча. Асосий фондлар таркиби ва уларни ташкил қилиш манбалари.	114
<b>XV Боб. Айланма фондлар. Айланма воситаларнинг иқтисодий моҳияти</b>	
15.1 Айланма фондлар таркиби ва уларни ташкил қилиш манбалари.	122
15.2. Қурилиш монтаж ташкилотларида айланма маблағлар ва капиталнинг иқтисодий хусусиятлари.	124
15.3. Айланма маблағларни меъёрлаштириш ва режалаштириш.	127
<b>XVI Боб. Қурилиш-монтаж ишларининг (ҚМИ) таннархи ва смета нархи.</b>	
16.1. Асосий тушунчалар.	130
16.2. Фойда ва рентабеллик ҳақида тушунча	132
16.3. Фойдани ҳосил қилиш манбалари ва фойдани тақсимлаш тартиби	134
<b>XVII Боб. Эркин тадбиркорлик тизими. Иқтисодий тизим. Ишлаб чиқариш факторлари. Иқтисодиётда истеъмолчи.</b>	
17.1. Тадбиркорлик тушунчаси ва унинг қурилишда тутган ўрни.	136

17.2. Тадбиркорлик ва корхона.	141
<b>XVIII Боб. Иқтисодиётда истеъмолчи. Истеъмолчи фойдасининг манбалари. Рекламанинг аҳамияти.</b>	
18.1. Истеъмол ва жамғарманинг иқтисодий мазмуни ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги	148
18.2. Истеъмол ва жамғарма даражасини белгилаб берувчи омиллар	150
<b>XIX Боб. Талаб, таклиф, бозор баҳоси.</b>	
19.1. Талаб тушунчаси ва унинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар	154
19.2. Талаб ва таклиф назарияси, бозор мувозанати	159
19.3. Талаб ва таклиф эгилувчанлиги. Талаб функцияси	160
19.4. Талаб ва таклиф нисбати, Нафлилик турлари	161
<b>XX Боб. Тадбиркорликни молиялаштириш. Кредит турлари.</b>	
20.1. Пул муомаласи	163
20.2. Кредит турлари	164
20.3. Кредит олиш тартиби	168
20.4. Акцияларнинг турлари ва хусусиятлари	173
<b>XXI Боб. Рақобат. Рақобат турлари ва унинг тахлили. Бозорда эркин конкуренцияни химоялаш.</b>	
21.1. Асосий тушунчалар	174
21.2. Маркетинг концепцияси	190
<b>XXII Боб. Ишлаб чиқариш ва маркетинг.</b>	
22.1. Маркетинг бозорини ўрганиш	191
22.2. Маркетингнинг асосий вазифалари	195
<b>XXIII Боб. Бухгалтерия ҳисоб-китоби.</b>	
23.1. Ҳисоб-китобнинг мажбурийлиги	197
23.2. Бухгалтерия ҳисоб-китобининг объектлари.	198
<b>Адабиётлар рўйхати</b>	205

## ОГЛАВЛЕНИЕ

<b>ВВЕДЕНИЕ</b>	13
<b>Глава 1. Основные условия подготовки и организации строительных работ.</b>	
1.1. Общие концепции строительного производства	15
1.2. Участники строительного производства	17
1.3. Виды строительных организаций	20
<b>Глава 2. Подготовка строительных работ. Строительная организация</b>	
2.1. Строительная организация	22
2.2. Организация геологоразведочных работ в проектных организациях и строительстве	26
2.3. Основные принципы проектирования, этапы проектирования и оформленные в них документы	29
<b>Глава 3. Организация строительства в поточном методе.</b>	
3.1. Методы организации строительного производства и их сущность	31
3.2. Индикаторы потока строительства	34
3.3. Виды строительных потоков и общие правила их проектирования	37
<b>Глава 4. Календарные планы в строительстве.</b>	
4.1. Общие правила календарного планирования	40
4.2. Организация строительства жилых зданий и календарное планирование	46
<b>Глава 5. Отраслевые столы строительства.</b>	
5.1. Общие понятия о решетчатых календарных планах	58
5.2. Элементы сеточных графов и правила их построения	60
<b>Глава 6. Генеральный план строительства</b>	
6.1. Назначение, виды и состав общей истории строительства	68
6.2. Предварительные данные для создания генерального плана строительства	69
6.3. Правила оформления общей истории строительства объекта	71
6.4. Техничко-экономические показатели общей истории строительства	74
<b>Глава 7. Организация строительного транспорта. Общие условия. Виды автомобильного транспорта.</b>	
7.1. Концепция логистики строительства	75
7.2. Правила организации логистики	78
7.3. Вспомогательные производственные предприятия строительных организаций	79
<b>Глава 8. Управление строительством. Контрольные функции. Методы управления.</b>	
8.1 Организационные формы управления строительством	81
8.2 Основные принципы организации строительного	

производства	84
<b>Глава 9. Информация как основа управления.</b>	
9.1. Понятие информации. Свойства и описание информации.	86
<b>Глава 10. Практическое (оперативное) управление строительным производством</b>	
10.1. Базовые концепции; разработка ежемесячных оперативных планов; еженедельное и ежедневное планирование;	89
<b>Глава 11. Планирование, управление и организация городского хозяйства.</b>	
11.1. Организация труда на рабочем месте.	94
11.2. Понятие «труд» в строительстве, виды труда и его распределение.	97
11.3 Виды оплаты труда в строительстве	99
<b>Глава 12. Капитальные сбережения. Сущность фонда капитала и его структура.</b>	103
<b>Глава 13. Ценообразование и оценка работ. Ориентировочная стоимость строительства.</b>	
13.1 Ориентировочная стоимость - показатель стоимости строительной продукции.	109
13.2. Основы составления сметных документов, требования к ним, нормы и порядок использования норм.	110
13.3. Порядок подготовки и утверждения сметной документации	111
<b>Глава 14. Основные средства. Структура и состав основных средств.</b>	
14.1 Понятие фондов в строительстве. Структура основных фондов и источники их организации.	114
<b>Глава 15. Оборотные фонды. Экономическое значение оборотных средств</b>	
15.1 Состав оборотных средств и источники их организации.	122
15.2. Экономическая характеристика оборотных средств и капитала в строительномонтажных организациях.	124
15.3. Стандартизация и планирование оборотных средств.	127
<b>Глава 16. Стоимость и сметная стоимость строительномонтажных работ (СМК).</b>	
16.1. Базовые концепции.	130
16.2. Концепция рентабельности и рентабельности	132
16.3. Источники получения прибыли и порядок распределения прибыли	134
<b>Глава 17. Система свободного предпринимательства. Экономическая система. Производственные факторы. Потребитель в экономике.</b>	
17.1. Понятие предпринимательства и его роль в строительстве.	136
17.2. Предпринимательство и предпринимательство.	141
<b>Глава 18. Потребитель в экономике. Источники</b>	

<b>потребительской выгоды. Важность рекламы.</b>	
18.1. Экономическое содержание потребления и сбережений и их взаимозависимость	148
18.2. Факторы, определяющие уровень потребления и сбережений	150
<b>Глава 19. Спрос, предложение, рыночная цена.</b>	
19.1. Понятие спроса и факторы, влияющие на его количество	154
19.2. Теория спроса и предложения, рыночное равновесие	159
19.3. Гибкость спроса и предложения. Функция спроса	160
19.4. Соотношение спроса и предложения, виды нафликов	161
<b>Глава 20. Предпринимательское финансирование. Типы кредитов.</b>	
20.1. Денежное обращение	163
20.2. Типы кредитов	164
20.3. Порядок получения кредита	168
20.4. Типы и характеристики акций	173
<b>Глава 21. Конкуренция. Виды соревнований и их анализ. Защита свободной конкуренции на рынке.</b>	
21.1. Базовые концепции	174
21.2. Маркетинговая концепция	190
<b>Глава 22. Производство и маркетинг.</b>	
22.1. Маркетинговые исследования рынка	191
22.2. Основные задачи маркетинга	195
<b>Глава 23. Бухгалтерский учет.</b>	
23.1. Обязательный расчет	197
23.2. Объекты учета	198
Список литературы	205

## CONTENTS

<b>INTRODUCTION</b>	13
<b>1. Basic conditions of preparation and organization of construction work.</b>	
1.1. General concepts of construction production	15
1.2. Participants of building production	17
1.3. Types of construction organizations	20
<b>2. Preparation of construction work. Stroitel'naya organization</b>	
2.1. Building company	22
2.2. Organization of geological exploration work in project organizations and construction	26
2.3. Basic principles of design, stages of design and design of any documents	29
<b>3. Organization of construction in potochnom method.</b>	
3.1. Methods of organization of construction and production	31
3.2. Indicators of construction flow	34
3.3. Types of construction flows and the general rules of their design	37
<b>4. Calendar plan in construction.</b>	
4.1. General rules of calendar planning	40
4.2. Organization of construction of residential buildings and calendar planning	46
<b>5. Branch tables of construction.</b>	
5.1. General concepts of lattice calendar plans	58
5.2. Elements of mesh counts and the rules of their construction	60
<b>6. General construction plan</b>	
6.1. Purpose, types and composition of the general history of the building	68
6.2. Preliminary data for the creation of the general plan of construction	69
6.3. Rules for drawing up a general history of the construction of an object	71
6.4. Technical and economic indicators of the general history of the building	74
<b>7. Organization of construction vehicles. General terms. Types of automobile transport.</b>	
7.1. Construction Logistics Concept	75
7.2. Rules for the organization of logistics	78
7.3. Auxiliary manufacturing enterprises of construction organizations	79
<b>8. Construction management. Control functions. Management Methods.</b>	
8.1 Organizational forms of construction management	81
8.2 Basic principles of organization of building production	84
<b>9. Information as the basis of management.</b>	
9.1. The concept of information. Properties and description of	

information.	86
<b>10. Practical (operational) control building production</b>	
10.1. Basic concepts; development of monthly operational plans; weekly and daily planning;	89
<b>11. Planning, management and organization of municipal services.</b>	
11.1. Organization of labor in the workplace.	94
11.2. The concept of “labor” in construction, types of labor and its distribution.	97
11.3 Types of remuneration in construction	99
<b>12. Capital savings. The essence of the capital fund and its structure.</b>	103
<b>13. Pricing and evaluation of work. Estimated construction cost.</b>	
13.1 Estimated cost - an indicator of the cost of construction products.	109
13.2. Basics of drawing up budget documents, requirements for them, norms and the procedure for using norms.	110
13.3. The procedure for the preparation and approval of budget documentation	111
<b>14. Fixed assets. The structure and composition of fixed assets.</b>	
14.1 The concept of funds in construction. The structure of fixed assets and the sources of their organization.	114
<b>15. Current assets. The economic value of working capital</b>	
15.1 Composition of working capital and sources of their organization.	122
15.2. Economic characteristics of working capital and capital in construction organizations.	124
15.3. Standardization and planning of working capital	127
<b>16. Cost and estimated cost of construction and installation works (QMS).</b>	
16.1. Basic concepts.	130
16.2. Profitability and profitability concept	132
16.3. Sources of profit and profit distribution	134
<b>17. The system of free enterprise. The economic system. Production factors. Consumer in the economy.</b>	
17.1. The concept of entrepreneurship and its role in construction.	136
17.2. Entrepreneurship and entrepreneurship.	141
<b>18. Consumer in the economy. Sources of consumer benefits. The importance of advertising.</b>	
18.1. The economic content of consumption and savings and their interdependence	148
18.2. Factors that determine the level of consumption and savings	150
<b>19. Demand, supply, market price.</b>	
19.1. The concept of demand and factors affecting its quantity	154
19.2. Theory of supply and demand, market equilibrium	159

19.3. Flexibility of supply and demand. Demand function	160
19.4. The ratio of supply and demand, types of files	161
<b>20. Entrepreneurial financing. Types of loans.</b>	
20.1. Money turnover	163
20.2. Types of loans	164
20.3. The procedure for obtaining a loan	168
20.4. Types and characteristics of stocks	173
<b>21. Competition. Types of competitions and their analysis.</b>	
<b>Protection of free competition in the market.</b>	
21.1. Basic concepts	174
21.2. Marketing concept	190
<b>22. Production and marketing.</b>	
22.1. Market research	191
22.2. The main objectives of marketing	195
<b>23. Accounting.</b>	
23.1. Mandatory calculation	197
23.2. Accounting Objects	198
List of references	205

## КИРИШ.

Ўзбекистон Республикасида Мустақиллик йилларида Олий таълимни ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли, истикболга мўлжалланган ишлар амалга оширилмоқда. «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури», «Таълим тўғрисидаги» қонунларнинг қабул қилиниши, Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари» нинг ишлаб чиқиши ва жорий этилиши ҳамда, бошқа муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши олий таълим муассасаларининг моддий базасини тубдан яхшилашни, юқори малакали кадрлар тайёрлашни, уларнинг ҳар томонлама чуқур билим, тажриба ва кўникмаларга эга бўлишини таъминлашни кўзда тутди. Бу фанни ўрганиш жараёнида талабалар Шаҳарлар ривожланиши бўйича турли материаллар билан танишиб чиқадилар. Шу билан биргаликда шаҳарларни ташкиллаштириш, режалаш, бошқариш ва иқтисодий томондан талабларга асосланиб ўрганадилар.

Бинолар одамлар яшаши учун зарур бўлган эҳтиёжларнинг асосийларидан бири ҳисобланади. Уй-жой қурилиши масаласи муҳим муаммо ҳисобланиб, уни ҳал қилиш жамиятни янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сонли **“Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармонида асосан қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қурилиш тармоғи кадрларини профессионал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор масалаларни кўриб чиқиш илгари сурилган мақсадлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли **“Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ги қарорига

мувофиқ Республикамизда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суратларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган қурилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шунга кўра қурилиш материалларини ўрганиш муҳим вазифалардан эканлигини таъкидлаш мумкин бўлади.

Дарсликнинг вазифаси шаҳар қурилиши хўжалигини умумий қонуниятлари, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ривожланиш асослари, капитал қурилиш масалалари, қурилиш бош режаси, қурилишни оқимли ташкил қилиш асослари, тармоқли жадваллар бўйича билимларни ўргатишдан иборат. Дарслик қурилиш йўналишида ўқиётган талабалар ҳамда қурилиш муҳандислари учун мўлжалланган.

## **I Боб. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ҲОЛАТЛАРИ.**

### **§1.1. Қурилиш ишлаб чиқариши тўғрисида умумий тушунчалар**

Қурилиш ишлаб чиқариши – бевосита қурилиш майдонида бажарилиши ишлаб чиқариш жараёнларининг мажмуасидир. Бу ишлаб чиқариш жараёнлари мажмуасига қурилишнинг тайёрлов ва асосий даврларида бажарувчи бир қатор қурилиш-монтаж ва махсус ишларнинг турлари киради. Қурилиш ишлаб чиқаришнинг, яъни маълум изчилликда бажарилган ва ўзаро боғланган ишлар мажмуасининг, натижаси - яқунловчи қурилиш маҳсулоти ҳисобланади. Яқунловчи қурилиш маҳсулоти қаторига фойдаланиш учун тайёрланган янгидан қурилган алоҳида бино ва иншоотлар, уларнинг мажмуаси ҳамда кенгайтириш ёки бошқа мақсадларда қайта қурилган ёки таъмирланган бино ва иншоотлар ҳам киради.

Қурилиш ишлаб чиқариши халқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бири бўлиши билан бирга, фақат ўзигагина хос бўлган бир қатор хусусиятлари билан бошқа соҳалардан кескин ажралиб туради. Бу аввало қурилишнинг сермеҳнат, серашё ва яратилган маҳсулотларнинг ўз жойида қолиши билан ҳарактерланади.

Қурилишнинг сермеҳнат дейилишига сабаб, битта қурилиш маҳсулотини яратиш учун ўнлаб, юзлаб ишчи-хизматчиларнинг меҳнати сарфланади. Улар бир-биридан тубдан фарқ қилувчи кўплаб турдаги меҳнат жараёнларида иштирок этадилар. Баъзида капитал қурилиш соҳасида битта йирик объектни қуриб фойдаланишга топшириш учун бир неча йиллар зарур бўлади.

Қурилишнинг серашё эканлигига эса унда ишлатиладиган хом ашё турларининг хилма-хиллигидадир. Халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қурилишда у, ёки бу мақсадларда ишлатилади, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, машинасозлик

саноати қурилишни машина ва механизмлар билан, металлургия арматура, прокат ва металл тузилмалар билан, кимё саноати лок - бўёқ, линолеум каби ашёлар билан таъминлайди ва х.к. Фақатгина қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноат тармоғининг цемент, оҳак, гипс, темирбетон тузилмалар, ғишт, шифер каби юзлаб маҳсулотлари қурилиш учун ўта зарур бўлиши юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир.

Қурилиш ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, унинг хилма-хил шароитларда амалга оширилишидир. Қурилишнинг турли табиий ва иқлимий шароитларда, очиқ ҳавода олиб борилиши ишларни ташкил қилишда қўшимча қийинчиликлар туғдиради, қурилиш жараёнларини бажариш технологиясига қўшимча талаблар қўяди.

Қурилиш ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари қаторига ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги билан бирга яқунловчи қурилиш маҳсулотининг ҳажмий-режалаш ва конструктив ечимларининг хилма-хиллигини ҳам киритиш мумкин.

Қурилиш ишлаб чиқаришида объектлар ва мажмуаларнинг қурилиши 2 хил усулда амалга оширилади. Биринчиси – пудрат усули бўлса, иккинчиси – хўжалик усули.

Пудрат усулида олиб борилганда қурилиш-монтаж ишлари қурилиш ташкилотларининг кучлари ва воситалари билан буюртмачи ва пудратчи ташкилот ўртасида тузиладиган пудрат шартномаси асосида бажарилади.

Хўжалик усулида олиб борилганда эса ишлар эксплуатация қилувчи ёки қайта таъмирланувчи ташкилотларнинг ўз кучлари билан бажарилади.

Айрим ҳолларда аралаш усулдан ҳам фойдаланилади: бунда бир қисм ишлар пудрат шартномаси асосида олиб борилса, бир қисми қурилиш қилувчи ташкилотнинг ўз кучи билан бажарилади.

Ҳозирги вақтда пудрат услуби билан барча қурилиш-монтаж ишларининг 85-90 % бажарилмоқда.

**Пудрат усули.** Пудрат усулида қурилиш жараёнида тегишли ваколат ва мажбуриятларга эга бўлган 3 та томон вакиллари иштирок этадилар: буюртмачи, бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар.

Пудрат шартномасини буюртмачи бош пудратчи билан ишлар бошланмасдан олдин бино ва иншоотларни қуриш, қайта қуриш ёки техникавий қайта қуроллантиришнинг бутун даври учун тузади.

Бош пудратчи ўз кучи ва воситалари билан лойиҳа-смета ҳужжатларида келтирилган объектларни қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ қуриши, монтаж қилинган асбоб-ускуналарни синовдан ўтказиши, асбоб-ускуналарни комплекс синов ишга туширилишида қатнашиши, ишчи қабул комиссиясига тугалланган объектни топшириши ва объектни буюртмачи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар билан биргаликда белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминлаши лозим.

Бош пудратчи буюртмачи олдида ўзи ва ёрдамчи пудратчи томонидан бажарилган барча ишлар учун жавоб беради, ёрдамчи пудратчи эса бош пудратчи олдида фақат ёрдамчи пудрат шартномасида кўрсатилган ишларнинг турлари учунгина жавоб беради.

**Хўжалик усули.** Хўжалик усулида қурилиш-монтаж ишлари қурилиш қилувчи ташкилотларнинг ўз кучлари ва воситалари билан бажарилади. Ушбу усулда ишларни бажариш учун махсус қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари, участкалари ёки цехлари ташкил қилинади. Ишларни бажаришни ушбу усулда ташкил қилганда буюртмачи керакли ишларни қисқа муддатларда бажариш имкониятига эга бўлади, қурилишга доир масалаларни ҳал қилишда тезкорликка эришилади. Ушбу усулда ишлайдиган қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари керакли қурилиш механизмлари ва малакали қурувчи кадрлар билан таъминланади.

## **§1.2. Қурилиш ишлаб чиқариши иштирокчилари**

Қурилиш - халқ хўжалигини энг йирик ва энг тараққий этган тармоғи ҳисобланиб, унда кўплаб юридик шахслар, ташкилот, корхона ва муассасалар

буюртмачи, пудратчи, лойиҳачи, таъминотчи ёки тадқиқотчи сифатида иштирок этадилар.

*Буюртмачи* - қуриладиган бино ёки иншоотнинг эгаси ҳисобланиб, у ўз мақсади йўлида қурилишни ривожлантиради, ўз кучи билан, ёки шаҳар (туман) меъморчилик бўлими ёрдамида лойиҳалашга меъморий-тархӣй топшириқ тайёрлайди, лойиҳаловчи муассасаларга буюртма бериб қурилишнинг лойиҳа - смета ҳужжатларини тайёрлатади, бош пудратчи ташкилот билан қурилишни бажаришга шартномалар тузиб қурилишни банк тизимлари орқали молиялаштиришни тўла таъминлайди, қурилишни назорат қилади ва қуриб битказилган объектлар ёки уларнинг мажмуасини қабул қилиб олади. У биноларга ўрнатиладиган технологик жиҳозларни етказиб беришга ҳам маъсулдир. Айрим ҳолларда у шартномага мувофиқ қурилишни материаллар ва тузилмалар билан таъминлашда ҳам иштирок этиши мумкин. Бугунги кунда юридик шахслар, хусусий корхона ва фермер хўжаликлар, қўшма корхоналар, давлат ташкилотлари ва муассасари, ҳиссадорлик ва жамоа хўжаликлари мулкчиликнинг шаклидан катъий назар, ҳамда жисмоний шахслар (фуқаролар) ҳам буюртмачи бўла олиши мумкин.

Янги саноат бинолари қурилишида буюртмачи функциясини қурилаётган корхонанинг дирекцияси бажарса, қайта қуриш, кенгайтириш ёки техник қайта қурулантиришда буюртмачи бўлиб амалдаги корхонанинг дирекцияси ҳисобланади.

Уй-жой бинолари ва жамоат, маданий-маиший объектлар қурилишида буюртмачи сифатида жисмоний шахслар, маҳаллий ҳокимият структуралари ва саноат корхоналари чиқши мумкин.

Уй-жой биноларини капитал таъмирлаш ва қайта қуришда буюртмачи сифатида уй-жой фондининг эгалари чиқади.

*Лойиҳаловчи* - буюртмачининг топшириғига мувофиқ ўзаро шартнома асосида қурилишнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб беради. Қурилиш даврида муаллифлик назоратини олиб боради.

Лойиҳалаш ташкилотларига муҳандислик-геологик тадқиқотларни олиб боровчи, геодезик ишларни бажарувчи ва бевосита лойиҳа ҳўжжатларини тайёрловчи муассаса ва ташкилотлар киради.

*Пудратчи* - тайёр лойиҳа асосида қурилишни амалга оширувчи қурилиш-монтаж, лойиҳалаш-қурилиш ёки бошқа ташкилотлар ва фирмалардир. Шунингдек, тегишли тартибда ёки танлов асосида қурилишда қатнашиш ҳуқуқини олган юридик ёки жисмоний шахслар ҳам пудратчи бўлишлари мумкин.

Қурилишдаги вазифаси ва маъсулиятига кўра улар *бош пудратчи* ва *ёрдамчи пудратчиларга* бўлинади. Бош пудратчи буюртмачи билан ўзаро шартномага мувофиқ қурилишни тўла бажаришга ва уни фойдаланишга топширишга маъсул ҳисобланади. Ёрдамчи пудратчи зарур ҳолларда (алоҳида ва махсус ишларни бажаришда) бош пудратчи билан ўзаро шартномага мувофиқ қурилишда иштирок этади. У бажарган ишлари бўйича бош пудратчи олдида маъсул ҳисобланиб фақат у билан ҳисобкитоб қилади. Бош пудратчи ёрдамчи пудратчиларнинг ички ишлаб чиқариш ишларига аралашмаган ҳолда уларнинг қурилишдаги фаолиятини назоратга олади, улар томонидан бажарилган ишларга ҳам буюртмачи олдида жавоб беради.

Мулкчиликнинг қандай шаклда бўлишидан катъий назар, барча қурилиш ташкилотлари ва қурилиш фирмалари қурилишда бош пудратчи ёки ёрдамчи пудратчи сифатида иштирок этишлари мумкин.

*Таъминотчи* - ўзининг маҳсулоти билан қурилишни таъминловчи корхона ташкилот ва муассасалардир. Уларга аввало қурилишни материаллар, тузилмалар ва яримтайёр маҳсулотлар (ғишт, цемент, оҳак, шифер, ёғоч-тахта, линолеум ва х.к.) билан, машина - механизм ва асбоб ускуналар билан таъминловчи корхона ва ташкилотлар киради. Қолаверса, қурилишга ишчи-хизматчилар, яъни мутахассис кадрлар тайёрлаб етказиб берувчи касб-хунар коллежлари, Олий таълим муассасалари ҳам қурилиш таъминотчиси ҳисобланадилар.

*Тадқиқотчи* сифатида қурилишда иштирок этувчи муассасалар қурилиш соҳасидаги камчиликлар ва муаммоларни илмий тадқиқ қилиш йўли билан ечиб бериш, қурилиш меъёрларини асослаш ва илмий-техник тараққиёт негизида қурилиш учун янги техника ва технологияни яратиш билан шуғулланадилар. Улар асосан илмий-тадқиқот муассасалари бўлиб, барча қурилиш иштирокчилари учун ўзаро шартномага мувофиқ хизмат кўрсатадилар.

### **§1.3. Қурилиш ташкилотларининг турлари**

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат тасарруфидаги аксарият қурилиш ташкилотлари (трестлар, қурилиш бошқармалари, кўчма механизациялашган колонналар ва х.к.) аста секин давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулкчиликнинг бошқа шаклларида фаолият кўрсатмоқдалар.

Бу ташкилотлар ўзининг катта-кичиклигига қарамай буюртмачи билан ўзаро шартномага мувофиқ қурилишда тўлақонли бош пудратчи сифатида иштирок этиши мумкин. Бу давлатнинг қурилиш ташкилотлари йўқолиб кетади деган сўз эмас. Фақат уларнинг ҳиссаси қурилиш ташкилотларининг умумий таркибида камайиб кетади ҳалос. Чунки хусусий ёки жамоа мулкчилигига асосланган қурилиш фирмалари, ҳиссадорлик жамиятларининг бозорни ўрганган ҳолда ўз фаолиятини ташкил қилиш имкониятлари давлат мулкчилигига асосланган корхона (ташкилот) ларга нисбатан бирмунча кўпроқдир.

Қурилиш соҳасидаги давлат корхона ва ташкилотлари давлат мулки ҳисобланиб, унинг назорати остида фаолият кўрсатади. Бундай корхоналарнинг фойда-зарари давлатникидир. Улар марказий ва маҳаллий ҳокимиятларга қарашли бўлиб ишлаб чиқаришдаги давлат бўлинмаси (сектори) ни ташкил этади, энг муҳим ва маъсулиятли қурилишларда бош пудратчи сифатида иштирок этадилар.

Қурилиш соҳасидаги хусусий фирмалар кўпинча кичик корхоналар кўринишида бўлиб, улар айрим шахсларга ёки оилаларга қарашли

бўлади ва якка хусусий мулкдор бошчилигида фаолият кўрсатади. Хусусий фирмалар асосан маълум бир қурилиш йуналиши ёки қурилиш-монтаж ишларига ихтисослашган бўлади ва қурилишда ёрдамчи пудратчи сифатида (майда қурилишлар бундан мустасно) иштироқ этадилар. Улар тўлақонли қурилиш иштирокчиси сифатида фаолият кўрсатиши учун ўз уставига эга бўлиши, мавжуд қонун қоидаларга мувофиқ рўйхатдан ўтиши ва махсус ишларни бажариш учун рухсатнома (лицензияга) эга булиши зарурдир. Хусусий фирма эгаси якка бошқарувчи ҳисобланиб, унинг устидан ҳеч ким ҳўжайинлик қила олмайди, фойда-зарар фақат шу фирмага тегишли бўлади. Бундай фирмалар кичик бизнесда иштироқ этадилар, чунки уларнинг капитал маблағи ва имкониятлари кўпинча чекланган бўлади.

Қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган фирмаларнинг яна бир тури бир неча соҳибларнинг мулкани бирлаштириш ва тадбиркорликдан олинган фойдани баҳам кўришга асосланган шерикчилик (ширкат) фирмаларидир.

Бундай фирмаларни тузиш, биринчидан, кичик миқдордаги маблағларни жамлаб жамоа мулки кўринишидаги йирик маблағни ташкил қилиш ва уни тадбиркорлик ҳаракатига йўналтириш имконини беради, иккинчидан, тадбиркорлик ҳаракатидаги хавф-хатарлар тақсимланиб ҳар бир тадбиркор учун катта зарар кўриш хавфи камаяди.

Бу турдаги фирмалар икки хил бўлади:

- а) маъсулияти чекланган фирма;
- б) маъсулияти чекланмаган фирма.

Маъсулияти чекланган фирмаларнинг энг кенг тарқалган шакли акционерлик жамиятлари ёки корпорациялардир. Улар томонидан устав капиталига мувофиқ қимматли қоғозлар-акциялар чиқарилади. Акциялар ёпиқ жамиятларда фақат ўз ишчиларига, очик турдаги жамиятларда эса - барча хоҳловчиларга сотилади. Акция эгалари ҳиссадорларга айланадилар ва фойдадан ўз улушлари - дивидентларини олиб турадилар. Бундай

фирмалар номига «лимитед» (ЛТД) яъни «чекланган» деган сўз қўшиб юритилади. Улар ўзининг тўлов мажбурияти фақат устав фонди хажмидагина бўлиши билан ҳарактерланади.

Масъулияти чекланмаган фирмаларнинг устав фонди ҳам шерикчилик асосида ташкил топади. Фойда улар ўртасида устав фондидаги ҳиссасига кўра тақсимланади. Бунда ҳиссадорлар тўла ҳуқуқли ва ҳуқуқи чекланган шерикларга бўлинади. Мободо фирма банкротликка учраса, унинг зарари қурби етадиган иштирокчилар зиммасида бўлади.

Қурилиш ташкилотларининг бундай турлари ва уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунларида белгилаб қўйилган. Масалан, «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида» ёки «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» каби қонунларда.

#### **Назорат саволлари:**

1. Қурилиш ишлаб чиқариши деганда нимани тушунаси?
2. Лойиҳаловчи деганда нимани тушунаси?
3. Пудратчи деганда нимани тушунаси?
4. Таъминотчи деганда нимани тушунаси?
5. Қандай турдаги қурилиш фирмаларини биласиз?

## **II Боб. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ. ҚУРИЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.**

### **§2.1. Қурилишни ташкил қилиш.**

Қурилиш ишлаб чиқарилишини ташкил қилиниши 2 даврдан иборат:

- 1) қурилишга тайёргарлик ишларини олиб бориш;
- 2) қурилиш-монтаж ишларини бажариш.

<b>Қурилишга тайёргарлик</b>		
<i>Буюртмачи</i>	<i>Пудратчи</i>	
1. Лойиҳа-смета	Майдон ичидаги ишлар	Майдон

хужжатларини тайёрлаш ва тасдиқлаш		ташқарисидаги ишлар
2. Молия таъминланишини очиш	Тиргак-геодезик тармоқларини тайёрлаш	Магистрал линия ва йўл-ларни қуриш.
3. Ишчи хужжатлар ишлар чиқишини таъминлаш	Ҳудудни ўзлаштириш, иморатни бузиш, тозалаш	қўрғон ва уй-жойларни қуриш
4. Титул рўйхатларни ишлаб чиқиш ва келишиб олиш	Пломба ишлари	
5. ГАСКда тасдиқлаш	қурилиш учун доимий бино ва иншоатларни қуриш	
6. қурилиш учун ер участкасини ажрати-лишини таъминлаш	Овқатланиш майдон-чалари ва омборхона хўжалигини қуриш	
7. Жиҳозлар учун буюртма бериш	Вақтинчалик бино ва иншоатлар, сув, электр тармоқларини ўрнатиш	
8. Сув таъминоти, электр таъминоти ва ҳ.к. манбаларидан фойдаланиш масаларини ҳал этиш.		
9. Пудратчи билан шартнома тузиш		
10. Ҳудуддан шахсларни кўчириш		

Қурилишни тайёрлашга қуйидагилар киради: лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш. Ишчи хужжатларини (пудратчига) йилнинг 1-июлидан кечиктирмасдан берилади. Лойиҳа-смета хужжатлари асосида қурилиш ташкилоти келгуси ишлар ҳажмига ППР ишлаб чиқади.

Буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги шартнома қуйидаги ҳужжатлар бўлган ҳолда тузилади:

- 1) қурилишнинг титул рўйхати;
- 2) тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлар;
- 3) мазкур объект пудратчининг режаларига киритилганлиги ҳақида маълумотнома;
- 4) қурилиш режалаштирилаётган йилда молия билан таъминланганлиги.

қурилишда пудрат шартномалар ҳақидаги қоидаларда қуйидаги шартнома турлари ўрнатилган:

- 1) бош пудрат шартномаси - қурилишнинг барча ҳажмига тузилади;
- 2) йиллик пудрат шартномаси-1 тақвим йилига тузилади;
- 3) буюртмачи томонидан тузилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган титул рўйхатлари қурилишнинг бошланиши ва тугатиш вақтларини, қурилиш жойини, режалаштирилаётган йилга капитал маблағлар ҳажми, қувватларни ишга тушириш ҳажми ва муддатларини белгилайди.

Титул рўйхатлари қурилишни режалаштириш, молия билан таъминлаш, кредитлар бериш учун асосий ҳужжатлар ҳисобланади.

#### Қурилишнинг оқимли усули.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилиш қуйидаги илмий ва ишлаб чиқариш фаолияти йўналишларини кўзда тутаяди: қурилишни ташкил қилиш, қурилишни режалаштириш ва қурилишни бошқариш.

Қурилишни ташкил қилиш - қўйилган вазифани бажариш учун ишлаб чиқариш корхонасини шакллантириш ёки танлаш тизимидир.

Режалаштиришга –бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларини вақт ва фазода боғлаш тизими ва шунингдек, моддий-техник манбаларни етказиб бериш ва харажат тизими киради.

Бошқариш - қўйилган вазифаларни сўзсиз бошқариш мақсадида ўрнатилган тартибни бузмаслик ёки қурилиш ишлаб чиқаришини бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтказиш тизимидир.

Ташкилотларнинг асосий тамойиллари: иш муддатини қисқартириш, уларнинг қийматини камайтириш, мажмуий механизациялаш, автоматлаштириш, саноатлаштириш, қурилиш-монтаж ишларини оқимли усулда бажариш ва ҳ.к.

Қурилиш жараёнлари турлича ривожланиши мумкин: кетма-кет, параллел ёки оқим усулида.

Қурилиш кетма-кет усулида олиб борилганда ҳар бир бино қурилиши ҳар бир объектда барча ишлар ниҳоясига етгандан сўнг бошланади. Параллел усулда барча объектларда қурилиш жараёнлари бир вақтда бошланиб бир вақтда ниҳоясига етади.

Оқимли усул кетма-кет ва параллел усуллардаги афзалликларни сақлаб қолиб ва уларнинг камчиликларини бартараф этиб, иккала усул қўшилиб олиб борилади.

#### Қурилиш оқимининг асосий қонунлари.

Оқимли усул қуриладиган турли бино ва иншоотлар учун умумий тушунчага эга.

**1.** Бу ҳолда жараён операцияларга бўлинади. Ишчилар ўртасида операциялар тақсимланганда қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- а) оқимли-операцион; б) оқимли-бўғинли;
- в) оқимли-мажмуа усулларида иш олиб бориш.

Оқимли-операцион усул бир жараённи битта звенода операцияларга тақсимлаш.

Оқимли-бўғинли усулда белгиланган қамровда ишлаётган ва оддий жараёнларни бажараётган бригада звенолари ишлайди.

Оқимли-мажмуали усул бригада аъзолари бир неча турдош касбларга эга бўлган мажмуий бригадалар томонидан қўлланади.

**2.** Объектларнинг шаклига қараб ишлар олиб борилишининг қуйидаги усуллари қўлланади:

- а) оқимли-тасмали; б) оқимли-қамровли.

Оқимли-тасмали усул узун иншоатлар қурилишида қўлланилади (сув ва ташқи коммуникациялар тармоқлари).

Оқимли-қамровли усул бинолар қурилишда қўлланилади.

Турли объектларда кетма-кет бажариладиган бир турдаги ишларни ташкил қиладиган оқим хусусий оқим деб аталади.

Битта объектда бажариладиган турли хил ишларни ташкил қиладиган оқим объектли оқим деб ҳисобланади.

Бир турдаги ишлар хусусий оқимда белгиланган вазнда бажарилади. Ушбу вазн қурилиш оқимининг ўлчов бирлиги ҳисобланади.

Вазн-битта қамровда хусусий оқимни бажариш учун кетадиган вақт.

Оқим қадами деб турдош фронтларда иккита хусусий оқимлар оралиғидаги вақтга айтилади.

Агарда оқимнинг қадами вазнга тенг бўлса бундай оқим вазнли (ритмик) деб аталади. Технологик танаффусларга эга бўлган қурилиш оқимлари қуйидаги формула билан белгиланади:  $T_{окк}(mK_n-1)kT$  тех.тан.

Қурилиш оқимининг вазнлигини сақлаб қолиш учун технологик танаффусларни оқим қадамига тенг ёки каррасини қабул қилишади. Оқимнинг тавсифларидан бири унинг жадаллиги ишлаб чиқарилган тайёр қурилиш материаллари  $V$  ҳажми  $t$  вақт бирлигида белгиланади:

хусусий оқим  $iKV/t KV/ m k$

объектли оқим  $iKV/tKV/ k(mK_n-1)$

Оқимлар вазнли (ритмик), вазнсиз, турли вазнли бўлиши мумкин.

## **§2.2. Лойиҳалаш ташкилотлари ва қурилишда қидирув ишларини ташкил этиш**

*Лойиҳалаш ташкилотлари* қурилишнинг дастлабки босқичидан унинг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб, улар буюртмачи томонидан тайёрланган топшириққа мувофиқ ўзаро шартнома асосида қурилишнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб берадилар.

Лойиҳалаш ташкилотлари бевосита лойиҳалаш институтлари, трестлар, фирмалар ва бошқа бюрлар тарзида тузилиши ва фаолият кўрсатишлари мумкин. Лойиҳалаш ташкилотлари маълум бир йўналиш ёки соҳа бўйича ихтисослашган бўладилар. Масалан, саноат қурилиши, фуқаро қурилиши, қишлоқ хўжалиги қурилиши, йўл қурилиши, сув иншоотлари қурилиши ва х.к. Лойиҳалаш ташкилоти қайси бир шаклда тузилмасин фақат Ўзбекистон Республикаси Давархитқурилиш қўмитаси томонидан тасдиқдан ўтиб махсус руҳсатномага (лицензияга) эга бўлгандагина лойиҳалаш соҳасида фаолият кўрсатиши мумкин.

Бажариладиган лойиҳа учун жавобгарлик масъулияти бўйича лойиҳачилар: бош лойиҳачи ва ёрдамчи лойиҳачиларга бўлинади. Бош лойиҳачи буюртмачи билан лойиҳалаш ишлари учун шартнома тузади ва лойиҳа-смета ҳужжатлари учун тўла жавобгарлик масъулиятини ўзига олади. Лойиҳа тўлалигича ёки унинг асосий қисми (масалан, саноат иншоотларининг технологик қисми) бош лойиҳачи томонидан бажарилади. Йирик бино ва саноат иншоотлари қурилишининг лойиҳасини тайёрлашда бош лойиҳачи унинг алоҳида бўлимларини бажаришга ёрдамчи лойиҳачиларни ҳам шартнома асосида жалб қилиши мумкин. Ленин ёрдамчи лойиҳачилар томонидан бажариладиган лойиҳа қисмлари учун ҳам жавобгарлик масъулияти бош лойиҳачида қолади.

Қурилувчи объект лойиҳасининг сифати ҳамда қурилишнинг сифати ва қиймати кўп жиҳатдан лойиҳаланувчи объектнинг барпо этилиши ва фойдаланиш шароитларининг нақадар батафсил ўрганилганлигига боғлиқдир. Шунинг учун асосий лойиҳа ишларининг бошланишидан олдин қурилиш ҳудуди ва қурилиш майдонида керакли қидирув ишлари олиб борилган бўлиши лозим. Бу ишларнинг таркиби ва ҳажми қурилишнинг тури, ҳудуднинг ўзлаштирилганлик ва ўрганилганлик даражасига, объектнинг ўлчамларига ва жойнинг тавсифига боғлиқ бўлади.

Қидирув ишлари: муҳандислик ва техник-иқтисодий қидирувларга бўлинади.

Муҳандислик қидирувлари қурилиш ҳудудининг табиий шароитларини мажмуали ўрганиш мақсадларида лойиҳалаш учун керакли маълумотларни олиш учун олиб борилади. Муҳандислик қидирувлари бир ёки икки босқичда бажарилади ва бу лойиҳалашнинг босқичлари сонига боғлиқ бўлади. Улар муҳандислик-геодезик, геологик ва гидрометеорологик қидирувларга бўлинади.

Муҳандислик қидирувлари бўйича ишларни ҳудудий, ихтисослашган қидирув ва лойиҳа-қидирув ташкилотлари бажарадилар. Улар буюртмачининг техник вазифасига (ТВга) мувофиқ жойида амалга оширилади. Вазифага асосан қидирув ташкилотлари ишларнинг дастурини ва сметасини тузадилар.

Қидирув ишларини одатда уч даврда ташкил этилади – тайёрлов, далага оид ва камерал.

Тайёрлов даврида қидирувлар бўйича мавжуд маълумотлар йиғилади, ўрганилади ва умумлаштирилади, қидирув ишлари дастурлари, графиклари ва сметалари тузилади, шартномалар тузилади ва далага оид қидирув бўлинмалари (экспедициялар, партиялар) ташкил қилинади.

Далага оид даврда дастурда кўзда тутилган дала ишлари бажарилади.

Камерал даврда қидирув ишлари материаллари ишлаб чиқилади, лабораторияга оид тадқиқотлар якунланади, ҳисобот материаллари тузилиб буюртмачига топширилади.

Техник-иқтисодий қидирувлар қурилиш ҳудудининг иқтисодий шароитларини ҳамда келажакдаги қурилишни меҳнат, материал-техник ва энергетик ресурслар билан таъминланиш имкониятларини ўрганиш мақсадида олиб борилади. Ушбу қидирувлар жараёнида энг аввал қурилувчи объектни маҳаллий қурилиш материаллари, ёқилғи, сув, электр энергияси, газ, транспорт ва алоқа линиялари билан таъминлаш манбалари аниқланади.

Техник-иқтисодий қидирувлар, одатда, бошқаларидан аввалроқ, яъни лойиҳалашдан анча илгари бажарилади, чунки бу маълумотлар объектни лойиҳалаш ҳақидаги қарорнинг ўзига ҳам таъсир қилиши мумкин.

### **§2.3. Лойиҳалашнинг асосий қонун-қоидалари, лойиҳалаш босқичлари ва уларда тузиладиган ҳужжатлар**

*Лойиҳалаш* қурилишдаги дастлабки босқич бўлиб, у қурилишга сарф қилинадиган капитал маблағларнинг самарадорлигини таъминлаш ва оширишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Қурилиш ишлаб чиқаришининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, қуриладиган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати ва кишилар турмуш даражасининг қай даражада ўсиши кўп жиҳатдан тайёрланган лойиҳанинг сифатига борғлиқ бўлади.

*Лойиҳа* деб, бўлажак корхона ёки бинонинг технологияси ва жиҳозланишига оид ечимлар, архитектура-режалаштириш ва конструктив ечимлар, техник-иқтисодий ҳисоблашлар ва асослашлар, смета ва зарурий изоҳлардан иборат график ва матн кўринишидаги материалларнинг мажмуига айтилади.

*Лойиҳалар* фойдаланиш даражасига кўра икки хил: *якка тартибдаги ёки намунавий* (типовой) бўлиши мумкин. Якка тартибдаги лойиҳа асосида қуриладигна бинолар қабул қилинган лойиҳавий ечимлар (ҳажми, кўриниши, хоналарнинг жойлашуви ва х.к.) нинг ўзига хос ва такрорланмаслиги, хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Намунавий лойиҳалар асосий талаб ва эҳтиёж кўп бўлган бинолар учун тузилади ва бунда қурилишда йиғма конструкцияларни кўплаб ишлатиш, лойиҳалаш ва қурилиш давомийлигини бирмунча камайтириш ҳамда бу билан капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имкониятлари яратилади.

Лойиҳалаш *бир ёки икки босқичли* бўлиши мумкин. Намунавий лойиҳалардан фойдаланганда ёки катта бўлмаган биноларни лойиҳалаш бир босқичда амалга оширилади ва бунда тўғридан-тўғри ишчи лойиҳаси тузилади. Йирик қурилишларнинг лойиҳаси ёки муҳим аҳамиятга эга бўлган якка тартибдаги лойиҳалар икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда қурилиш техник-иқтисодий томондан асосланиб унинг умумий меъёрлар асосидаги нарҳи аниқланса, 2-босқичда ишчи лойиҳаси тузилади.

Лойиҳани тайёрлашда тартибини билиш ёш мутахассислар учун ўта муҳимдир. Бунда лойиҳалашга бўладиган тайёргарлик ишларини ҳам билиш зарур. У аввало буюртмачининг қурилиш қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилиши ва зарур ҳолларда ўз қарорини юқори ташкилотларда ҳимоя қилиши билан бошланади. Шундан сўнг қурилиш учун жой танлаш ва уни ажратишга эришиш, лойиҳа учун топшириқ ва қурилиш паспортини тайёрлаш, ҳамда шаҳар (туман) меъморчилик бўлими орқали қурилишга *меъморий режалаштириш талаблари тўплами* (АПЗ) тайёрлатиш зарур бўлади. Шундан сўнг буюртмачи ва лойиҳачи ўртасида шартнома тузилиб, кейингиси томонидан қурилишнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга киришилади.

Тайёрланган лойиҳа нафақат буюртмачи томонидан, балки бош пудратчи томонидан ҳам маъқулланиши лозим. Лойиҳа маъқул бўлгандан сўнг қабул қилинган ечимларни нақадар тўғри эканлигига, сметаларнинг мавжуд меъёрлар асосида тузилиб капитал маблағларнинг максимал самарадорлигини таъминлаш кўзда тутилганлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида лойиҳа мутасадди ташкилотлар орқали *экспертизага* юборилади. Экспертизадан ўтказилиб тасдиқланган топшириқ қурилиш учун қабул қилинади.

### **Назорат саволлари:**

1. Буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги шартнома қандай ҳужжатлар бўлган ҳолда тузилади?
2. Қурилишни тайёрлашга нималар киради?
3. Қурилиш ишлаб чиқарилишини ташкил қилиниши неча даврдан иборат?
4. Ташкилотларнинг асосий тамойиллари ҳақида биласизми?
5. Қурилиш жараёнлари қандай турларда ривожланиши мумкин?

### III Боб. ҚУРИЛИШНИ ОҚИМ УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

#### §3.1. Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш усуллари ва уларнинг моҳияти

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг 3 хил усули мавжуд бўлиб, улар ўзининг шакли ва моҳияти билан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Булар:

1. Кетма-кет усул
2. Параллел усул
3. Узлуксиз оқим усули

Бу усулларни бир-биридан фарқлаш ва туб моҳиятини англаб этиш мақсадида қуйидаги мисолларни кўриб чиқамиз:

Айтайлик,  $m$  та бир хил уйни қуриш зарурияти бўлсин. Битта уйни тиклаш учун  $T_{ц}$  вақт, ҳамма уйларни тиклаш учун эса  $R$  миқдорда моддий-техник ресурслар (ишчи кучи, машина-механизмлар ва ашёлар) талаб қилинсин. Режадаги ҳамма  $m$  та уйни кетма-кет усулида қуриш учун  $T$  умумий вақт сарф бўлади:

$$T = m \times T_{ц}$$

Ҳар бир уй қурилишини олиб бориш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар миқдори эса қуйидагича аниқланади:

$$r = R / T$$


Буларни календар режа кўринишида ифодаласак, қуйидаги кўринишга эга бўлади (3.1., а, б, в - расмлар).

Графикдан кўриниб турибдики, қурилишни кетма-кет усулда олиб борилса,  $m$  та уйни тўлалигича қуриб битказиб фойдаланишга топшириш учун максимал вақт талаб қилинади, лекин қурилишни ташкил этиш учун моддий-техник ресурсларга кундалик эҳтиёж эса минимал бўлади. Қурилишни бу усулда ташкил қилинганда ишчиларни ҳамма вақт ҳам ўз касб-кори бўйича иш билан таъминлаш имконияти бўлмайди ва шунинг учун

ташкиллаштиришнинг бу усули меҳнат унумдорлигига, ҳамда иш сифатига салбий таъсир кўрсатади. Бунда қурилиш машина ва механизмларидан унумсиз фойдаланиш, уларнинг ишсиз қолиши ҳоллари ҳам учраб туради. Бу эса ўз навбатида қурилиш маҳсулоти нарҳининг ортиб кетишига олиб келади. Қурилишни кетма-кет усулда ташкил қилинганда ҳар бир уй қурилишининг бошланиши ва фойдаланишга топширилиши навбати билан, кетма-кет амалга оширилади.

Параллел усулда эса, барча уй қурилиши бир вақтда бошланиб, бир вақтда фойдаланишга топширилади. Бунда ҳамма ( $m$  та) уй қурилиши давомийлиги битта уй қурилиши давомийлигига тенг бўлади, яъни  $T = T_{\text{ц}}$ . Лекин, моддий-техник ресурсларга бўладиган кундалик эҳтиёж кетма-кет усулдагига нисбатан  $m$  марта ортиб кетади. Бу 5.1., б - расмдаги тақвимий режада яққол кўзга ташланади.

Графикдан кўриниб турибдики, қурилишни параллел усулда ташкил қилинганда  $m$  та уй қурилиши учун минимал вақт сарф бўлади, уйлар фойдаланишга жуда эрта топширилади. Бошқача қилиб айтганда, сарфланган капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги ва қурилиш ташкилотлари айланма фондининг айланиш кўрсаткичи бирмунча ортади. Шу билан биргаликда бунда бир турдаги моддий-техник ресурсларга бўлган кундалик эҳтиёжнинг кескин ортиб кетиши қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилишда қийинчиликлар туғдиради. Кундалик эҳтиёж мавжуд ресурслар миқдоридан ортиб кетса қурилишда ишчиларнинг ва машина-механизмларнинг маълум муддатга ишсиз туриб қолиши ҳоллари содир бўлади. Бу ўз навбатида қурилишнинг давомийлигига, қурилиш маҳсулотининг таннарҳига салбий таъсир кўрсатади.



3.1 – расм. Қурилишни ташкил қилиш услублари  
 а-кетма-кет; б-параллел; в-оқимли.

Қурилишни ташкил қилишнинг яна бир усули узлуксиз оқим усулидир. Бу усул юқорида айтиб ўтилган ҳар икки усулнинг яхши томонларини ўзида мужассамлантирган ва камчиликларини бартараф қилган усул ҳисобланади. Қурилишни бу усулда олиб борилганда бир хилдаги ишлар барча уйларда кетма-кет усулда, ҳар хил ишлар эса параллел усулда ташкил қилинади. Бунда  $m$  та уйни қуриб фойдаланишга топшириш учун умумий қурилиш давомийлиги ўртача бўлгани ҳолда, бир хил моддий-техник ресурсларга кундалик эҳтиёж минимал даражада сақланиб қолади. Бу усулнинг яна бир бир яхши томони шундаки, бунда моддий-техник ресурслар таъминоти бир

текисда, уйларни фойдаланишга топшириш навбати билан (ритмик равишда) амалга оширилади.

Қурилишни узлуксиз оқим усулида ташкил қилиш календар режада куйидагича кўринишида(3.1., в - расм) бўлади.

### **§3.2. Қурилиш оқимларининг кўрсаткичлари**

Қурилиш оқимларининг кўрсаткичлари (параметрлари) 3 гуруҳга бўлинади:

1. Фазовий кўрсаткичлар
2. Технологик кўрсаткичлар
3. Вақт бўйича кўрсаткичлар

Фазовий кўрсаткичлар қурилиш оқимининг иш жараёнида эгаллаган жойини характерлайди. Унга меҳнат фронти, ярус, камров, бўлинма ва монтаж участкаси кабилар киради.

Қурилиш оқимининг технологик кўрсаткичларига оддий оқимларнинг сони –  $n$ , битта оқим томонидан бажариладиган ёки бажарилган иш ҳажми –  $V$ , шу иш ҳажмини бажариш учун меҳнат сарфи - $Q$  ва оқимнинг қуввати -  $W$  лар киради.

Махсуслашган, объектга оид ва мажмуа оқимлари уларни ташкил этувчи оддий оқимларнинг сони ва хусусиятлари билан тавсифланади. Уларни ташкил қилувчи оддий оқимлар сони эса ишнинг турига, бу ишни ташкил қилувчи меҳнат жараёнларига боғлиқ бўлади. Қурилиш - монтаж иши қанчалик кўп оддий меҳнат жараёнларидан ташкил топган бўлса, бу ишни бажарувчи махсуслашган қурилиш оқими таркибида шунча кўп оддий оқим мавжуд бўлади.

Оқим томонидан бажариладиган иш ҳажми эса объектнинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлиб, у шу ишнинг ўлчов бирлигида ўлчанади. Оқим томонидан бажариладиган ишни тўлалигича тугаллаш учун сарфланган меҳнат сарфи (киши-соат, киши-кун) оқимнинг меҳнат сарфи дейилади.

Қурилиш оқимининг қуввати деганда мазкур оқимнинг вақт бирлиги ичида бажариши мумкин бўлган ёки бажарган ишининг ҳажми тушунилади. Оқимнинг қувватидан амалда тўла фойдаланишга ҳаракат қилиш лозим. Оқимнинг амалдаги қуввати қуйидагича ҳисоблаб топилади:

$$W = V / T$$

бу ерда:  $V$  – оқим томонидан бажариладиган иш ҳажми;

$T$  - шу иш ҳажмини бажариш учун кетган вақт.

Қурилиш оқимининг вақт бўйича кўрсаткичлари таркибига ритм, оқимнинг қадами ва суръати киради.

Қурилиш ишлаб чиқаришини узлуксиз ташкил қилишда оқимнинг фаолиятини ритмик ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Оқимнинг ритми деганда унинг битта захваткадаги фаолият даври тушунилганлиги учун уни цикл модули ( $K$ ) деб ҳам юритилади. Агарда захваткаларда цикл модули ўзгариб ҳар хил қийматга эга бўлса, унинг энг кичик қиймати цикл модули сифатида қабул қилинади. Қурилиш оқимининг фаолият даври цикл модулига тығри пропорционал боғланган. Шунинг учун цикл модули оқимнинг фаолият даврига бошқа кўрсаткичларга қараганда кўпроқ таъсир қилади.

Оқимнинг қадами бир оқим билан иккинчи бир оқимнинг битта захваткада иш бошлашидаги вақт оралиғи бўлиб, аксарият ҳолда у оқимнинг ритмига миқдор жиҳатидан тенг бўлади.

Оддий оқимнинг ритми амалда кўпинча бир хил бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда, оқимнинг вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарадиган қурилиш маҳсулоти (қамровлар) миқдорини аниқлаш зарурияти туғилади. Бу қурилиш оқимининг суръати деб аталади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$V = m / t;$$

бу ерда:  $m$  – қамровлар сони;

$t$  – оқимнинг фаолият даври

Қурилиш оқимлари одатда циклограммада, чизиқли ёки тўрсимон тақвимий режа кўринишида акс эттирилади. Қурилиш оқимининг кўрсаткичлари ва улар орасидаги боғлиқликлар 4-расмдаги циклограммаларда яққол кўзга ташланади.

Қурилиш оқимларини лойиҳалашда ва унинг кўрсаткичларини ҳисоблашда компьютердан фойдаланиш имкониятлари катта. Бунинг учун кўйилган масалани ечиш учун дастур тузилади.

Халқ хўжалигининг барча соҳаларида бўлганидек қурилиш ишлаб чиқаришида ҳам асосий эътибор меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини оширишга қаратилади. Бу кўрсаткичларнинг юқори бўлиши айниқса бозор иқтисодиёти даврида муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатининг оширилишида ишчи-ҳодимлар малакасининг юқори бўлиши, фан ва техника ютуқларидан амалда кенг фойдаланиш, қурилиш ишлаб чиқишини тўғри ташкил қилиш каби омиллар асосий ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

Қурилишни тўғри ташкил қилиш ҳар қандай қурилиш - монтаж ишларини имкон даражасида оддий технологик жараёнларга ажратиш ва уларни бажариш учун касб-кори бўйича қурилиш оқимларини звено, бригада тарзида ташкил қилиш, ҳамда уларни зарурий меҳнат қуроллари, моддий-техник ресурслар билан узлуксиз таъминлаш орқали амалга оширилади.

Бунда қурилиш оқимларининг ишлаб чиқариш қувватидан тўла фойдаланилади, уларнинг меҳнат фронти бўйича кўчиб юриш фаолияти даврида ортиқча бефойда вақт сарфларига чек қўйилади, фавқулодда мажбурий содир бўладиган ташкилий-технологик танаффуслар барҳам топади. Шунинг учун оқимларнинг қурилиш ишлаб чиқаришида тутган ўрни беқиёс каттадир.

### **§3.3. Қурилиш оқимларининг турлари ва уларни лойиҳалашнинг умумий қоидалари**

Қурилишда оқим деганда бевосита қурилиш-монтаж ишлари билан банд бўлган ишчилар гуруҳи (звено, бригада ва бошқа жамоалар) тушунилади. Қурилиш - монтаж ишлари серашё ва сермеҳнат бўлганлиги учун аксарият кўпчилик ҳолларда улар икки ва ундан ортиқ ишчилар томонидан қурилиш звенолари ёки бригадалари таркибида бажарилади.

Бу ишчилар гуруҳининг бир иш жойидан иккинчи бир иш жойига кўчиб ўтиши «оқим» тарзида намоён бўлади. Шунинг учун бу «қурилиш оқими» ёки оддий қилиб «оқим» деб ном олган. Қурилиш оқимлари тузилишига ва яратган маҳсулотига (тугалланган ишига) қараб қуйидаги турларга бўлинади:

1. Оддий оқим;
2. Махсуслашган оқим;
3. Объект оқими<sup>4</sup>
4. Мажмуали узлуксиз оқим.

Оддий оқим деб, бир ёки бир неча меҳнат жараёнида иштирок этувчи ишчилар гуруҳига айтилади. Улар асосан қасб-корининг бир хиллиги ёки бир-бирига яқин бўлиши билан ажралиб туради. Оддий оқим ер ишлари, пойдеворларни тиклаш, ғишт деворларни кўтариш, конструкцияларни йиғиш, сувоқ қилиш каби алоҳида олинган бир турдаги қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан шуғулланади.

Махсуслашган оқим эса бир неча оддий оқимлардан ташкил топган бўлади ва бинонинг алоҳида бир қисмини ёки конструкциясини барпо қилиш билан банд бўлади. Масалан, бинонинг ер ости қисми, том ишлари, пардозлаш ишлари каби бир туркум ишлар махсуслашган оқим томонидан бажарилади. Янада тушунарлироқ бўлиши учун бинонинг текис томини барпо қилувчи қурилиш оқимига назар ташлайлик. Томнинг юк кўтарувчи

тузилмаси, яъни том ёпма плитаси ўрнатилиб маҳкамлангач унинг устидан буғ ўтказмайдиган қатлам, иссиқлик сақловчи қатлам, текисловчи қатлам (стяжка), бир неча қават ўрама материалдан иборат сув ўтказмайдиган қатлам (томқоплама), томқопламанинг ҳимоя қобиғини барпо қилиш каби ишлар «ҳимояловчи», «том ёпувчи», «бетончи» деб номланадиган оддий оқимлар томонидан амалга оширилади. Бу оқимларнинг ҳаммаси биргаликда бинонинг томини барпо қиладилар. Шунинг учун уларни биргаликда махсуслашган том ёпувчи оқим деб аташ ҳам мумкин бўлади.

Объект оқими бир неча махсуслашган оқимдан иборат бўлиб, у яратган маҳсулот куриб битказилган бино ёки иншоот ҳисобланади.

Мажмуали узлуксиз оқим бино ва саноат иншоотлари мажмуасига кирувчи алоҳида олинган бино ва иншоотлар қурилиши билан банд бўлган икки ва ундан ортиқ объект оқимларидан ташкил топади. Ўзи учун ажратилган иш жойларида (қамровлар, яруслар, участкалар, объектларда) қанча вақт фаолият кўрсатишига қараб қурилиш оқимлари қуйидаги турларга бўлинади:

1. Бир хил ритмли оқимлар;
2. Каррали ритмли оқимлар;
3. Ҳар хил ритмли оқимлар.

Агарда қурилиш оқимлари барча қамровларда вақт бўйича бир хил фаолият кўрсатса, бундай оқимлар бир хил ритмли оқимлар дейилади.

Барча қамровлардаги фаолияти вақт бўйича бир хил бўлмасада, лекин каррали бўлса бундай оқимлар ритмли оқимлар деб номланади.

Барча қамровларда вақт бўйича бир хил фаолият кўрсатмайдиган, яъни доимий ритмга эга бўлмаган қурилиш оқимлари ҳар хил ритмли оқимлар дейилади.

Қурилиш ишлаб чиқаришида фаолият кўрсатиш даврига кўра оқимлар қисқа муддатга мўлжалланган, узоқ муддатга мўлжалланган ва доимий

(узлуксиз) бўлиши мумкин. Қисқа муддатга мўлжалланган оқимлар алоҳида бир ишни бажариш, бир ёки бир нечта объектни қуриб битказиш учун ташкил қилинади ва шундан сўнг ўз фаолиятини тўхтатади.

Доимий оқимлар қурилиш ташкилотининг бир хил маҳсулотини узлуксиз яратиш борасидаги фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бундай оқимлар кўпроқ уйсозлик корхоналарида ҳамда доимо бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи қурилиш ташкилотларида ташкил этилади.

Қурилиш оқимларини тўғри лойиҳалаш қурилишни ўз вақтида қуриб битказишда ва фойдаланишга топширишда, ҳамда қурилиш маҳсулотининг сифатини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Оқимни лойиҳалашдан асосий мақсад, унинг кўрсаткичларини шундай танлаш керак, бунда қурилишнинг узлуксизлиги таъминланиб умумий қурилиш давомийлиги амалда меъёрий кўрсаткичдан ортиб кетмаслиги лозим, иш сифати ва пировардида қурилиш маҳсулоти сифати мавжуд талаб ва қоидаларга тўлалигича жавоб бериши зарур. Бундан ташқари қурилиш оқимини лойиҳалашда қурилиш давомийлигини имконият даражасида қисқартириш ва бу билан қурилишга сарфланадиган капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга ҳаракат қилиш керак. Бу мақсадга барча ҳисобларни қурилиш ташкилотининг моддий-техник таъминоти бўйича мавжуд имкониятларини тўғри эътиборга олган ҳолда бажариш билангина эришиш мумкин. Чунки фақат шу тарзда лойиҳаланган қурилиш оқимигина узлуксиз фаолият кўрсатиши ва юқори даражада меҳнат унумдорлигига эришиши мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Қурилишни ташкил қилиш ва тайёрлаш бўйича асосий қоидаларни биласизми?
2. Кетма-кет оқим усули деганда нимани тушунасиш?
3. Параллел оқим усули деганда нимани тушунасиш?
4. Узлуксиз оқим усули деганда нимани тушунасиш?

5. Қурилишнинг оқимли усули нимадан иборат?
6. Қурилиш оқимининг қандай асосий қонунлари мавжуд?

#### **IV Боб. ҚУРИЛИШДА КАЛЕНДАР РЕЖАЛАР.**

##### **§4.1. Тақвимий режалаштиришнинг умумий қоидалари**

Тақвимий режалашнинг мақсади: алоҳида бино ва иншоотлар қурилишининг оптимал давомийлигини, тайёрлов ишлари ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажми, таркиби, кетма-кетлиги ва муддатларини, асосий асбоб-ускуналар таъминоти муддатларини аниқлаш ва капитал қўйилмалар объектларини тақсимлаш ҳисобланади.

Тақвимий режалар қурилишни ташкил қилиш лойиҳасининг (ҚТЭЛнинг) таркибий қисми бўлиб, у ўзида мажмуа қурилишидаги асосий ва ёрдамчи биноларнинг қурилиш навбатлари ва муддатларини, капитал маблағлар ва бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмлари тақсимотини тўла акс эттиради. Алоҳида олинган объект учун эса ер текислашдан тортиб то бинони қуриб топширгунча бажарилиши лозим бўлган барча турдаги ишларни уларнинг технологик ва ташкилий кетма-кетлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни кўзда тутаяди. Унинг ёрдамида қайси куни қандай ишни бажариш лозим, бунинг учун ишчиларга бўлган талабни, моддий-техник ресурсларга бўлган эҳтиёжни бевосита аниқлаб олиш мумкин.

Тақвимий режалар 3 хил турда бўлади:

1. Чизиқли тақвимий режалар;
2. Тўрсимон тақвимий режалар;
3. Циклограммалар.

Тақвимий режаларни тузиш учун асосан ишчи лойиҳасининг қурилиш-меъморчилик қисми ва смета ҳужжатлари, тақвимий режа тузгунга қадар ишлаб чиқилган ҚТЭЛнинг алоҳида қисмлари, қурилиш-монтаж ишлари

ҳажмлари қайдномаси, зарурий моддий-техник ресурслар ҳисоби, қурилишнинг ташкилий-технологик схемалари ва алоҳида олинган қурилиш-монтаж ишларини бажариш усуллари тарҳи, бинолар мажмуаси қурилишининг меъёрий ва режавий давомийлиги каби бошланғич маълумот ва ҳужжатлар зарур бўлади. Пудратчи ташкилотнинг моддий-техник базаси ва имконияти (қуввати) тўғрисидаги маълумотлар ҳам тақвимий режаларни тузишда муҳим аҳамият касб этади.

Объект қурилишида ишларни бажаришнинг тақвимий режаси икки қисмдан иборат бўлади: чапда - ҳисоблаш қисми ва ўнгда-график қисми. Шунинг учун бундай режалар графиклар деб аталади. График қисми юқорида кўрсатиб ўтилгандек 3 хил кўринишда бўлиши мумкин: чизиқли, тўрсимон график ёки циклограмма кўринишда.

Объект қурилишида ишларни бажаришнинг тақвимий режаси

4.1- жадвал

Ишларнинг номи	Ишлар ҳажми		Меҳнат сарфи, киши-кун	Керакли машиналар		Ишнинг давомийлиги, кун	Сменалар сони	Сменадаги ишчилар сони	Бригада таркиби	Ишлар графиги
	ўлчов бирлиги	миқдори		номи	маш-смена сони					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Масъул ижрочи

(имзо)

Алоҳида олинган объект қурилиши учун тақвимий режалар тузиш аввало қурилиш-монтаж ишларининг кетма-кетлигини аниқлаб (тузиб) чиқишдан бошланади. Бунда ишларнинг технологик ва ташкилий кетма-кетлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ, акс ҳолда тақвимий режани тушуниш ва ундан фойдаланиш бирмунча қийинлашади (6.1 - жадвал).

Бажариладиган ишларнинг рўйхатини тузишда бир хил касбдаги ишчилар бажарадиган ишларни гуруҳларга бирлаштириб ёзиш тузиладиган календар режани соддалаштиради ва уни ўқишни осонлаштиради. Масалан, «Устунларни ўрнатиш», «Стропила тўсинларини ўрнатиш», «Том ёпма плиталарини ётқизиш», «Девор панелларини ўрнатиш» каби ишларнинг ҳаммаси ҳам монтажчилар бригадаси томонидан бажарилишини ҳисобга олган ҳолда, уларни «Конструкцияларни монтаж қилиш» деб гуруҳлаштириш зарур.

Бажариладиган ишларнинг ҳажми бино ёки иншоотнинг лойиҳасидаги ишчи чизмаларга мувофиқ аниқланади. Бунда ҳар бир ишнинг турига ва характерига кўра унинг миқдори (ҳажми) мавжуд меъёрий ҳужжатлардаги (ҚМҚ, ЯМваНлардаги) ўлчов бирликларига мувофиқ аниқланиши шарт. Масалан, ғиштни деворни тиклаш  $m^3$  да, пардадеворларни ғишtdан териш  $m^2$  ларда, механизация ёрдамида ер ишларини бажариш  $100 m^2$  ёки  $100 m^3$  ларда, йиғма конструкцияларни ўрнатиш доналарда ва х.к.

Ҳар бир иш учун меҳнат сарфи алоҳида ҳисоблаб топилади. Меҳнат сарфи «киши-кун» (маш.-смена) ўлчов бирликларида ўлчанади. Алоҳида қурилиш-монтаж иши учун меҳнат сарфи қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топилади:

$$Q = \frac{v \cdot B_M}{T_{cm}}$$

бу ерда:  $V$  – бажариладиган иш ҳажми, натурал кўрсаткичларда;

$B_M$  - бирлик ишни бажариш учун вақт меъёри (ЕНиРдан олинади);

$T_{cm}$  – иш сменасининг давомийлиги, соат ( $T_{cm} = 8,2$  соат).

Ишчиларга ва моддий-техник ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва уларни календар режаларда тўғри акс эттириш муҳим аҳамиятга эга. Бу кўрсаткичлар аксарият ҳолларда календар режаларнинг тушунтириш хатларида жадвал ёки график кўринишида берилади. Ишчиларга бўлган эҳтиёж эса тақвимий режа чизмасининг остки қисмига «Ишчиларнинг ҳаракатланиш графиги» тарзида ҳам акс эттирилади.

Материаллар сарфи мавжуд меъёрларни (ҚМҚ IV-қисмдан олинади) бажариладиган иш ҳажмига кўпайтириш орқали ҳисоблаб топилади ва тушунтириш хатида алоҳида жадвал кўринишида акс эттирилади.

Тақвимий режаларнинг қай даражада тўғри тузилганлиги, уларнинг самарадорлиги ва умуман олганда уларнинг сифат кўрсаткичи қуйидаги техник-иқтисодий кўрсаткичларга қараб баҳоланади:

1. Бино ва иншоотнинг ёки бинолар мажмуасининг тақвимий режа бўйича қурилиши давомийлиги. Бу кўрсаткични ҚМҚдан олинган меъёрий давомийлик билан солиштирилади.

2. Бино ва иншоот қурилиши учун умумий ва нисбий меҳнат сарфлари миқдори. Бунда нисбий меҳнат сарфи умумий меҳнат сарфининг бино ҳажмига (фойдали ёки ишчи майдонига) тақсимлаш орқали аниқланади.

3. Ишларни бажаришда меҳнат унумдорлигини (натурал кўрсаткичларда). Бу кўрсаткич бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмини ( $m^3$ , м, тн ёки сўмда ифодаланган) умумий меҳнат сарфига (киши-кун) бўлиш орқали аниқланади.

4. Ишчилар сонининг муқимлик (ёки нотекис ўзгариши) коэффиценти. Бу кўрсаткич сменадаги максимал ишчилар сонини ( $R_{max}$ ) ўртача ишчилар сонига ( $R_{\text{ўр}}$ ) нисбати каби аниқланади:

$$k = \frac{R_{\text{вфн}}}{R_{\text{вп}}}$$

Ўртача ишчилар сони эса қуйидаги формуладан ҳисоблаб топилади:

$$R_{\text{ўр}} = \frac{Q}{T}$$

бу ерда: Q – умумий меҳнат сарфи, киши /кун

T - қурилишнинг режавий давомийлиги, кун

Ишчилар сонининг муқимлик коэффиценти 1,0-1,5 оралиғида бўлса, тақвимий режа мақсадга мувофиқ тузилган деб ҳисобланади, акс ҳолда тақвимий режани қайта кўриб чиқиш керак бўлади.

Тақвимий режанинг шакли қурилувчи объектнинг хусусиятларига мувофиқ келиши ва у ҳақида тўла маълумот бериши лозим.

Тақвимий режалар кўпинча керакли маълумотлари жадвал шаклида келтирилган чизиқли графиклар кўринишида тузилади. Тақвимий режаларни чизиқли график кўринишида ифодалашни Г.Л.Гант таклиф қилган бўлиб, у қурилишининг соддалиги, фойдаланишда қулайлиги ва яққол кўзга ташланиши билан ажралиб туради. Алоҳида ишларни бажаришнинг тақвимий муддатлари қатъий технологик кетма-кетликка риоя қилиш шартидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда навбатдаги ишларни бажариш учун иш фронтини мумкин қадар минимал муддатларда тақдим этиш лозимлиги эътиборга олинади.

Айрим ҳолларда ишларнинг фронтини тақдим этиш муддатлари иккита кетма-кет ишлар ўртасида технологик танаффусларга риоя қилиш зарурияти туфайли ортиб кетади. Масалан, юқорида ётувчи темирбетон конструкцияларнинг монтаж қилиниши, фақат таянч конструкцияларининг яхлит қуйма чоклари зарурий мустаҳкамликка (камида  $R_{28}$  нинг 70% гача) эришганидан сўнг амалга оширилиши мумкин. Зарур ҳолларда технологик танаффусларнинг муддатлари янада жадалроқ усулларни қўллаш йўли билан ҳам қисқартирилиши мумкин. Хусусан, яхлит қуйма чокларни қуришда цементнинг бошқа тури ва синфидан фойдаланиш, электр энергияси ёрдамида қиздириш ёки бетоннинг қотишини тезлаштирувчи бошқа усулларни қўллаш мумкин.

Ишларнинг технологик кетма-кетлиги асосан бино ва иншоотларнинг лойиҳавий ечимига боғлиқ бўлади. Масалан, ички электр тармоқларини ўтказиш совуқчилик, бўёқчилик ва электр-монтаж ишларининг технологик кетма-кетлигини аниқлайди. Яширин электр тармоқларини ўтказиш сувоқчилик ва бўёқчилик ишларидан олдин, очик электр тармоқларини ўтказишда эса сувоқчилик ишлари электр тармоқларни ўтказишдан олдин бажарилади.

Йилнинг фасли ва қурилиш ҳудудининг иқлимий шароитлари ҳам бир қатор ишларни бажариш кетма кетлигига таъсир қилади. Ёзги мавсумда мумкин қадар ер ишларининг, бетон, темирбетон ишларининг асосий ҳажмларини режалаштириш лозим, чунки уларнинг қишки мавсумда бажарилиши меҳнат сарфи ва ишларнинг таннархини сезиларли даражада ошишига олиб келади. Агар пардозлаш ишлари кузги - қишки мавсумга тўғри келса, унда ойна қўйиш ва бинонинг иситиш тармоқлари ва жиҳозларини қуриш ишларининг тугалланиши пардозлаш ишларини ўз вақтида бошланишини таъминлаши лозим. Агар ички ва ташқи сувоқчилик бўйича ишларнинг ҳажми йилнинг илиқ мавсумида бажарилиши мумкин бўлса, у ҳолда одатда биринчи навбатда ички сувоқчилик ишлари бажарилади, чунки бу кейинги ишларни бажариш учун иш фронтини очиб беради. Бироқ, бу давр ичида ташқи ва ички сувоқчилик ишларини тўлиқ бажариш мумкин бўлмаса, у ҳолда совуқ тушмаслигидан олдин ташқи сувоқчилик ишларини бажаришни тезлаштириш лозим. Ишларни бундай ташкил қилганда ташқи сувоқчилик ишлари тўлиқ тугаши билан бир вақтнинг ўзида кузги - қишки мавсумда ички сувоқчилик ишларини бажаришга керакли шароитлар мавжуд бўлади ва сувоқчилар узлуксиз иш фронтига эга бўладилар.

Бироқ чизиқли график кўринишида ифодаланганда қурилиш ишлаб чиқаришининг динамикаси тўлалигича акс эттирилмайди ва ишлар ўртасидаги ўзаро боғланишларнинг кўп хиллиги тўла кўзга ташланмайди.

Тақвимий режаларни циклограммалар кўринишида ишлаб чиқилиши проф. М.С.Будников томонидан таклиф қилинган. Циклограммалар бир хил турдаги объектларни барпо қилишда қулай бўлиб, қурилиш оқимининг вақт ва фазода ривожланишини яққол ифодалаш имкониятини беради. Циклограммаларда ишларнинг технологик ўзаро боғланишни ифодалаш, ишларнинг хусусий фронтларини уларнинг ўзлаштириш тартибида кўрсатиш мумкинлиги, уларни чизиқли графикларга нисбатан самаралироқ эканлигидан далолат беради. Бирок, алоҳида объектлари бўйича ишлар ҳажми нотекис тақсимланган объектлар қурилишни ташкил қилганда циклограммаларнинг афзаллиги пасаяди ва улардан фойдаланиш қийинлашади. Бундан ташқари циклограммада ишларнинг тавсифлари келтирилмайди.

Тақвимий режани тўрсимон график (модель) кўринишида ифодалашни Д.Е.Келли ва М.Р.Уолкер таклиф қилганлар.

Тўрсимон графикда мураккаб объектни барпо қилиш тартибини яққол кўринишда ифодалаш мумкин. Бундан ташқари ишлар кўрсаткичларининг ҳар қандай четланишлари осонликча кўзга ташланади, ихтиёрий вақтда қурилишнинг аҳволи ҳақида маълумот олишга қулай.

Тўрсимон графикларнинг камчилиги, уларда ишларнинг технологик кетма-кетлигининг турли вариантларини моделлаштириш имкониятлари йўқ. Бундан ташқари уларда ишларнинг тавсифлари келтирилмайди. Масштабсиз кўринишида қурилганда график усулда меҳнат ва моддий ресурсларга бўлган талабни кўрсатиш мумкин эмас.

#### **§4.2. Турар жой бинолари қурилишини ташкил этиш ва тақвимий режалаштириш**

Турар жой биноларини қуриш бошқа фуқаро ёки саноат объектларини қуришдан ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради. Уларни эътиборга олиш қурилишни режалаштириш ва бошқаришнинг умумий схемасини тўғри аниқлаш имкониятини беради. Ҳар бир объект қурилишни лойиҳалашда қўшимча равишда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:

юк кўтарувчи конструкцияларнинг схемасини (юк кўтарувчи кундалак пардаворли каркасли-панелли ва ҳоналар); бино конструкцияларининг материал (ғиштли, йиғма ёки яхлит қўйма бетонли); қаватларнинг сони; бинонинг пландаги узунлиги ва шакли; қурилишнинг белгиланган муддати; табиий-иқлимий шароитлар; ишларни бажаришнинг мавсусий шароитлари; ишларни техникавий ва ташкил қилишнинг эришилган даражаси; ихтисослашганлик даражаси.

Уй-жой биносининг қурилиши одатда 3 та циклга ажратишиб режалаштирилади.

Биринчи цикл - бино ер ости қисмининг қурилиши.

Бу циклда етакчи жараёни ертўла қавати конструкцияларининг монтажи ҳисобланади. Мураккаб геологик ва гидрогеологик шароитларда етакчи жараён бўлиб сунъий асосининг (заминнинг) қурилиш ишлари ҳам бўлиши мумкин.

Конструкцияларнинг турлар ва ишларнинг хусусиятига кўра бинони захваткаларга (қатровларга) ажратиш амалга оширилади. Ишларни қилиш учун бинони камида 2 та захваткага ажратиш лозимдир.

Монтаж қилиш механизмини танланганда бинонинг «ноль цикли» учун рельсли йўлларда ҳаракатлануви кранларга (МСТК-90, БК-404 ва бошқа) ёки занжирли кранларга афзалликни бериш мақсадга мувофиқдир. Биноларнинг бу цикли учун пневмоғилдиракли кранлардан фойдаланиш сув ўтказмайдиган грунтларда қўшимча равишда вақтинчалик йўлларни қуришни тақазо этади. «Нол даври» ишларида автокранлардан фойдаланиш уларнинг юк кўтариш қобилияти нисбатан кичик эканлиги учун тавсия этилмайди. Маълум шароитларда бинонинг ер ости қисмини монтаж қилиш учун унинг ер усти қисмини монтаж қилиш учун мўлжалланган крандан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай шароитлар қаторига қуйидагилар киради: иккала цикл ўртасидаги вақт бўйича узилиш унча катта бўлмаганда; котлован тубининг чуқурлиги жуда ҳам кичик бўлганда (кранни ўпирилиш призмаси чегарасидан узоқроққа ўрнатиш имконияти мавжуд

бўлган тақдирда). Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам краннинг танланиши иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши лозим.

Энли ҳандақнинг қазилиши, оддатда, чўмичининг ҳажми  $0,33...0,65 \text{ м}^3$  бўлган экскаватор билан бажарилади. Экскаватор ўзгарувчан ускунасининг тури ҳандақнинг ўлчамларига, грунтнинг тури ва гидрогеологик шароитларга боғлиқ бўлади. Механизациялашган қазилардан сўнг 10 см дан қалин бўлмаган грунтнинг олинмаган қатлами қолдирилади. Тўртта секциядан иборат бўлган биноларда грунтни бир қамровда, ундан узунроқ биноларда эса – икки ёки уч қамровда қазилар режалаштирилади. Бино икки ёки ундан ортиқ қамровга ажратилганда, пойдеворларни монтаж қилиш грунтни механизациялашган қазилар 1 – қамровда тугаллангандан сўнг бошланади.

Йиғма пойдеворларни монтаж қилиш грунтни қўлда (дастаки) охиригача қазилар ва кумли тўшамани тайёрлаш билан бир вақтда олиб борилади.

Ертўла қаватининг деворлари ва пардеворларини монтаж қилиш (ёки ғиштдан териш) навбатдаги жараён ҳисобланади. Бу жараёнга асосий ишлардан ташқари кўйидаги ишлар ҳам киради: горизонтал ҳимоялашни (изоляциялашни) бажариш, арматурали белбоғларни, даҳлизларни қуриш, коммуникациялар учун чуқурликларни тайёрлаш.

Ҳандақни ичкари томонидан қайта кўмиш ва пол остига тўшама тўшаш девор блокларининг биринчи қаторини монтаж қилгандан сўнг бажарилади ва графикда деворнинг монтаж қилиниши билан параллел равишда режалаштирилади. Қайта кўмиш қўлда ёки енгил бульдозер ёрдамида ( агар уни ҳандақга ҳаракатланиб тушиши ёки монтаж крани билан кўтариб туширилишининг имконияти бўлса) бажарилади. Ертўла қаватининг ичкарасига грунт механизациялашган усулда (экскаваторда, транспортёрда, грейфер ўрнатилган монтаж крани ёрдамида) узатилади.

Коммуникацияларнинг (канализация, сув ўтказгич, иссиқлик трассаси, газ қувурлари, электр таъминоти, телефонлаштириш тармоқларининг) бинога киришлари ва чиқишларини ҳандақни ташқаридан қайта кўмишдан

олдин бажарилади. Ер устидан ётқизиладиган ертўла қувур йўлларини бетон полларни қуришдан олдин бажариш лозим.

Деворларни сувдан химоялашни деворларни монтаж қилгандан сўнг, котлованни ташқи томондан қайта кўмишдан олдин бажарилади. Елимланувчи сувдан химоялашни қамровлар бўйича, суртма сувдан химоялашни эса автогудронаторларнинг ишлаш унумдорлиги юқори (100 м<sup>2</sup>/с гача) эканлигини эътиборга олиб графикда оқимдан ташқарида кўрсатиш мумкин.

Ораёпмаларни монтаж қилишни ва пайвандлаш ишларни ертўла қавати полларини бетонлаш яқунлангандан сўнг режалаштирилади. Ораёпма плиталарни монтаж қилишни қамровларга ажратиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу ишлар бўйича машина-соатларнинг сарфи миқдори бўйича пойдеворларни ва девор блоklarини монтаж қилиш ишлари даражасидек катта эмас.

Ҳандақ бўшлиқларини ташқи томондан қайта кўмиш ораёпмаларни монтаж қилиш, пайвандлаш ва вертикал сувдан химоялаш бажарилганидан сўнг амалга оширилади.

Отмосткани қуриш грунтга оид ва мавсумий шароитлар имконият берганда бевосита ҳандақни қайта кўмишдан сўнг ёки аксинча, ҳудудни ободлаштириш ишлари билан бир вақтда бажарилади.

Бинонинг ер ости қисми бўйича ишларнинг давомийлиги қурилишнинг умумий муддатларига сезиларли таъсир кўрсатади. Ушбу ишларнинг индустрлаштирилишига қарамасдан турар-жой бинолари ер ости қисмининг барпо қилинишига унинг ер усти қисмини монтаж қилинишига нисбат кўпроқ вақт сарфланади. Шуниси қизиқарли-ки, бинонинг ер ости қисми бўйича ишларнинг қиймати умумий смета қийматининг 12...15% ни ташкил қилади.

Қуйидаги 2 - расмда 9 қаватли 6 секцияли турар жой биносининг ер ости қисми (биринчи цикл) қурилишининг графиги келтирилган.

Иккинчи цикл - бинонинг ер усти қисмини барпо қилиш цикли бўлиб, у қуйидаги ишларни ўз ичига олади: умумқурилиш ишлари; махсус ишлар (сантехник, электромонтаж ишлари ва бошқалар). Ушбу циклнинг етакчи жараёни бўлиб бинонинг ер усти қисмини (қутичасини) монтаж қилиш (ёки ғиштдан териш) ҳисобланади. Бинонинг конструкциялари ва ҳажмига қараб уни қамровларга ажратилади.

Бир секцияли (минорасимон) бинолар қутичасини монтаж қилганда уни тархда қамровларга ажратилмайди. Иккиламчи ишлар(чокларни пайвандлаш ва яхлитлаш, ғишт термаси чокларига шакл бериш ва бошқалар) монтаж қилиш ишлари билан параллел равишда турли участкаларда бир вақтнинг ўзида бажарилади.

Бино қутичасини вертикал йўналишда бир қаватга тенг ярусларга ажратилади, баландлиги икки қаватга мўлжалланган устунли бинолардан ташқари. Бу ҳолда ярус сифатида қутичанинг икки қавати қабул қилинади.

Тархдаги шакли узунчоқ бинолар қамровларга ажратилади. Уларнинг миқёси минимумдан - қават-секциядан, то максимумгача- бинонинг қаватигача оралиқда қабул қилинади. Одатда, 3 тадан 6 тагача секцияли (100 м гача) биноларда қамров сифатида бино қаватининг ярми қабул қилинади. Бунда бир қамровда бинонинг каркаси ва тўсувчи конструкциялари монтаж қилинса, иккинчи қамровда умумқурилиш, сантехник ва электромонтаж ишлари бажарилади. Бундай ҳолда учинчи қават конструкцияларини монтаж қилиш якунлангунча биринчи қаватда пардозлаш ишларини бажаришдан олдинги тайёрлов ишларини бошлаш учун керакли бўлган барча ишлар (тешикларни тўлдириб текислаш, изоляциялаш, стяжка қилиш ва бошқалар) якунланиши мумкин.

Кўп секцияли бинолар қурилишини ташкил қилиш асосига уларнинг конструктив ечимидан қатъий назар қуйидаги технологик омиллар қўйилган бўлади: конструкцияларни икки (ёки ундан ортиқ) параллел оқим бўйича (ҳар бирида 3, 4 ва 5 секцияли бўлган) минорали кранларнинг тегишлича сони билан монтаж қилиш; монтаж ишлари билан улардан кейинроқ

бажарилиши лозим бўлган умумқурилиш ва махсус ишларни максимал бирлаштириш.

Бундай ҳолда бино икки участкага, ҳар бир участка эса ўз навбатида камровларга ажратилади. Конструкцияларни монтаж қилиш ишлари ва улар билан бирлаштирилувчи қурилиш ишлари бир вақтнинг ўзида 2 участкада, лекин ҳар хил қаватлар ва камровларда бажарилади. Битта вертикал йўналишда қурилиш ёки махсус ишларни монтаж қилиш ишлари билан бирлаштирилиши (ўрнатилган ораёпмаларнинг сонидан қатъий назар) истисно тариқасида махсус тадбирларни амалга оширгандан сўнг рухсат этилади.

Бинонинг ер усти қисмини монтаж қилиш унинг тарҳдаги баландлиги ва конфигурациясига боғлиқ равишда рельсли йўлда ҳаракатлануви минорали кранлар, тиркама ёки ўзи юрар кранлар билан амалга оширилади. Бинони монтаж қилиш суръати ва бундан келиб чиқиб қурилишнинг давомийлиги қабул қилинган монтаж механизмнинг ишлаш унумдорлиги билан аниқланади.

Графикни тузишда соф монтаж ишларидан ташқари материал ва деталларни - шамоллатиш қутилари ва ахлат қувур йўллари йиғма элементларини, пол остига тўшама тайёрлаш учун зарур бўлган қумни, электр шчитлар, иситиш ускуналари ва бошқа материаллар ва деталларни бинонинг тегишли қаватларига узатишни кўзда тутиши лозим. Қурилиш конструкцияларини монтаж қилишга параллел равишда зина ва балконлар тўсиқларини қуриш бўйича ишларни бажариш тавсия этилади. Графикда бир ёки икки қават орқада қолиб бажарилувчи умумқурилиш ишларини режалаштириш лозим. Бундай ишлар таркиби йирик панелли уй-жой биносининг қурилиш графиги мисолида келтирилган. Махсус ишлар – сантехника ва электромонтаж ишларини бажаришни ташкил қилиш уй-жой биносида умумқурилиш ва пардозлаш ишларини бажариш билан ўзаро боғлиқ равишда амалга оширилади. Ушбу махсус ишларни бошлашдан олдин

бинонинг корпусида қуйидаги ишлар бажарилган бўлиши лозим: бино корпусининг камида икки қавати монтаж қилинган; деразаларга ойна қўйилган ва хонадонлардаги ҳавонинг ҳарорати  $+5^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаслиги (электромонтаж ишлари учун) таъминланган; деворларда ариқчалар ва тешикларни ўйиб очиш бўйича ишлар бажарилган; иситиш ускуналари ва электрошкафларга мўлжалланган девор ичкарасига кириб турувчи жойлар сувоқдан чиқарилган; ишчилар учун маиший хонадонлар, прорабнинг хонаси ва омборхоналар жиҳозланган; вақтинчалик электр таъминоти таъминланган.

Бино корпусининг монтаж ишларини бажаришга тайёрлиги бош пудратчи ва махсус ишларни бажарувчи ташкилот - ёрдамчи пудратчи ўртасида тузадиган икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

Махсус ишлар ўзаро параллел равишда 2 босқичда амалга оширилади: I – босқичда - ишлар сувоқчилик ишларидан олдин, монтаж ишларидан 1...2 қават орқада қолган ҳолда бажарилади. Ушбу босқич ишлари қамровлар бўйича корпуснинг 1 қаватини монтаж қилиш ритмига тенг қадам билан режалаштирилади. II-босқич – ушбу босқичда махсус ишларнинг бошланиши сантехника ва электромонтаж ишлари учун мос тушмайди, чунки ушбу ишлар бўёқчилик ишларининг турли даражадаги тайёрлиги билан боғлиқ бўлади.

Сантехника ишларининг I-босқичи совуқ ва иссиқ сув таъминоти, иситиш тармоқлари, газ таъминотининг ички тизимини монтаж қилишни ўз ичига олади. Далолатнома билан расмийлаштирилувчи иситиш ва сув таъминоти тизими босим остида дастлабки синовдан ўтказилгандан сўнг курувчилар деворлардаги ва ораёпмалардаги тешикларни тўлдириб яхлитлайдилар, коммуникацияга оид каналлардаги диафрагмаларни бетонлайдилар.

Сантехника ишларининг II - босқичи бўёқчилик ишларининг биринчи циклидан сўнг бошланади. Бунда санузел ва кухнялар сўнгги бўйаш учун

тайёрланган бўлади, яъни ювениш раконовиналари, унитазлар ва газ плиталарини ўрнатиш учун иш fronti очилган бўлади. Бинонинг конструкциясида сантехкабиналар кўзда тутилмаган бўлса, одатда, ванналар ишларнинг I - босқичида, плиткали поллар қурилганидан сўнг ва ваннахонанинг деворлари пардозланишидан олдин ўрнатилади ва тармоқларга уланади. II - босқичнинг ниҳоясида сантехника жиҳозлари очиш - ёпиш арматуралари билан жамланади ва уларнинг тайёрлиги тегишли далолатнома тузиш билан тасдиқланади. Барча сантехника ишларини битта бригада бажаради.

Электромонтаж ишларининг I - босқичи трассани белгилаб чиқишни, деворларда тешиклар тешиш ва ариқчаларни ўйиб очиш, яширин симли тармоқлар учун стоякларни, қувур йўллар ва енгларни (рукавларни) ўтказиш, симларни қисман қотириб жойлаштириб чиқишни, розетка ва улагичлар учун қутичалар ва бошқа қолдирма деталларни ўрнатишни, қаватлараро, хонадонлараро ва бошқа турдаги электр симларни ўрнатишни ўз ичига олади.

Ўрнатилган қувурлар ва эгилувчан рукавларда симнинг “ўрам”лари қолдирилади. Улар кейинчалик симларни таранглаб тортишда ишлатилади. Ишларнинг комплекси симларни тортиш, ертўла қаватида кабелларни ўтказиш ва йиғилган схемани текшириш билан якунланади. Ушбу босқичда шунингдек электр шчитли хонадонда монтаж ишлари бажарилади. Қишқи-кузги мавсумда сувоқчилик-пардозлаш ишлари бошланишидан олдин вақтинчалик манбадан доимий схема бўйича пардозланувчи хонадонларнинг ёритилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Монтаж ишларининг тайёрлиги тегишли далолатномада қайд қилинади.

Электромонтаж ишларининг II - босқичи хонадонлар шифтлари бўялганидан сўнг бошланади ва деворларга гулқоғоз ёпиштирилгандан (ёки бўялгандан) сўнг тугалланади. Ушбу босқичда ишлар оқимдан ташқари, камровларга тақсимланмасдан бажарилади. Бўёқчилик ишлари

базарилганидан сўнг хонадонларда патронлар ўрнатилади ва ёритгичлар осилади. Деворлар бўялганидан ёки пардозланганидан сўнг улагичлар, розеткалар, кўнғироқлар, плафонлар ўрнатилади. Пардозлаш ишлари якунланганидан сўнг бинода кучсиз токли тармоқлар: радиотрансляция, диспетчерлик, ёнғинга қарши сигнализация тармоқлари базарилади. Одатда, кучли ва кучсиз токли ишларни битта звенонинг ўзи базаради. Айрим ҳолларда, қурилишнинг концентрацияси юқори бўлганда кучсиз токли қурилмаларни ихтисослашган ташкилотлар монтаж қиладилар.

Лифтларни монтаж қилиш ишларини ташкил этиш. Лифтларни чегариланган иш фронтида, қурилиш, пардозлаш ва электромонтаж ишлари билан боғлиқ ҳолда монтаж қилиш ташкилий томондан маълум қийинчиликлар туғдиради. Бироқ, лифтларни монтаж қилиш ишларини индустрлаштириш ушбу қийинчиликларни енгиш имкониятини бермоқда. Лифтларни монтаж қилишни индустрлаштириш қуйидаги 2 йўналишда амалга оширилмоқда: лифтнинг таркибий қисмларини йириклаштириш ва тубингларни қўллаш.

Тубингларни қўллаб монтаж қилиш усули 2 босқичда базарилади:

I – босқичда - корхона шароитларида алоҳида панеллардан ҳажмий блок-тубинг йиғилади. Қурилиш объектига жўнатишдан олдин унга қулфли эшик, кронштейнлар, тўсувчи симтўрлар, металл қутилар, клеммали қутичалар ва бошқа элементлар ўрнатилади.

II – босқичда - тубингларни монтаж қилиш ва лифтни фойдаланишга топшириш ишлари базарилади.

Лифтларни олдиндан жиҳозланган тубинглардан монтаж қилиш катта афзалликларга эга: монтаж қилиш муддатлари қисқаради, ишларнинг сифати яхшиланади, меҳнатнинг хавфсизлиги ортади, лифтларни қуришнинг таннархи пасаяди.

Лифтларни, одатда, махсус ёрдами пудратчи ташкилотлар монтаж қиладилар. Тубингларни ўрнатишни бинони монтаж қилувчи мажмуали

бригада бажаради. Лифтларни монтаж қилувчи слесарлар бинонинг фақат юқори қаватини монтаж қилиш даврда ишга тушадилар. Лифтлар элементларини тўғрилиш, таркибий қисмларини монтаж қилиш бино конструкциялари монтаж қилинаётган қамровларда амалга оширилади. Лифтларни ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш мақсадида металл конструкцияларни бўяшни лифтни монтаж қилувчи ташкилот бажаради.

Учинчи цикл - уй-жой биносида пардозлаш ишларини ташкил қилишдан иборат. Пардозлаш ишларини бошлашдан олдин бино корпусида (секциясида) қурилиш ишлари, санитехника ва электромонтаж ишлари (I - босқичлари) бажарилган бўлиши лозим; пардозлаш материалларини қаватларга узатиш учун юк кўтаргичлар монтаж қилинган ва фойдаланишга топширилган, автотранспорт воситалари учун юк кўтаргичларгача етиб бориш йўллари тайёрланган бўлиши лозим; вақтинчалик сув таъминотининг стояклари, электр-кучли ва ёритиш тармоқлари монтаж қилган ва ишга туширилган бўлиши лозим; деразаларнинг ойналари ўрнатилган, ишчилар учун маиший хонадонлар, иш бошқарувчисининг хонаси ва омборхоналар тайёрланган бўлиши лозим.

Бинони ёки унинг бир қисмини пардозлаш учун топшириш махсус далолатнома тузиш орқали расмийлаштирилади.

Сувоқчилик ишларини ғиштли биноларда ихтисослашган бригадалар (звенолар) бажарадилар. Йиғма биноларда эса сувоқчилик ишларининг ҳажми унчалик катта бўлмайди, шунинг учун улар кўпинча мажмуали бригадалар томонидан бажарилади.

Белгиланган муддатлар ва ишчи кучининг мавжудлигига боғлиқ равишда сувоқчилар бутун иш фронтини тўла эгаллаб олишади ёки ишларни оқим усулда бажарилади. Оқим усулида бажарилганда қамров сифатида бинонинг бир қавати қабул қилинади ва оқим бир қаватнинг монтаж қилинишига тенг қадам билан ҳаракатланади. Сувоқчилик ишлари қуйидаги

тартибда бажарилади: дастлаб санузел ва ошхоналарда, кейинчалик айрим хоналарда, хонадонинг бошқа ёрдамчи хоналарида ва ниҳоят зина қафасида. Бундай тартиб қисқа муддатларда тор иш фронтига эга участкаларни (санузел ва ошхоналарни) бошқа ихтисослашган бригадаларга (звеноларга) бўшатиб бериш имкониятини яратади.

Плитка териш ишлари сувоқчилик ишлари билан бир циклда бажарилади. Сувоқчилик ишлари тугалланиши ва пол ости тўшамаси тайёрланиши билан санузелларда деворлар йилтироқ плиткалар (деворбоп кафель) билан қопланади, полларга эса сопол плиткалар (полбоп кафель) тўшалади. Ошхонада деворлар плиткалар билан қопланганидан сўнг кошинчилар зина майдончасининг полларига сопол кошинлар тўшашга ўтадилар. Сувоқчилик - кошинчилик ишлари тугаллангандан сўнг ички эшиклар ва фрамугаларга ойна қўйилади, бир қават ойна қўйилган деразаларга эса иккинчи қават ойнаси ўрнатилади.

Поллар остига цементли - қумли тўшама (стяжка) сувоқчилик ишлари тугалланганидан сўнг, ушбу бригадаларнинг ишчилари кучи билан қурилади.

Бўёқчилик ишлари бино корпусининг барча қаватларида бир вақтда ва 2 босқичда олиб борилади.

Бўёқчилик ишларининг I - босқичида шифтларни шпаклёвка қилиш ва бўяш, айвонларнинг ва деразаларнинг ташқи ён қирраларини бўяшга тайёрлаш, деворларни гулқоғоз билан қоплашга ва бўяшга тайёрлаш, ёғоч-тахта буюмларни бўяшга тайёрлаш ишлари бажарилади.

Девор ва шифтларни бўяшга тайёрлаш қуйидаги операцияларни ўз ичига олади: бутун баландлиги бўйича бўяладиган девор ва шифтлар сиртларини шпаклёвкалаш ва сайқаллаш, ҳамда гулқоғоз ёпиштирилувчи хоналарда девор ва пардеворларнинг юқори қисмини шпаклёвкалаш ва сайқаллаш. Шифтларни елимли бўёқлар билан бўяш ишларининг тугалланиши кейинги ишларни бажариш учун иш фронтини очиб беради. Деворларга гулқоғоз ёпиштириш учун деворлар тайёрланади, уларнинг

сиртига махсус таркиблар суртилади ва сўнгра сайқал берилади. Бир вақтнинг ўзида санузеллар ва ошхоналарда деворлар мойли бўёқлар билан бўяшга тайёрланади ва ёғоч-тахта буюмлар “грунтовка” қилинади.

Паркет полларни қуриш ва линолеумни тўшаш плитусларни ўрнатиш билан бирга сўнгги “хўл жараён” - шифтларни бўяшдан сўнг бошланади. Бу ишлар бўёқчилик ишлари каби оқимдан ташқарида бажарилади. Ушбу ишлар тугалланиши билан бўёқчилик ишларининг II - босқичини бошлаш учун иш фронти очилади.

Бўёқчилик ишларининг II-босқичида деворларга гулқоғоз ёпиштирилади, деворлар ва ёғоч-тахта буюмлар сўнгги бор бўялади. Зина қафасларида бўёқчилик ишлари хоналардаги ишлар тўла якунланганидан сўнг бажарилади.

Сувоқчилик ва плиткачилик, бўёқчилик ва паркетли пол қуриш, бўёқчилик ва махсус ишларни бажаришни вақт бўйича бирлаштириш секция доирасида ишларнинг фронтини бўлиш орқали эришилади. Масалан, бир хонада деворларга гулқоғоз ёпиштирилса, бошқасида паркетли полни қуриш бўйича ишларни олиб бориш мумкин.

Бўёқчилик ишларини, айниқса, II босқичга тааллуқли ишларни қават-секциялар бўйича қамровларга ажратиш мақсадга мувофиқ эмас. Бўёқчилик ишларининг II-босқичи бутун бино миқёсида, қисқа муддатларда бинони фойдаланишга топшириш олдидан бажарилиши лозим. Бўёқчилик ишларини бинони захваткаларга ажратиб бажарганда нисбатан узоқ вақт талаб қилинади. Узоқ вақт давомида хоналарда керакли ҳарорат-намлик режимини сақлаб туриш эса жуда қийин. Керакли ҳарорат-намлик режими таъминланмаган тақдирда бўёқчилик ишларининг сифати сезиларли даражада пасайиши мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Тақвимий режалашнинг мақсади нимадан иборат?
2. Тақвимий режалар неча хил турда бўлади?
3. Циклограммалар деганда нимани тушунасиш?

4. Уй-жой биносининг қурилиши одатда нечта циклга ажратилиб режалаштирилади?
5. Тақвимий режани тўрсимон график (модель) кўринишида ифодалаш нимаси билан афзал хисобланади?

## **V Боб. ҚУРИЛИШНИНГ ТАРМОҚЛИ ЖАДВАЛЛАРИ.**

### **§5.1. Тўрсимон тақвимий режалар ҳақида умумий тушунчалар**

Қурилишни ташкил қилишда тақвимий режалаштиришнинг аҳамияти жуда катта. Чунки ҳар бир қурилиш-монтаж ишлари олдиндан режалаштирилган ҳажмда ва кунда белгиланган ишчилар томонидан бажарилгандагина бино ва иншоотларни ўз вақтида сифатли қилиб қуриб фойдаланишга топшириш ва маҳсулот таннархини пасайтиришга эришиш мумкин. Акс ҳолда қурилиш жараёнида фавқулодда ташкилий танаффуслар қилишга, кўзда тутилмаган айрим сарф-ҳаражатлар қилишга тўғри келиши мумкин. Бу эса қурилиш муддатини, қурилиш маҳсулоти сифатини ва унинг таннархини назорат қилиш имкониятини бермайди, ҳамда режада кўзда тутилган кўрсаткичларга эришишни хавф остида қолдиради. Қурилишда бундай ҳолнинг юзага келмаслиги учун тақвимий режалар тузилади ва қурилиш ишлаб чиқариши унга мувофиқ олиб борилади.

Тақвимий режалар юқорида айтиб ўтилганидек 3 хил: чизиқли, циклограмма ва тўрсимон графиклар кўринишида бўлади. Тўрсимон тақвимий режа чизиқли тақвимий режадан ўзининг қуйидаги афзалликлари билан ажралиб туради:

- тўрсимон календар режада қурилиш-монтаж ишларининг ташкилий-технологик боғлиқлиги ва кетма-кетлиги яққол кўзга ташланиб туради;
- тўрсимон календар режада қурилиш муддатини белгилаб берувчи асосий ишлар аниқ кўриниб туради;
- тўрсимон календар режага мувофиқ ҳоҳлаган пайтда қурилишнинг неча кунга илгарилаб ёки аксинча ортда қолаётганлигини аниқлаш мумкин;

- тўрсимон календар режада ҳар бир ишнинг вақт захирасини, яъни бу ишни неча кун эрта ёки кеч бошлаб тугатиш мумкинлигин акс эттириш имконияти бор;

- тўрсимон календар режа қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишини режалаштиришда, унинг кўрсаткичларини ҳисоблашда компьютерларни қўллаш имконини беради ва ҳ.к.

Тўрсимон тақвимий режаларнинг аҳамияти тўғрисида сўз юритар эканмиз, унинг илгариги социалистик ишлаб чиқариш даврида ҳам, бугунги кунда ҳам жуда кам қўлланилаётганини эслатиб ўтиш лозим. Собиқ Иттифок даврида режалар фақат сон ортидан қувиб сифатни эсдан чиқариш йўли билан бажарилгани сир эмас. Шунинг учун тўрсимон тақвимий режаларга доимо ўзгартириш киритиш, уни коррективроқ қилиш лозим бўлган. Бу ўз навбатида уни ишлаб чиқариш учун қўллаш имкониятини бирмунча чегаралаб қўйган.

Режалаштиришнинг бу тури дастлаб 1956 йилда АҚШда пайдо бўлди. Бироз кейин, яъни 1958 йилда бу мамлакатнинг ҳарбий қўмондонлигига қарашли махсус лойиҳалаш бошқармасида тўрсимон режа асосида ПЕРТ тизими ишлаб чиқилди. У «Полярис» номли ракета комплекс қурилиши лойиҳасини тузиш ва ташкил қилишда қўлланилди. Бу тўрсимон режа ҳажм жиҳатидан ниҳоятда улкан бўлиб 100 мингта «воқеани» ўз ичига олган эди. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур режалаштириш комплекс қурилишини муддатидан икки йил олдин қуриб битказилишига ва сарфланган капитал сармояларнинг самарадорлигини бирмунча оширилишига имконият яратган.

Шундан сўнг АҚШда ҳам, қатор ривожланган мамлакатлардаги йирик қурилишларда ҳам тўрсимон тақвимий режалар кенг қўлланила бошланди. Бизнинг республикамизда эса улар фақат 70 - йилларнинг ўрталарида ишлаб чиқаришга кириб келди.

## §5.2. Тўрсимон графикларнинг элементлари ва уларни тузиш қоидалари

«Воқеа» - бир ёки бир неча ишнинг содир этилганлигини ва навбатдаги ишларни шу онда бошлаш мумкинлигини кўрсатувчи белги. У тақвимий режада айлана кўринишидаги белги ёрдамида акс эттирилади:




Воқеа вақт ҳам, меҳнат ресурсларини ҳам талаб қилмайди. У тартиб рақами ёрдамида номланади. Тўрсимон тақвимий режада стрелка кирмаган воқеа «бошланғич воқеа», стрелка чиқмагани эса «сўнгги воқеа» дейилади.

«Иш» - ишлаб чиқариш жараёни бўлиб, у вақт ва меҳнат ресурсларини талаб қилади. Иш тўрсимон тақвимий режада стрелкали узлуксиз чизиқ ёрдамида кўрсатилади:



Тўрсимон тақвимий режада ишлар бажарилиши ва кўрилиши тартиби бўйича қуйидагича номланади:




i-j - «кўриляётган иш»;


h-i - «олдинги иш»;

j-k - «кейинги иш».

Ишларнинг номи тўғри чизиқнинг устига, давомийлиги, ишчилар ва сменалар сони чизиқ остига ёзилади.




Ишлар олдинги ва кейинги «воқеа»ларнинг тартиб рақами билан шифрланади. Масалан: «7-8», «10-11» ва ҳ.к.



«Боғлиқлик» (ёки мавҳум иш) – бажариладиган ишларнинг ўзаро ташкилий-технологик боғлиқлигини кўрсатади. У вақт ҳам, меҳнат ресурсларини ҳам талаб қилмайди. Боғлиқлик тўрсимон тақвимий режада узлукли стрелкали чизиқ ёрдамида кўрсатилади.

«Кутиш» - меҳнат ресурсларини талаб қилмайдиган, фақат вақт талаб қиладиган жараён бўлиб, у тўрсимон тақвимий режада «иш» сингари узлуксиз стрелкали чизиқ билан акс эттирилади. «Кутиш» мазмунан кетма-кет бажариладиган ишлар оралиғидаги технологик ёки ташкилий танаффусдан иборат:



«Йўл» - тўрсимон тақвимий режада узлуксиз бажариладиган ишлар кетма-кетлигидан ташкил топади. Унинг узунлиги унга кирувчи ишлар давомийликларининг йиғиндисидан иборат бўлади. Бошланғич воқеадан сўнгги воқеагача бўлган йўл тўла йўл деб аталади. Битта тўрсимон тақвимий


режада тўла йўл бир нечта ҳам бўлиши мумкин. Тўла йўллар орасида энг катта давомийликка эга бўлгани «критик йўл» дейилади. Критик йўлнинг узунлиги қурилишнинг давомийлигини, яъни муддатини кўрсатади.

Тўрсимон тақвимий режани имконият даражасида содда, тушунарли ва аниқ қилиб тузиш керак. Бунинг учун қуйидаги талаб ва қоидаларга риоя қилиш зарур:


- тўрсимон тақвимий режада стрелкалар чапдан-ўнганга йўналган бўлиши керак;

- тўрсимон тақвимий режа шаклан содда, кўпчилик ишлар горизонтал чизиқлар билан кўрсатилиши, бунда иложи борича чизиқлар ўзаро кесишмаслиги керак;

- ҳар хил ишлар бир хил код (шифр)га эга бўлмаслиги зарур, бундай ҳолларга йўл қўймаслик учун параллел бажариладиган ишларни тақвимий режага туширишда қышимча воқеа ва боғлиқликлар киритишга тўғри келади:




а) нотўғри тасвир




б) тўғри тасвир

- агар бирор ишни бошқа иш қисман бажарилгандан сўнг бошлаш зарур бўлса, у ҳолда бу ишни алоҳида мустақил ишларга ажратиш керак:



а) нотўғри тасвир




б) тўғри тасвир

- ишларнинг ўзаро технологик ёки ташкилий боғлиқлигини кўрсатиш учун тўрсимон тақвимий режага албатта «мавҳум иш» (боғлиқлик) киритиш зарур:



а) нотўғри тасвир




б) тўғри тасвир

- тўрсимон тақвимий режани тузишда қурилиш оқимларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, бунинг учун эса иш фронтларини захваткалар, яруслар ва бўлинмаларга бўлиб ишларнинг ўзаро боғлиқлигини ва кетма-кетлигини тўғри аниқлаган ҳолда тўрсимон календар режани тузиш керак:


- тўрсимон тақвимий режада айрим ишларни бириктириш, умумлаштириш зарурияти туғилса қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

а) тўрсимон тақвимий режада фақат битта қурилиш звеноси ёки бригадаси томонидан бажариладиган ишларнигина бириктириш, умумлаштириш мумкин;

б) агар ишлар гуруҳи битта бошланғич ва битта охири воқеликка эга бўлсагина, бундай ишларни умумлаштириб битта иш кўринишида тасвирлаш мумкин:



а) умумлаштиришдан олдинги тасвир




б) умумлаштиришдан кейинги тасвир

в) умумлаштирилган тўрсимон тақвимий режага янгитдан (қўшимча) воқеа киритиш мумкин эмас;


г) воқеаларнинг тартиб рақамини (кодини) умумлаштирмасдан олдин қандай бўлса, шундайлигича қолиши керак;

- тўрсимон режаларда боши берк иш (тупиклар), яъни стрелка чиқмайдиган воқеалар бўлмаслиги керак (тўрсимон календар режадаги сўнгги воқелик бундан мустасно);


- тўрсимон тақвимий режаларда «ортиқ»лар, яъни стрелка кирмайдиган воқеалар бўлмаслиги керак (тўрсимон тақвимий режадаги бошланғич воқелик бундан мустасно):



- тўрсимон тақвимий режаларда стрелкаларнинг орқага қайтишига ёки ёпиқ контур ҳосил бўлишига йўл қўйилмайди:



а) ёпиқ контурли нотўғри тасвир



б) ёпиқ контурли тўғри тасвир

- воқеаларнинг тартиб рақамини қўйиш «чапдан-ўннга» «юқоридан-пастга» тартибда амалга оширилади.

Тўрсимон тақвимий режани тузиш учун аввало қурилиш-монтаж ишларининг номлари ва ҳажми аниқланиб тўрсимон тақвимий режа тузиш жадвали тўлдирилади:

Қурилиш - монтаж ишларига меҳнат сарфини ҳисоблаш ва тўрсимон тақвимий режа тузиш жадвали

5.1-жадвал

№	Ишларнинг номи	Улчов бирлиги	Иш шажми	Иш бирлигига вақт меёри	Умумий мецнат сарфи	Бригада (звено) таркиби	Меъёрномага илова	Сменалар сони	Сменадаги ишчилар сони	Сменадаги машиналар сони	Иш давомийлиги, кун
				Киши соат маш соат	Киши кун маш смена						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Сўнгра бу жадвалга мувофиқ ишларнинг технологик ва ташкилий кетма-кетлигини ҳисобга олган ҳолда қурилишнинг тўрсимон тақвимий режасини тузишга киришилади. Уни вақт масштабида қуриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тўрсимон тақвимий режа остига ишчилар сонининг ўзгариш графигини чизишни ҳам унутмаслик керак. Тўрсимон тақвимий режани тузишда юқоридаги талаб ва қоидаларга амал қилиш керак.

**Назорат саволлари:**

1. Тақвимли режаларнинг таркиби ва вазифаларини биласизми?
2. Тақвимли режаларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари қандай?
3. Иқтисодий самарадорликни ҳажми қайси формула билан ҳисобланади?
4. Тўрсимон графикларнинг элементлари ва уларни тузиш қоидалари қандай бўлади?
5. Тармоқли режалаштиришнинг асосий услубларини айтинг.
6. Тармоқни тузиб беринг.

## **VI Боб. ҚУРИЛИШ БОШ РЕЖАСИ.**

### **§6.1. Қурилишнинг бош тарҳини мақсади, турлари ва таркиби**

Қурилишнинг бош тарҳи (ҚБТ) қурилиш майдончасининг қурилиш давридаги умумий кўриниши бўлиб, унда қурилаётган объектдан ташқари қурилиш учун зарур бўлган асосий юк кўтарувчи ва монтаж механизмларининг, ишлаб чиқариш мосламаларининг вақтинчалик бино ва иншоотларнинг ўзаро жойлашуви ҳамда қурилишнинг омбор хўжалиги акс эттирилади. Бундан ташқари ҚБТда қурилиш майдончасини вақтинчалик йўл ва йўлаклар, сув, электр, канализация ва телефон тармоқлари билан таъминлаш тадбирлари ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим.

ҚБТ «Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси» (ҚТЭЛ) ва «Қурилишда ишларни бажариш лойиҳаси» (ҚИБЛ) таркибига кирувчи асосий техник ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Унинг асосий мақсади бино ва иншоотларни қуриш даврида қурилиш майдончасини хавфсизлик техникаси талаб ва қонунларига мувофиқ тўғри ташкил қилиш, вақтинчалик ёрдамчи қурилиш хўжалигини ташкил қилишда ортиқча чиқимларга йўл қўймасликни режалаштиришдан иборат. Қурилиш бош тарҳлари асосан 2 хил бўлади:

- 1) умуммайдон қурилиш бош тарҳи;
- 2) алоҳида объект қурилишининг бош тарҳи.

Умуммайдон қурилиш бош тарҳи саноат, фуқаро ва қишлоқ хўжалиги бинолари мажмуаси учун ёки режадаги кўриниши мураккаб бўлган алоҳида олган йирик объектлар қурилиши учун тузилади. У график қисмидан ва ҳисоблаш - тушунтириш хатидан ташкил топади.

Умуммайдон қурилиш бош тарҳининг график қисмида қуйидагилар акс эттирилади:

- қурилиш майдонининг барча вақтинчалик бинолари, йўл ва йўлаклар, омбор хўжалиги ва муҳандислик тизимлари акс эттирилган бош режаси;
- доимий ва вақтинчалик бино ва иншоотлар таснифи;
- шартли белгилар;

- техник-иқтисодий кўрсаткичлар.

Ҳисоблаш - тушунтириш хатининг матнида умумий меъёрлар ва кўрсаткичлар асосида вақтинчалик бино ва иншоотлар, омбор хўжалиги, сув, газ, оқава сувлар, электр энергиясига бўлган талаб ва эҳтиёжларнинг ҳисоблари келтирилади. Унда қурилиш бош тарҳини тузиш қоидалари, вақтинчалик бино ва иншоотларни жойлаштириш тартиблари ўз аксини топиши зарур.

Умуммайдон қурилиш бош тарҳи лойиҳалаш институтлари томонидан ишчи лойиҳа босқичида тузилади, уни буюртмачи ва бош пудратчи билан келишиб олади. Буюртмачи ўз навбатида уни туман (шаҳар) меъморий бўлими, санэпидемстанция, ёнғинни назорат қилиш бўлими, сув, электр ва шунга ўхшаш бошқа техник хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан келишиб қўйиши зарур.

Алоҳида объект қурилиши бош режаси умуммайдон қурилиш бош тарҳида акс эттирилган барча объектлар учун алоҳида-алоҳида ҳолда ёки алоҳида олинган объектлар учун тузилади.

Қурилиш бош тарҳининг бу тури ҳам умуммайдон бош тарҳи сингари икки қисмдан (график қисм ва ҳисоблаш - тушунтириш хатидан) ташкил топади. Фақат бу ерда ҳисоблар умумий меъёрлар ва кўрсаткичлар асосида эмас, балки аниқ меъёр ва кўрсаткичлар асосида бажарилади ёки бошқача қилиб айтганда ҳисобларга, қабул қилинган лойиҳавий ечимларга янада аниқликлар киритилади.

## **§6.2. Қурилишнинг бош тарҳини тузиш учун бошланғич маълумотлар**

Умуммайдон қурилиш бош тарҳини тузиш учун қуйидаги бошланғич маълумотлар ва материаллар зарур бўлади:

- қурилишга ажратилган майдоннинг бош тарҳи;
- геологик, гидрогеологик ва муҳандислик - иқтисодий қидирув тадқиқот ишларининг натижалари акс эттирилган ҳисоботлар;
- смета ва умумий тақвимий режа;

- вақтинчалик қурилишлар ҳисоботи ва ҚТЭЛнинг бошқа материаллари.

Алоҳида объект қурилиши бош тарҳини тузиш учун эса умуммайдон қурилиш бош тарҳи, мазкур объект учун тузилган тақвимий режа ва технологик хариталар, бинонинг ишчи чизмалари ҳамда материал-техник ашёларга эҳтиёжни аниқлаш ҳисоблари зарур бўлади.

Қурилиш бош тарҳининг бу тури ҚИБЛ таркибида бош пудратчи ёки унинг буюртмасига мувофиқ лойиҳачи томонидан тузилади. Қурилиш бош тарҳини тузиш қуйидаги тартибда бажарилади:

- вақтинчалик бино ва иншоотларнинг тури ва сони аниқланади;
- қурилиш майдончасидаги омбор хўжалиги лойиҳаланади;
- қурилиш майдончасини вақтинчалик сув билан таъминлаш ҳисоблари бажарилади;
- қурилиш майдончасини вақтинчалик электр энергияси билан таъминлаш ҳисоблари бажарилади;
- вақтинчалик оқава сувларни йиғиб олиш тизими - канализация лойиҳаланади;
- зарурий ҳолларда қурилишни иссиқлик ва буғ билан таъминлаш ҳисоблари бажарилади;

Юқоридаги тартибда ҳисоблаш - лойиҳалаш ишлари охирига етказилгач, қурилиш бош тарҳининг чизмадаги кўринишини тузишга киришилади ва у қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- танланган масштабда (1:200 ёки 1:500) лойиҳаланаётган бинонинг контури чизилади, ички йўл ва йўлаклар, монтаж кранларининг жойлашиш ва ҳаракатланиш йўналиши чизмага туширилади;
- ҳисоблар асосидаги очиқ ва ёпиқ омборлар кўрсатилади;
- «шамоллар атиргули» чизилиб, унга мувофиқ вақтинчалик бино ва иншоотлар жойлаштирилади;
- вақтинчалик сув, электр, телефон ва оқава сувларни йиғиб олиш тизими режага туширилади.

### **§6.3. Объектга оид қурилиш бош тарҳини лойиҳалаш қоидалари**

Дастлаб лойиҳалаш учун бошланғич маълумотлар ва ҳисоблаш услублари аниқлаштириб олинади. Объект қурилиши учун керакли ресурслар ҳажми ҚИБЛдан олинади, чунки унда ҳисоблашлар ишчи лойиҳаси ва сметалардан олинган аниқ маълумотлар асосида бажарилган бўлади. Масалан, ишчиларнинг сони ҚИБЛ таркибдаги объект қурилишининг тақвимий режасидан олинади. Бу маълумот вақтинчалик, санитар-маиший бино ва иншоотлар қурилишининг ҳажмларини аниқлашда ишлатилади. Жамлаш графигидан эса, керакли материаллар захираси миқдори аниқлаб олинади. Бу эса омборхоналар майдонига аниқликлар киритиш имкониятини беради. Қурилиш ташкилотининг мавжуд машиналар паркидан келиб чиқиб, керак бўлганда, намунавий технологик хариталарда тавсия этилувчи монтаж механизмлари коррективроқ қилинади. Худудий фойдаланувчи хўжаликлар ва фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг тегишли хизматларидан электр энергияси, сув, иссиқлик, газ тармоқларига уланиш шарт -шаротлари ва жойлари келишиб олинади ва бу ҚБТда акс эттирилади. ҚБТда аввалом бор монтаж ва юк кўтариш механизмларининг жойлашуви аниқлаб берилади. Бунда биринчи навбатда механизмларнинг ишчи боғланиши бажарилади, яъни уларнинг ҳаракатланиш йўналиши, габаритлари, ишлаш зоналари, кран ости йўлларининг тўсилиши ва бошқалар белгилаб олинади.

Объект қурилиши бош тарҳини лойиҳалашда механизмлар ҳаракатланиши зоналаридаги омбор майдонларининг фақатгина габарит ўлчамлари эмас, балки конструкцияларнинг турлари ва маркалари бўйича жойлашувини кўрсатиш ҳам лозим. Омборхоналарни жойлаштиргандан сўнг вақтинчалик бино ва иншоотларни боғлашга ўтилади. Умумқурилиш ҚБТ мавжуд бўлганида объектга оид ҚБТда қурилувчи объектга бевосита ёндошган (ушбу объектда ишловчи ишчи-ходимлар учун хизмат кўрсатувчи)

вақтинчалик бино ва иншоотларнинг жойлашуви кўрсатилади ва уларнинг сони ва тури аниқлаштирилади.

Лойиҳалашнинг навбатдаги босқичида вақтинчалик коммуникацияларнинг боғланиши амалга оширилади. Бунда уларнинг доимий коммуникацияларга, таъминловчи тармоқларга уланиши, оралик қурилмалари акс эттирилган трассировкаси кўрсатилади.

Объектга оид ҚБТда хавфсизлик техникаси талабларига мувофиқ кўзда тутилган чора-тадбирлар аниқлаштирилади. Бунда механизмлар ишлашига оид ва юқори кучланишли линиялар хавфли зоналарининг чегаралари, темир йўлларнинг устидан кесиб ўтиш жойлари, транспорт ҳаракатланишини йўналтирувчи ва огоҳлантирувчи белгиларининг ўрнатилиш жойлари ва бошқа зарурий элементлар кўрсатилади.

ҚБТни лойиҳалашда монтаж кранлари ва юк кўтаргичларни жойлаштириш (боғлаш) танланган механизм билан монтаж қилиш имкониятларини аниқлаш ва ишларни бажаришнинг хавфсиз шароитларини тامينлаш нуқтаи назаридан жуда ҳам муҳимдир. ҚБТда механизмларни боғлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Ҳисобий кўрсаткичлар аниқланиб кран танланади;
2. Краннинг ва краности йўлларининг қурилувчи бинога нисбатан кўндаланг ва бўйлама боғланиши бажарилади;
3. Краннинг ишлаш зоналарининг чегаралари ҳисобланади ва ҚБТда кўрсатилади;
4. Краннинг ишлаш шароитлари аниқланади ва керак бўлганида унинг ишлаш зонасига чекловлар киритилади.

Амалда барча кўрсаткичлари берилганларига мос келувчи кранни танлаш деярли мумкин эмас. Одатда, краннинг битта кўрсаткичи берилганига мос келади ҳалос, қолган кўрсаткичларини эса ортиқчаси билан қабул қилишга тўғри келади. Кранни танлаш бир неча вариантларни техник-иқтисодий таққослаш асосида амалга оширилади, сўнгра эса кранни горизонтал ва вертикал йўналишларда қурилувчи объектга боғланади ва

шундан сўнг ишларни бажаришнинг хавфсиз шароитлари (зоналари) аниқланади. Монтаж кранларини жойлаштириш (боғлаш) ва краннинг ишлаши билан боғлиқ бўлган хавфли зоналарни аниқлаш қоидалари ўқув адабиётларида батафсил келтирилган.

Қурилиш майдони материаллар, машиналар ва ускуналарни йилнинг ҳар қандай фасли ва оби-ҳавонинг шароитларида объектга келтириш учун қулай бўлган келиш йўллари ва ички қурилишга оид йўлларга эга бўлиши лозим. Вақтинчалик йўллар- қурилишдаги вақтинчалик иншоотларнинг энг серҳаражат қисми ҳисобланади. Уларни қуриш учун қурилиш смета баҳосининг 1% ига яқин бўлган маблағлар сарфланади. Шунинг учун қурилишга оид йўлларнинг нарҳини пасайтириш масаласи ҚБТни лойиҳалашда ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

ҚБТни ишлаб чиқишда қурилишга оид автомобиль йўлларини лойиҳалаш қуйидаги масалаларни ҳал қилишни кўзда тутади: транспортнинг ҳаракатланиш схемаси ва йўлларни тарҳдаги жойлашувини белгилаш, йўлларнинг ўлчамлари, уларнинг хавфли зоналарни аниқлаш, йўлларнинг конструкцияларни белгилаш, ишлар ҳажми ва керакли моддий

-техник ресурсларни ҳисоблаш.

Транспортнинг ҳаракатланиш схемаси монтаж қилиш ва юк кўтариш механизмларининг, вертикал транспорт воситаларининг ишлаш зонасига, йиғиш майдонлари, омборхоналар, устахоналар, маиший хонадонлар ва вақтинчалик бино ва иншоотларгача юкларни автотранспортда олиб келиш имкониятларини таъминлаши лозим.

Автотранспорт ҳаракатланиш схемасини ишлаб чиқишда амалдаги ва лойиҳаланувчи йўллардан максимал даражада фойдаланиш лозим. Қурилишга оид йўллар халқасимон бўлиши, боши берк йўлларда эса қайтарилиш учун майдончаларни кўзда тутиш лозим.

Вақтинчалик йўлларни ер ости тармоқларнинг устидан ва қурилувчи ёки қурилган ер ости коммуникацияларига бевосита яқинликда

жойлаштириш руҳсат этилмайди. Бу йўлларнинг деформацияланишга олиб келиши мумкин. Агар лойиҳа бўйича вақтинчалик йўллар ва коммуникацияларни параллел жойлаштирилиши кўзда тутилган бўлса, у ҳолда аввалом бор вақтинчалик йўлларни қуриш мақсадга мувофиқдир, чунки тармоқларни ўтказиш учун материалларни ушбу йўллардан фойдаланиб объектга етказиб бериш мумкин бўлади.

ҚБТда вақтинчалик йўлларни жойлаштириш қоидалари ўқув адабиётида батафсил келтирилган [5,6].

#### **§6.4. Қурилиш бош тарҳининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари**

Қурилиш бош тарҳининг қай даражада тўғри тузилганлиги объект қурилишида меҳнат унумдорлигини оширишга замин ҳозирлайди. Бундай бош тарҳ асосида қурилишнинг ташкил этилиши қурилиш нарҳининг камайишига, қурилиш муддатларининг сезиларли қисқаришига ва иш сифатининг оширилишига олиб келади. Шунинг учун лойиҳалаш даврида қурилиш бош тарҳи бир неча хил вариантда тузилиб уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари аниқланади ва ўзаро таққослаб кўрилади. Техник - иқтисодий кўрсаткичлари бўйича энг самарали деб топилган лойиҳанинг варианты қурилишда қўллаш учун қабул қилинади.

Умуммайдон қурилиш бош тарҳи учун қуйидаги техник - иқтисодий кўрсаткичлар аниқланади:

1. Вақтинчалик бино ва иншоотлар қуриш учун нисбий сарф-ҳаражатлар. Бу кўрсаткич умумий смета нарҳига нисбатан % ларда олинади.
2. Тайёргарлик даври учун яъни, қурилишни ташкил қилиш учун кетадиган вақт (қурилиш майдонини ўзлаштириш ва тайёрлаш учун).
3. Вақтинчалик бино ва иншоотларни қуриш учун меҳнат сарфлари.
4. Бир гектар қурилиш майдонига тўғри келувчи сарф-ҳаражатлар миқдори ва бошқалар.

Алоҳида олинган объектнинг қурилиш бош тарҳини баҳолашда юқоридагилардан ташқари қуйидаги иқтисодий кўрсаткичлар ҳам аниқланади:

1. Қурилиш майдонининг юзаси, м<sup>2</sup>
2. Қуриладиган бино эгаллаган майдон, м<sup>2</sup>
3. Вақтинчалик бино ва иншоотлар эгаллаган майдон, м<sup>2</sup>
4. Очиқ омборлар майдони, м<sup>2</sup>
5. Ички йўл ва йўлаклар узунлиги, м
6. Вақтинчалик девор узунлиги, м
7. Вақтинчалик сув, телефон, электр таъминоти тармоқларининг узунлиги, м
8. Тунги ёритиш чироқларининг сони, дона

#### **Назорат саволлари:**

1. Бош қурилиш режаларининг турлари ва уларнинг вазифаларини биласизми?
2. Бош қурилиш режаларининг таркибларини айтинг?
3. Вақтинчалик бино ва иншоотларни ҳисобини ёзиб беринг?
4. Бош қурилиш режаларининг техник иқтисодий кўрсаткичларини кўрсатинг?
5. Қурилишнинг бош тарҳини тузиш учун бошланғич маълумотларни айтинг?

### **VII Боб. ҚУРИЛИШ ТРАНСПОРТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАРИ. АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИНИНГ ТУРЛАРИ**

#### **§7.1. Қурилишнинг моддий - техник таъминоти тўғрисида тушунча**

Илгари таъкидлаб ўтилганидек, қурилиш нафақат сермеҳнат, балки кўплаб хом ашё талаб қиладиган соҳа ҳисобланади. Бу соҳада кўзланган

мақсадга эришиш учун уни етарли мутахассис кадрлар (ишчи-хизматчилар) билан, хомашё (материал, конструкциялар ва яримтайёр маҳсулотлар) билан, машина - механизмлар, асбоб-ускуналар билан ўз вақтида таъминлаш зарур. Қурилишнинг моддий-техник таъминоти деганда, унга қурилиш материаллари, конструкциялари ва қисмларини тайёрлаб берувчи корхоналар, қурилиш машиналари ва транспорт воситаларидан фойдаланувчи, таъмирловчи корхоналар, ёрдамчи ишлаб чиқариш ускуналари, қурилишнинг энергетик ва омбор хўжалиги, лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институтлари, қурилиш учун мутахассис кадрлар тайёрлаб берувчи ўқув юртларидан иборат катта бир тизим тушунилади. Қисқача қилиб айтганда, ўзининг маҳсулоти ёки хизмати билан қурилишда иштирок этувчи барча корхона ва муассасалар қурилишнинг моддий-техник таъминотчилари деб юритилади.

Моддий-техник таъминот даражаси қурилиш соҳасида етакчи ўрин эгаллайди. Чунки қурилишда кўзда тутилган ишлаб чиқариш режаларининг ўз вақтида бажарилиши, қурилиш маҳсулоти сифат кўрсаткичларининг юқори бўлиши кўп жиҳатдан моддий-техник таъминот даражасига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам қурилишнинг моддий-техник таъминотида жиддий эътибор бериш лозим. Қурилишнинг моддий-техник таъминотида асосий ўринни эгалловчи оғир саноат маҳсулотларининг, шу жумладан қурилиш машина-механизмларининг, металл ва ёғоч материаллари каби ўнлаб қурилиш материалларининг четдан ташиб келтирилиши туфайли таъминотда узилишлар, етишмовчиликлар юзага келди. Нарҳ-наволардаги кескин ўзгаришлар, транспорт харажатларининг мисли кўрилмаган даражада ортиб кетиши оқибатида қурилиш маҳсулотининг таннарҳи ва нарҳи ҳам уларга мос равишда кўтарилиб кетди. Бу эса буюртмачилар сафининг қисқаришига сабаб бўлди, қурилиш соҳаси сезиларли даражада оқсаб қолди.

Юқоридаги мулоҳазалар, қурилиш соҳасида, моддий-техник таъминотнинг нечоғлик аҳамиятга молик эканлигини кўрсатади.

Қурилишни материал ва конструкциялар билан таъминлашни ташкил қилишда йиғиб-тайёр қилиш (комплектациялаш) тизими алоҳида ўрин тутди. Йиғиб-тайёр қилиш усули деганда, қуриладиган объектни йиғма конструкциялар, яримтайёр маҳсулот ва материаллар билан ишларнинг технологик боғлиқлигини ҳамда бажарилиш суръатини қатъий ҳисобга олган ҳолда олдиндан йиғиб тайёрлаш ва узлуксиз таъминлаш тушунилади.

Бу усулнинг келиб чиқишига асосан қурилиш соҳасида индустриаллаштиришнинг ривожланиши, қурилиш ишлари технологияси ва қурилишни ташкил қилишнинг илғор усуллари (транспорт воситасидан олиб тўғридан-тўғри монтаж қилиш, оқим усулида узлуксиз тезкор иш бажариш, қурилиш-монтаж ишлари билан биргаликда технологик жиҳозларни ўрнатиб кетиш) сабаб бўлди. Бундан ташқари қурилишни йиғма ва яримтайёр материал-конструкциялар билан таъминловчи завод ва корхоналар сонининг ортиб кетганлигидир. Масалан, битта объектга ғишт бир корхонадан, шифер иккинчи бир корхонадан, ёпма плиталар учинчисидан ва ҳоказо. Агар бу тузилмаларни, технологик жиҳозларни олдиндан йиғиб тўплаб қурилишни узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмаса, қурилишда узилишлар содир бўлишига, ишчиларнинг ишсиз қолишига, қурилиш муддатининг чўзилиб кетишига олиб келади.

Ҳозирги пайтда бу усулни қурилиш ишлаб чиқаришида қўллаш зарурияти борми, деган савол туғилиши табиий. Бунга албатта зарур деб жавоб бериш керак. Лекин, қурилиш конструкциялари нарҳининг ошиб кетганлиги сабабли уни олдиндан кўп миқдорда сотиб олиб йиғиб тайёр қилишга ҳамма қурилиш ташкилотларининг ҳам қурби етмай қолди, транспортда ташиш нарҳларининг ошиб кетиши оқибатида четдан келтирилган металл, ёғоч материаллар ва конструкцияларни йиғиб қўйиш оғир бўлиб қолди. Бу бозор иқтисодиётига ўтиш даври учун хос бўлиб вақти келганда қурилиш ташкилотлари кучли ишлаб чиқариш қувватига эга бўлганда бу усул кенг қўлланилади.

## §7.2. Моддий-техник таъминотни ташкил қилиш қоидалари

Қурилишнинг моддий-техник таъминотини ташкил этиш ва уни ривожлантириш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

1. Қурилишнинг моддий-техник таъминотини ривожлантириш асосида оғир индустрия тармоғи ётади. Шунинг учун асосий эътиборни оғир индустрия тармоғини, биринчи навбатда машинасозлик, металлургия, кимё, ёғочсозлик ва энергетика саноатини ривожлантиришга қаратиш лозим.

2. Моддий-техник таъминотни олдиндан ишлаб чиқилган режага мувофик ташкил қилиш ва ривожлантириш лозим. Бундай режаларда моддий-техник таъминот базаси қувватини бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларининг ўсишига нисбатан бир поғона баландроқ олиб юришни кўзда тутиш керак. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир қурилиш ташкилотининг моддий-техник таъминоти даражаси унинг ўз кучи билан бажарадиган иш ҳажмига нисбатан бир қадам олдинда бориши керак.

3. Қурилиш материаллари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришида қурилишни индустрлаштиришга имкон берувчи йиғма конструкциялар ишлаб чиқарувчи ташкилот ва корхоналар тизимини мукамаллаштириш ҳамда ривожлантириш зарур.

4. Қурилиш маҳсулоти сифатини ошириш, қурилиш ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бўлмиш янги техника ва технологияни жорий эттириш лозим.

5. Бозор иқтисодиёти даврида қурилиш ташкилотининг балансида турувчи, яъни ўзининг хусусий ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қурилишни материаллар, конструкциялар ва қисмлар билан таъминловчи корхоналарни 3 тоифага бўлиш мумкин:

а) қурилиш ташкилоти ёки мустақил саноат тармоғи балансида турувчи қурилиш индустрияси корхоналари;

б) қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари;

в) бошқа саноат корхоналари.

Қурилиш индустрияси корхоналари таркибига асосан йиғма темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхона ва полигонлар: металл конструкциялар ва технологик жиҳозлар ишлаб чиқарувчи цех ва корхоналар; электр, санитар-техник анжомлар, қуйма темирбетон конструкциялар учун арматура – каркаслар, ёрдамчи деталлар ишлаб чиқарувчи корхоналар; қурилиш техникаларини таъмирловчи корхоналар, қурилиш машиналари парки ва бошқалар киради.

Қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари таркибига: боғловчи материаллар (цемент, оҳак, гипс, асбест) ва улар асосида қурилиш конструкцияларини ишлаб чиқарувчи корхоналар, ғишт, линолеум, керамик материаллар, иссиқлик изоляцияловчи материаллар, ойналар ва бошқа материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналар киради. Бошқа саноат корхоналари деганда металлургия, кимё, ёғочсозлик каби саноат ишлаб чиқариш ташкилотлари ва корхоналари тушунилади.

### **§7.3. Қурилиш ташкилотларининг ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари**

Қурилиш учун зарур бўладиган материал ва конструкциялар асосан қурилиш ташкилотлари қарамоғида бўлмаган корхоналарда ишлаб чиқарилади. Бундай корхоналарни ҳар бир қурилиш ташкилотига ёки қуриладиган объект яқинида жойлаштиришнинг имкони бўлмайди. Бу эса айрим ҳолларда уларнинг маҳсулотини қурилиш майдончасига ташиб келтириш учун катта маблағ сарфлашни тақозо этади, қурилиш маҳсулоти таннархининг ортиб кетишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, айниқса бозор иқтисодиёти даврида, намунавий лойиҳага нисбатан алоҳида якка тартибдаги лойиҳа асосида қурилиш қилишга талаб ортиб боради. Унга ишлатиладиган конструкцияларнинг хилма-хиллиги кўпаяди. Ўзига хос кўринишга ва тузилишга эга бўлган конструкциялар яратишга эҳтиёж туғилади. Буларнинг барчаси қурилиш ташкилотлари ўзининг ёрдами ишлаб чиқариш

корхоналарига эга бўлишини тақозо этади. Бундай ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари таркибига ишлаб чиқариш қуввати катта бўлмаган йиғма бетон ва темирбетон тузилмалар ишлаб чиқарувчи цехлар, бетон ва цемент қоришмалари ишлаб чиқарувчи доимий ва кўчма ускуналар, ҳар хил устахоналар ва бошқалар киради.

Бундай ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқариш қувватига қараб ўзининг бошқарув тизимига эга бўлади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам у алоҳида қурилиш ташкилоти тасарруфида бўлганлиги учун мазкур ташкилотнинг бошқарув тизимига бўйсунди.

Қурилиш ташкилотларининг ўз ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлиши қурилиш маҳсулоти таннархининг пасайишига олиб келувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари улар қурилиш ишлаб чиқаришининг узлуксизлигини таъминлашда, қурилиш муддатларининг қисқаришида муҳим аҳамият касб этади.

Моддий-техник таъминот (**ШНҚ 3.01.01–03** “Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш”) меъёрий ҳужжат бўйича қуйидагича ташкил этилади:

1. Бош пудратчи ва субпудратчи шартномаси асосида ишни бажарувчи пудрат ташкилотлари ва буюртмачи – ташкилотлар қурилиш объектини моддий – техник манбаларининг барча турлари билан, қурилиш – монтаж ишларининг ишлаб чиқариш технологик тартибида, қурилиш графиги муддатлари ва буюртмачи жиҳоз, буюмларни етказиш графигида белгиланган вақтда таъминлаши керак;
2. Қурилишни тўлиқ қуриб битказиш учун моддий - техник манбалар ва жиҳозлар билан таъминлашни бош пудратчи ташкил қилади. Бунда қурилишларни технологик жиҳоз, буюм ва материаллар билан бутлаш шартнома асосида “Қурилишни ташкил этиш Низоми” да кўрсатилган тартиб асосида бажарилади;

3. Қурилишни моддий – техник манбалари, жиҳозлари билан таъминлаш ярмарка, бозор ва товар – хомашё биржалари, махсулаштирилган қурилиш инвестиция биржалари орқали амалга оширилади ҳамда танлов асосида хорижий ва юртимизда ишлаб чиқилган қурилиш материаллари ва жиҳозлари билан таъминлаш етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳам бажарилади;
4. Қурилиш – монтаж ишларини бажаришга қурилиш материаллари, конструкциялари ва уларнинг деталларини тайёрлашга сарф бўладиган эҳтиёжни қурилиш объекти лойиҳа ҳужжатлари орқали аниқланади.

### **Назорат саволлари:**

1. Автомобил транспортнинг турлари?
2. Ташиш ҳажми, юк оқими ва юк айланиши деган нима?
3. Автотранспорт миқдорининг ҳисоби?
4. Йил давомида транспорт эҳтиёжи?
5. Моддий-техник таъминотни ташкил қилиш қоидалари нималардан иборат?

## **VIII Боб. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШ. БОШҚАРИШ ФУНКЦИЯЛАРИ. БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ.**

### **§8.1 Қурилишни бошқаришнинг ташкилий шакллари**

Қурилиш ишлаб чиқаришининг муҳим вазифаси бўлиб ишларни юқори сифатда бажариб, меҳнат, моддий ресурслар ва молия маблағларини минимал сарф қилган ҳолда шахбалар қурилишини мақбул бўлган муддатда битирилишини таъминлаш ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни илмий асосда таҳлил этиш амалда бўлган қурилиш меъёрлари ва қоидалари тизимига асосланади. Уни таркибида ишлаб чиқариш меъёрлари, ҳисобнома меъёрлари, иш тўхтаб қолмаслиги учун

тайёрлаб қўйилган қўшимча ишлар (задел) ва қурилиш муддати меъёрлари муҳим рол ўйнайди.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш соҳасида Ўзбекистонда охириги йилларда маълум ўзгаришлар бўлиб ўтди. Янги меъёрлар ишлаб чиқилди, амалдагиси эса қайта кўриб чиқилди.

Ўзбекистон табиати, об-ҳавоси шароитини эътиборга олган ҳолда ишларни бажариш (ИБЛ) ва қурилишни ташкил этиш лойиҳаси (ҚТЭЛ) мазмуни ва таркиби бўйича янги талаблар ўрнатилди.

Қурилиш ишлаб чиқариш ташкилий тузувчилари иловада кўрсатилган.

Ташкилий шаклларни ташкилий муносабатлар мажмуаси деб тушунмоқ керак. У ўз навбатида ҳуқуқ, вазиаф ва жавобгарликни ифодалайди.

Ташкилий шаклларни ўзгариши қоида бўйича бошқарув таркибини ўзгартиради.

Қурилишни бошқаришни замонавий тизимини 5 – иловадан кўриш мумкин.

Илмий-тадқиқот ташкилотлари Ўзбекистон Давлат қурилиши, вазирликлар, муасссалар, лойиҳаловчилар, пудратчилар ёки тўғридан-тўғри буюртмачилар билан вазифаларга асосан илмий-тадқиқот ишларини олиб боради. Капитал қурилишни такомиллаштиришда, фан ва техника тараққиётини тезлаштириш мақсадида чиқариш ишлари хўжалик усулида бажарилади.

Қурилишни хўжалик усулида ташкил этиш – бу қурилиш ташкилотининг хўжалик органи ва буюртмачи – ташкилотнинг қўшиб олиб борилишидир.

Яъни бир ташкилот ҳам буюртмачи, ҳам пудратчи ролида иш олиб боради.

“Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш” қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади:

- қурилиш ташкилотлари тизими ҳақида тушунча;

- қурилиш ишларини тайёрлаш;
- лойихалашни ташкил этиш;
- кидирув ишларини ташкил эти;
- тақвимий режалаштириш;
- тўрсимон режалаштириш;
- оқимли қурилишни ташкил этиш;
- қурилиш хўжалиги ва ҳ.к.

Қурилиш ишлаб чиқаришини уюштирилишининг муҳим вазифаси бўлиб молия маблағлари, моддий манба (ресурс)лари ва меҳнатни минимал сарфлаб, ишларни юқори сифатда бажариб қурилиш объектларини (оптимал) мақбул ишга туширишдир.

Қурилишни ташкил этиш – бу қурилишга ўзаро боғланган тайёргарлик тизии, ишларни кетма – кетлиги, умумий тартиби ва муддатларини белгилаш, ҳамма турдаги манбалар билан таъминлаш, қурилишни сифат ва самарадорлигини таъминлаш ҳамда бошқаришдир.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш даражасини баҳолаш учун узлуксизлик, бир текислик, қўшиб олиб боориш, меъёр (ритм)лик ва интенсивлик кўрсаткичларини ўз ичига олувчи тизим ишлаб чиқилган.

Қурилишни ишлаб чиқариш “қурилиш” тармоғини ташкил этувчи қисм бўлиб хизмат қилади. Унинг вазифаси лойихаларни қурилиш маҳсулотига айлантириш, яъни ишлатиш учун тайёр бин ова иншоотлар тайёрлашдир. Уларни кўтаришда (бош ва ёрдамчи пудрат) қурилиш-йиғма ташкилотларидан ташқари уларга боғлиқ бўлган бошқа корхона (темит-бетон заводи ва ҳ.к) лар ҳам иштирок қилишади. (7, 8-иловалар)

Қурилиш ишлаб чиқариши таркибининг тизими (7-иловада берилган)

Қурилиш халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан ўлароқ фарк қилади, яъни:

- маҳсулот ҳаракатда бўлмай бир жойда туради;
- ишлаб чиқариш цикли узоқ муддатда давом этади;
- меҳнат воситалари қуроли ва ишчилар;

- ишлар очик ҳавода олиб борилади.

Қурилиш ишлаб чиқаришининг фаолияти лойиҳа ҳужжатлари билан катъий белгиланади, қайсики уларнинг йўқлигида қурилиш ишлари олиб борилмайди.

Қурилиш ишлаб чиқаришнинг ташкил қилишнинг асосий вазифаси бўлиб объектлар қурилишини мақбул (оптимал) муддатларда ишларни юқори сифатда, меҳнат сарфи, моддий ресурслар ва молия маблағларини минимал ҳолда сарфлаш ҳисобланади.

Қурилишни ташкил этиш бу қурилишга тайёргарликни ўзаро боғланган тизимидир. Қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил этишни асосий тамойили

8-иловада берилган.

Қурилишда контракт (шартнома)лар тизими ва қонунчилик негизи

Капитал қурилиш учун пудрат контрактлари – бу пудратчи ва буюртмачи орасидаги битим бўлиб икковидан бири пудратчи ўз кучи воситалари билан белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳавий – ҳисобномада назарда тутилган қурилиш объектларининг титул рўйхати ва режасига асосан қурилиш-монтаж ишларини бажаради ва уни битказган ҳолда ишчи ҳайъатига топширади.

Бошқа томон – буюртмачи эса ўз навбатида корхона, бино иншоот қурилиш учун бош пудратчига майдон тақдим этиш ва тасдиқланган лойиҳавий – ҳисобномани бериш, қурилиш узлуксиз равишда молия билан тامينлаш ва қурилиш – монтаж ишларига ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

## **§8.2 Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий тамойили**

Қурилиш ишлаб чиқаришини асосий тамойили (принципи)

Қурилмалар, бин ова иншоотларни йиғмалигини ошириш

Қурилмалар (конструкциялар)ни заводда тайёрланишини ошириш

Бин ова иншоотларни ҳажмий-тарихий ва конструктив қарорларини унификациялаш

Ташкилий-технологик қарорларини унификациялаш ва типлаш

Қурилишни механизациялаш ва автоматлаш

Ишлаб чиқаришни асосий воситаларини тўла ва бир маромда олиб борган ҳолда узлуксизлигини таъминлаш

Ресурсларни ишга тушириш объектига йиғиш

Қурилиш шахбалари ва ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш

Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш воситаларини кўчиб юришини таъминлаш

### **Назорат саволлари:**

1. Қурилишни бошқаришнинг ташкилий шаклларини айтинг?
2. “Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш” қандай асосий вазифаларни ўз ичига олади?
3. Қурилиш ишлаб чиқаришини уюштирилишининг муҳим вазифаси нималардан иборат?
4. Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий тамойилини биласизми?

## **IX Боб. АХБОРОТ – БОШҚАРИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА.**

### **§9.1. Асосий тушунчалар**

Ташкилий – фармойиш, ташкилий – ҳуқуқий, умумдавлат, ижтимоий – психологик, бошқариш тамойили.

Бошқариш усуллари:

1. Ташкилий-фармойиш, ташкилий-ҳуқуқий.
2. Иқтисодий: нарҳларни белгилаш; моддий рағбатлантириш; режалаштириш ва ҳ.к.
3. Ижтимоий-психологик: тарбиявий; кадрларни тайёрлаш ва ижтимоий чоралар.

Бошқарув жараёнини амалга ошириш бошқарув усуллар тизимидир.

Бошқаришнинг ташкилий-фармойиш усуллари қонун кучига эгадир, яъни ҳўжали к фаолиятини юридик жиҳатдан тартибга солишни амалга оширади. Шаҳарни бошқариш давлат аҳамиятига эга бўлгани учун, унинг жараёнида махсус фармойиш усуллари қўлланади.

Фармойишлар ҳужжатлар шаклига эга: бўйруқлар, фармойишлар, қарорлар.

Ушбу ҳужжатлар асосан ёзма равишда чиқарилади, ягона раҳбарлик тамойилларга асосланиб, шаҳар олдида турган амалий вазифаларни ҳал этишга йўлланган. Юқори турувчи бошқарув органлари ва маҳаллий раҳбар органлари унинг қўл остидаги шаҳар ҳўжалиги корхоналарига айрим ҳуқуқларни бериши мумкин, улар ҳам корхоналарга у ёки бу тадбирларнинг мақсадга мувофиқлигини ўзлари ҳал этишларига йўл берадилар.

Фармойиш усулининг фарқли хусусиятларидан қарор қабул қилишда тезлик, бошқарилаётган объектга тўғридан-тўғри таъсир этиш, қарорлар аҳамиятини бирлиги, бажарилишининг мажбурийлигида.

Иқтисодий усуллар барча хўжалик тизимларини иқтисодий тўғри бошқарилишининг асосидир. Иқтисодий усуллар корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқаришнинг энг самарадор натижаларига эришиш учун хўжаликни юритиш шартларини белгилайди ва тартибга солади.

Бошқаришнинг иқтисодий қуролларидан бири нархларни белгилашдир.

Шаҳар хўжалиги хизматларига бўлган тарифлар ишлаб чиқариш учун амалдаги сарфларга мувофиқ бўлиб, ишлаб чиқарувчига даромад келтириши керак.

Ижтимоий-психологик усуллар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш йўллари танилаш мақсадларида жамоада шаклланган муносабатларни ўрганиш учун йўлланма ижтимоий тадқиқотларга асосланади. Ижтимоий тадқиқотларни ўтказиш учун турли усуллар қўлланади: сўров ўтказиш, интервью олиш, ҳужжатларни ўрганиш ва ҳ.к. Шаҳар хўжалиги корхоналарида шаҳар хўжалиги томонидан хизмат кўрсатиладиган аҳолининг фикри ҳисобга олинади.

1. Умумдавлат ва маҳаллий манфаатларни бирга мослаштириш тамойиллари.

2. Шаҳар хўжалигини бошқариш демократик централизм тамойилига асосланади. Шаҳар масшабда бу марказлаштирилган давлат бошқаруви билан бирга маҳаллий ташаббусни кенг ривожлантириш деганидир.

3. Шаҳар бошқарувида ягона раҳбар тамойили тасдиғини топган. Ушбу тамойил унга ишониб топширилган корхонада раҳбарлик қилиш учун ҳуқуқларга эга бўлган ва унинг иши учун тўлиқ жавобгарликни зиммасига олган бутун жамоа ягона раҳбарга бўйсинишидан иборатдир. Ягона раҳбарлик қилиш тамойили ҳар бир ишчининг ҳуқуқ, мажбурият ва жавобгарлигининг аниқ доираларини белгиланишини билдиради.

4. Илмийлик тамойили – шаҳарда хўжалик тизимларининг барча даражаларини ривожлантириш учун йўлланган тадбирлар белгиланган муддатга олдиндан ишлаб чиқилади. Шаҳарни ривожланиш режаси турли хўжалик қурилишлар, корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш

фаолиятлари шаҳар эҳтиёжлари учун бўйсинишини таъминлаши керак. Фан объектив иқтисодий қонунлардан фойдаланишда дастлабки омил ролида чиқиши керак.

5. Ҳал этилаётган масалалар мақсади асосий звеносининг тамойили муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тамойилнинг моҳияти ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган кўплаб вазифалардан асосийсини танлаб олиб ва уни ҳал этиш учун бор эътиборини қаратишдадир.

6. Ходимларни тўғри танлаш ва жойига қўйиш тамойили.

7. Бошқариш вазифалари. Бошқариш принципи ва усуллари асосида бошқаришнинг вазифалари амалга оширилади.

Вазифалар умумий ва хусусийларга бўлинади.

Умумий вазифалар – бошқаришнинг барча даражаларига тааллуқлидир.

Хусусий вазифалар эса конкрет даражадаги бошқариш хусусиятларини ҳисобга олиб бошқариш бўйича ишларни конкретлаштиради. Шаҳарни бошқариш умумий вазифалари бутун шаҳар учун умумий бўлган вазифаларни ҳал этади, шаҳар хўжалик тизимидаги барча таркибий қисмлар ҳаракат бирлигини таъминлайди. Умумий вазифаларга қуйидагилар киради: ташкил қилиш, режалаштириш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, ҳисоб олиб бориш, таҳлил қилиш. Ушбу вазифалар йиғиндиси бошқарув циклини ташкил қилади.

Хусусий вазифаларга қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш (корхона директори томонидан амалга оширилади);
- бош муҳандис ва унинг қўл остидаги бўлинмалар томонидан амалга ошириладиган ишлаб чиқаришга техник раҳбарлик қилиш;
- директорнинг иқтисодий масалалар бўйича муовини томонидан амалга ошириладиган ишлаб чиқаришга иқтисодий раҳбарлик қилиш;
- директорнинг умумий масалалари бўйича муовини томонидан амалга ошириладиган ички ва ташқи хўжалик алоқаларга раҳбарлик қилиш;

- директорнинг ходимлар ва маиший масалалар бўйича муовини томонидан амалга ошириладиган ходимларни тайёрлаш ва маиший хизмат кўрсатишга раҳбарлик қилиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Бошқаришнинг 3та усулига тавсифнома беринг?
2. Бошқаришнинг умумий вазифаларини санаб ўтинг?
3. Бошқаришнинг умумий вазифаларини айтиб беринг?
4. Бошқаришнинг хусусий вазифаларини айтиб беринг?

## **Х БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ АМАЛИЙ БОШҚАРИШ.**

### **§10.1. Асосий тушунчалар**

Бошқариш меҳнати, оқилона меҳнат, меҳнат услуби, технологик карта, меҳнатсарфлилик, бухгалтерлик ҳисоби, техник-иқтисодий режалаштириш.

Меҳнат жараёни бажарувчи томонидан буюм ёки унинг бир қисмини яратиш бўйича ёки ишлаб чиқариш жараёнида ишларни бажариш бўйича ҳаракатлар тўпламидан иборатдир.

Меҳнат жараёни – ишлаб чиқаришнинг бош таркибидир. Меҳнат жараёнининг асосий қисми операция, яъни маҳсулот яратиш мақсадида ишчининг ўз иш жойида фаолиятининг тўғатилган циклидир. Операциянинг таркибий қисми – иш тартиби ва технологиясини ўзгартирмасдан битта асбобнинг ўзи билан бажариладиган ўтишдир.

Операция таркибидаги ўтишлар – коммунал корхоналарида кўпчилик меҳнат жараёнларининг ўзига хос хусусиятларидандир.

Операция меҳнат усуллари ва ҳаракатларга бўлинади. Оқилона иш услубларини таҳлили, лойиҳаси ва жорий этиш бўйича ишлар аниқ кетма-кетлик услубида бажарилади.

Меҳнат жараёнини тадқиқ этишга тайёргарлик:

1. Меҳнат услублари, ҳаракатлари, усуллари, жиҳоз ва асбоблардан фойдаланиш услубларини тадқиқот қилиш;
2. Тадқиқот усулини танлаш: вақтни ўлчамай ёки ўлчаб бевосита кузатиш; вақтни ўлчайдиган асбоблар ёрдамида кузатиш;
3. Олдиндан иқтисодий баҳолаш: тадқиқот қилинаётган меҳнат услуги ва усуллари қўлланиладиган соҳани аниқлаш; тежамкорликнинг олдиндан ҳисоб-китоблари;
4. Ташкилий тайёргарлик: меҳнат жараёнининг тадқиқот қилинаётган звеноларини аниқлаш; бажарувчиларни танлаш, тадқиқотлар ўтказиш тартиби ва муддатларини белгилаш.

Оқилона (рационал) меҳнат услуб ва усулларини таҳлили ва лойиҳалаштириш:

1. Амалдаги меҳнат жараёнини таҳлили ва лойиҳалаш: меҳнат жараёнини бўғинларга ажратиш, ҳар бир ҳаракат ва усулни баҳолаш ва энг яхшисини танлаш, тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш;

2. Оқилона меҳнат жараёнини лойиҳалаштириш: меҳнат услублари, усуллари, ҳаракатлари ва уларни бажарилишининг кетма-кетлигини мазмунини аниқлаш, меҳнат жараёни элементлари бажарилишининг қулай шароитларини аниқлаш, ташкилий-техник чораларини ишлаб чиқиш ва ускуналарни лойиҳалаштириш, йўриқнома-технологик карталарни тузиш ва меъёрлар ҳисоб-китоб қилиш.

Меҳнатни оқилона услуб ва усулларини жорий этиш:

1. Жорий этишга тайёргарлик; ишлаб чиқилган ташкилий-техник чораларни амалга ошириш; инструкторларни оқилона меҳнат услуб ва усулларга ўргатиш; ишчиларни ўргатиш;

2. Бевосита жорий этиш: лойиҳалаштирилган меҳнат жараёнини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш вазифаларини бериш: меҳнатнинг янги услуб ва усуллари бажарилишини назорат қилиш; инструктажлар ўтказиш;

меҳнатнинг янги услуб ва усуллари жорий этишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

#### Иш жойларини таснифлаш.

Иш жойи – бу ишлаб чиқариш меҳнат жараёнини бажариш учун зарур бўлган барча ускуналар билан жиҳозланган бир ишчи ёки ишчилар гуруҳи (звено) ни меҳнат давомида ҳаракат қиладиган зонасидир. Иш жойларини ташкиллаштириш деб ишчиларнинг юқори унумдорлик билан меҳнат қилишлари учун хавфсиз ва қулай шароитларини яратишга қаратилган тадбирлар мажмуаси тушинилади. Меҳнат тавсифи бўйича иш жойлари қўл меҳнати, механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган иш жойларига бўлинади.

Иш жойлари жойлашуви бўйича доимий ва кўчмалиги билан фарқланади. Шаҳар хўжалигининг турли тармоқлари томонидан аҳолига хизмат кўрсатилиши иш жойлари тез-тез ўзгарадиган объектлар билан боғлиқлиги ўзига хос хусусиятлардандир. Иш жойлари турлилигига қарамай ҳар бир иш жойи ташкил қилинган бўлиши керак. Ускуналар билан тўғри таъминланиш ва режалаштириш, ва шунингдек, иш жойларига бетўхтов хизмат кўрсатишни ташкил қилиниши бўйича чоралар, уларни ташкил қилинишини такомиллаштиришга қўл келади.

Иш жойларини ускуналар билан таъминланганлиги – ишлаб чиқариш воситалари турли ускуналар ва асбоблар мажмуасидир.

Иш жойлари ускуналар билан таъминланиши таҳлил қилинадиган биринчи навбатда қуйидагилар ҳисобга олинishi керак:

- қўлланаётган воситалар конструкциясининг замонавийлиги;
- иш жойлари ускуналар билан таъминланганлик коэффиценти;
- ускуналардан фойдаланиш даражаси.

Таъминланганлик коэффиценти – бу иш жойлари ускуналар билан таъминланганлик даражасидир. У қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{\text{таъм. қ}} (T_{\text{асб}}/T_o) 100\%$$

$T_{асб}$  – ускуналар билан бажариладиган ишларнинг меҳнатсарфлилиги, одам/кун;

$T_o$  – ишларнинг умумий меҳнатсарфлилиги, одам/кун;

Ускуналар билан таъминланганликдан ташқари иш жойлари яхши режалаштирилган бўлиши керак, унда меҳнат учун қўлланадиган барча иш ускуналари қулай жойлашган бўлиши керак, ишчи жойда туриб улардан фойдалана олиши керак. Шаҳар хўжалиги учун кўчма иш жойларининг кўплиги характерлидир, уларни режалаштириш ва ташкил қилиш мураккаброкдир.

Уй-жой жамғармалари техник кўригидан ўтказиш ва кундалик таъмирлаш ишларини бажариш учун иш жойларига хизмат кўрсатиш кўйидагиларни назарда тутди:

- ишларни бажариш учун наряд-буюртма (вазифа)ни бериш;
- ишлаб чиқариш технологияси ва техника хавфсизлиги бўйича инструктаж ўтказиш;
- иш fronti билан таъминлаш (иш участкасини тайёрлаш, яшовчилар билан келишиб олиш, иш жойини бегона буюмлардан бўшатиш ва ҳ.к.);
- ишлар бажариладиган жойга материал ва асбобларни етказиб бериш;
- иш жойида материаларни тахлаш ва сақлаш;
- бажарилган ишларни қабул қилиш ва сифатини назорат қилиш.

#### Бошқариш меҳнатини ташкил қилиш асослари.

Ишчиларнинг меҳнатидан фарқли ўлароқ бошқарув меҳнати, унинг натижалари бевосита ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар нарҳи билан баҳоланмайди, чунки улар бошқарув қарорлари, турли ҳил хужжатлар ва ахборотларда ўз ифодасини топади ва ишлаб чиқариш жараёнида ишчилар томонидан амалга оширилади.

Инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг меҳнати кўп жиҳатдан ақлий бўлиб, ўз ичига ташкилий-маъмурий, ижодий ва техник ишларни қамраб олиб, бошқариш жараёнида қўлланадиган ахборотлар ва турли бошқарув хужжатларидан иборатдир ва ишлаб чиқаришнинг унумдорлигига

бевосита таъсир этади. Шунинг учун бошқарув меҳнатини баҳолашда уни корхона жамоаси эришган натижалар билан боғлаш керак. Бошқарув жараёни асосини бошқарилаётган объектларга мақсад билан таъсир ўтказиш бўйича бошқарув аппарати ходимлари фаолиятининг алоҳида тури бўлган бошқарув вазифалари ташкил қилади ва бошқарув жараёни оқилона шаклларга бўлинади.

Ушбу вазифаларга қуйидагилар киради: умумий раҳбарлик қилиш, истиқболни белгилаш, техник-иқтисодий режалаштириш, ишлаб чиқаришни техник жihatдан тайёрлаш, кадрлар билан таъминлаш, моддий-техник таъминот ва тасарруф этиш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий фаолиятларни бошқариш.

Бошқарув меҳнати 3 босқичдан иборат:

1. керакли ахборот билан таъминлаш;
2. ечимларни тайёрлаш;
3. раҳбарлик қилиш.

Шундан келиб чиқиб инженер-техник ходимлар ва хизматчилар 3 тоифага бўлинади:

1. техник бажарувчилар;
2. мутахассислар;
3. раҳбарлар.

Техник бажарувчиларнинг вазифалари: ахборотни қайта ишлаш бўйича операциялар бажариш, мутахассис ва раҳбарлар мазкур материаллар билан таъминлаш, бошқариш аппаратига хўжалик хизмат кўрсатиш.

Мутахассисларнинг вазифалари: раҳбарлар томонидан қабул қилинаётган қарорларни ишлаб чиқиш ва лойиҳалаштириш, корхона ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини режалаштириш ва таҳлил қилиш.

Раҳбарларнинг вазифалари: мақсадларни шакллантириш, қарорлар қабул қилиш, ходимларни танлаш ва жойига қўйиш, ижрочилар ва бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш, қарорлар бажарилишини назоратини ташкил қилиш, маъмурий-фармойиш чораларини қабул қилиш.

Техник бажарувчиларга технологлар, меъёрлаштирувчилар ва ҳ.к. киради.

Мутахассисларга – режалаштирувчилар, иқтисодчилар, бухгалтерлар ва ҳ.к. киради.

Раҳбарларга – корхона раҳбарлари, уларнинг муовинлари, бош мутахассислар, бўлим бошлиқлари, мастер (уста)лар ва ҳ.к. киради.


### **Назорат саволлари:**

1. Меҳнат жараёнининг асосий қисми (операция)ни биласизми?
2. Меҳнат жараёнини тадқиқ этишга тайёргарлик қандай амалга оширилади?
3. Оқилона (рационал) меҳнат услуб ва усуллари таҳлили ва лойиҳалаштириш қандай амалга оширилади?
4. Иш жойларини таснифлаш қандай бўлади?
5. Бошқарув меҳнати неча босқичдан иборат?

## **ХИ БОБ. ШАҲАР ХЎЖАЛИГИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ, БОШҚАРИШ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШ.**

### **§11.1 Иш жойида меҳнатни ташкил қилиш**

Оқимли – операцион, оқимли – тасмали, оқимли – захватли, объектли оқим, хусусий оқим, ритмик.





11.1-расм. Қурилиш мажмуасининг схемаси.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилиш қўйидаги илмий ва ишлаб чиқариш фаолияти йўналишларини кўзда тутаяди: қурилишни ташкил қилиш, қурилишни режалаштириш ва қурилишни бошқариш.

Қурилишни ташкил қилиш - қўйилган вазифани бажариш учун ишлаб чиқариш корхонасини шакллантириш ёки танлаш тизимидир.

Режалаштиришга –бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларини вақт ва фазода боғлаш тизими ва шунингдек, моддий-техник манбаларни етказиб бериш ва харажат тизими киради.

Бошқариш - қўйилган вазифаларни сўзсиз бошқариш мақсадида ўрнатилган тартибни бузмаслик ёки қурилиш ишлаб чиқаришини бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтказиш тизимидир.

Ташкилотларнинг асосий тамойиллари: иш муддатини қисқартириш, уларнинг қийматини камайтириш, мажмуий механизациялаш, автоматлаштириш, саноатлаштириш, қурилиш-монтаж ишларини оқимли усулда бажариш ва ҳ.к.

Қурилиш жараёнлари турлича ривожланиши мумкин: кетма-кет, параллел ёки оқим усулида.

Қурилиш кетма-кет усулида олиб борилганда ҳар бир бино қурилиши ҳар бир объектда барча ишлар ниҳоясига етгандан сўнг бошланади. Параллел усулда барча объектларда қурилиш жараёнлари бир вақтда бошланиб бир вақтда ниҳоясига етади.

Оқимли усул кетма-кет ва параллел усуллардаги афзалликларни сақлаб қолиб ва уларнинг камчиликларини бартараф этиб, иккала усул қўшилиб олиб борилади.

#### қурилиш оқимининг асосий қонунлари.

Оқимли усул қуриладиган турли бино ва иншоотлар учун умумий тушунчага эга.

1. Бу ҳолда жараён операцияларга бўлинади. Ишчилар ўртасида операциялар тақсимланганда қуйидагиларга ажратиш мумкин:
  - а) оқимли-операцион;
  - б) оқимли-бўғинли;
  - в) оқимли-мажмуа усулларида иш олиб бориш.

Оқимли-операцион усул бир жараённи битта звенода операцияларга тақсимлаш.

Оқимли-бўғинли усулда белгиланган қамровда ишлаётган ва оддий жараёнларни бажарётган бригада звенолари ишлайди.

Оқимли-мажмуали усул бригада аъзолари бир неча турдош касбларга эга бўлган мажмуий бригадалар томонидан қўлланади.

2. Объектларнинг шаклига қараб ишлар олиб борилишининг қуйидаги усуллари қўлланади:
  - а) оқимли-тасмали;
  - б) оқимли-қамровли.

Оқимли-тасмали усул узун иншоотлар қурилишида қўлланилади (сув ва ташқи коммуникациялар тармоқлари).

Оқимли-қамровли усул бинолар қурилишда қўлланилади.

Турли объектларда кетма-кет бажариладиган бир турдаги ишларни ташкил қиладиган оқим хусусий оқим деб аталади.

Битта объектда бажариладиган турли хил ишларни ташкил қиладиган оқим объектли оқим деб ҳисобланади.

Бир турдаги ишлар хусусий оқимда белгиланган вазнда бажарилади. Ушбу вазн қурилиш оқимининг ўлчов бирлиги ҳисобланади.

Вазн-битта қамровда хусусий оқимни бажариш учун кетадиган вақт.

Оқим қадами деб турдош фронтларда иккита хусусий оқимлар оралиғидаги вақтга айтилади.

Агарда оқимнинг қадами вазнга тенг бўлса бундай оқим вазнли (ритмик) деб аталади. Технологик танаффусларга эга бўлган қурилиш оқимлари қуйидаги формула билан белгиланади:  $T_0 = k(mKn-1)kT$  тех.тан.

Қурилиш оқимининг вазнлигини сақлаб қолиш учун технологик танаффусларни оқим қадамига тенг ёки қаррасини қабул қилишади. Оқимнинг тавсифларидан бири унинг жадаллиги ишлаб чиқарилган тайёр қурилиш материаллари  $V$  ҳажми  $t$  вақт бирлигида белгиланади:

хусусий оқим  $i_k V/t = kV/mk$

объектли оқим  $i_k V/tkV/k(mKn-1)$

Оқимлар вазнли (ритмик), вазнсиз, турли вазнли бўлиши мумкин.

## **§11.2. Қурилишда “меҳнат” тушунчаси, меҳнат турлари ва унинг тақсимоти**

Қурилишнинг сер меҳнат соҳа эканлиги юқорида (1. 2.) айтиб ўтилган эди. Шундай экан “меҳнат” тушунчаси, унинг турлари ва қурилишда меҳнатнинг тақсимоти тўғрисида аниқ фикрга эга бўлишимиз керак.

Қурилишда “меҳнат” деганда ишчи ёки хизматчининг меҳнат предметлари (тупроқ, ғишт, цемент, бетон, металл, тахта ва х.к.) га меҳнат қуроллари (белқурак, қуракча, арра, теша, зичлагич ва х.к.) ёрдамида маҳсулот яратиш мақсадидаги фаолияти (жараён) тушунилади.

Халқ хўжалигининг барча соҳаларида бўлганидек, қурилишда ҳам ақлий ва жисмоний турлари мавжуд. Қурилишнинг дастлабки тайёргарлик

босқичида (лойихалашни тайёрлашда) асосан ақлий меҳнат билан шуғилланилса, қурилиш ишлаб-чиқаришда жисмоний меҳнат кўпроқ қисм ташкил қилади. Махмурият ва ундаги бўлим ходимларининг иш фаолияти ҳам асосан ақлий меҳнат билан боғлиқ.

Қурилишдаги ишчилар аксарият ҳолларда жисмоний меҳнат қилади. Лекин бу ақлий меҳнатни инкор этмайди. Чунки ҳар бир ишчи ақл-заковат билан меҳнат қилмаса, сифатли маҳсулот яратишдаги барча уринишлари беҳуда кетади. Демак, қурилишда жисмоний ва ақлий меҳнатни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Қурилиш маҳсулотининг сифатли бўлишида, қурилишнинг ўз вақтида тугалланиб фойдаланишга топширилишида, бунда меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишида меҳнат тақсимотининг аҳамияти катта.

Қурилишда меҳнат ишчи-хизматчиларнинг касб-корига ва малакасига қараб тақсимланади. Масалан бетон ишларини бажариш-бетончиларга, монтаж ишлари-монтажчиларга, буёқ ишлари-буёқчиларга ва х.к.

Қурилишда айрим ишларни (пайвандлаш, машинада ер ишларини бажариш,) ҳисобга олмаганда барча қурилиш-монтаж ишлари ишчилар гуруҳи (звено, бригада) томонидан бажарилади. Бу гуруҳ таркибига кирувчи ишчилар одатта бир хил касб-эгалари бўлсаларда, малакалари буйича бир-биридан тубдан фарқ қиладилар. Улар ўртасида меҳнатни тақсимлаганда бу омилни ҳисобга олиш зарур. Яони бажарилиши юқори малака ва маҳсулият талаб қиладиган иш жараёнларини юқори малакали ишчиларга, бошқаларини эса малакаси паст бўлган ишчиларга тақсимлаш керак.

Қурилиш звеноси (бригадаси) иш тақсимоти билан звено бошлиғи (бригадир) шуғулланади. У бажарилган иш хажмига, бажарилиш муддатига ва сифатига жавоб беради.

### §11.3.Қурилишда меҳнатга ҳақ тўлаш турлари

Инсон қаерда бўлмасин фаолият кўрсатар экан у ўз меҳнатига яраша ҳақ олиши ва қадрланиши зарур. Бу масала тўғри хал қилинган тақдирдагина унда ўзини касбкорига ҳурмат билан қараш, меҳнатни улуғлаш, режа топшириқларини ўз вақтида бажаришга ва иш сарфини оширишга интилиш хиссиёти уйғонади.

Социалистик ишлаб-чиқариш даврида гўё “қобилиятига яраша иш, меҳнатга яраша ҳақ” принципи амалда бўлсада, у доимо қўпол равишда бузиб келинади, яхши ва ёмон ишловчиларнинг ҳақини ўртасидан сезиларли тафовут бўлмади. Ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда қариндош-уруғчиликка, таниш-билишчиликка ва расмиятчиликка ружу қўйилди. Бу ишчи хизматчилардан меҳнат қилиш иштиёқининг пасайишига йўл йўқ, раҳбарига ишончсизликнинг пайдо бўлишига, ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини пасайиб кетишига олиб келди. Социализм тузимининг капитализмда “устунлигини” исботлаш мақсадида асосан режалар, баланд парвоз ҳисоблар, бажарилмаган ишларни бажарилди, деб куйиб ёзишлар оддий бир ҳолга айланиб қолди. Бунинг нима билан тугагани ҳаммага аён, социалистик ишлаб-чиқариш инқирозга учради. Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилиш ва ишчи хизматчиларни моддий рағбатлантиришда ўтмишга айланиб бораётган бундай салбий ҳолатларни унутмаслигимиз лозим.

Қурилишда меҳнатга ҳақ тўлаш икки хил тури мавжуд:

1. Ишбай ҳақ тўлаш.
2. Вақтбай ҳақ тўлаш.


Меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш деганда ишчи хизматчининг бажарган иши ҳажмига мувофиқ, мавжуд иш ҳақи меёрлари асосида ҳақ тўлаш тушунилади.

Масалан, монтажчилар звеноси смена давомида 30 та том ёпма плитаси ўрнатди дейлик. Агар мавжуд иш ҳақи меёрларига кўра битта плитани

ўрнатиш 60 сўм турса, у ҳолда мантажчилар звеносининг бу сменадаги иш хақи миқдори  $30 \times 60 = 1800$  сўм бўлади.

Меҳнатага ҳақ тўлашнинг иккинчи бир тури вақтбай ҳақ тўлаш бўлиб, бунда ишчи хизматчининг иш хақини ҳисоблаш учун сарфланган вақт асос қилиб олинади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш турлари 2-расмда яққол кузга ташланади:



2-расм. Қурилишда меҳнатга ҳақ тўлашнинг турлари

Масалан минорали кран хайдовчиси қурилишда 8 соат ишлади дейлик. Агар мавжуд иш хақи меъёрларига кўра унга малакасини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир иш соати учун 55 сўм тўлаш лозим бўлса, унинг бу сменадаги иш хақи миқдори  $8 \times 55 = 440$  бўлади.

“Меҳнатга ҳақ тўлашнинг неча икки усули мавжуд, улардан қайси бирини қўллаш мақсадига мувофиқ?” деган савол туғилиши табиий. Биз саволларга жавоб топиш учун қурилишда иштирок этувчи ишчи хизматчиларнинг иш фаолиятига бир назар ташлайлик: қурилиш монтаж ишларини бажараётган аксарият кўпчилик ишчиларнинг бажараётган иш ҳажмларини аниқ ўлчаш имконияти мавжуд. Шундай экан, бу ишчиларга бажарган иш ҳажмига кўра, яъни ишбай иш хақи тўлагани маъқул. Чунки бу усул иккинчи усулга нисбатан прогрессив усул ҳисобланиб, ишчига “меҳнатга яраша ҳақ тўлаш” принципини амалда қўллаш имконини беради.

Ишчи иш вақтида кўпроқ хажмда иш бажаришга, меҳнат унумдорлигини ортишида режа топширикларини ўз вақтида бажаришда манфатдор бўлишини бўлган ҳолда меҳнат қилади.

Лекин ҳамма вақт ҳам ишчининг бажарган иш хажмини ўлчаш ва аниқ сонлар билан имкониятлари бўлавермайди. Бу айниқса монтаж кранлари ҳайдовчиларга, навбатчи электрик, навбатчи сантехник, малакаси паст бўлган турли ишларни бажарувчи ишчиларга, қурилиш объекти қоровули кабиларга тегишли. Бундай касбдаги ишчиларга вақтбай иш ҳақи тўлаш тавсия қилинади. Бу усул қурилиш ташкилотида ишловчи ходимлар (муҳандислар, иш юритувчилар, ҳисобчилар, бошлиқ ва х.к.) лар меҳнатга ҳақ тўлашда ҳам қўлланилади чунки бу ходимлар томонидан бажариладиган ишларининг аниқ ўлчови бўлмайди. Уларни иш ҳақи асосан вақтбай-мукофатли усулда ҳисобланиб, асосан икки қисмдан иборат бўлади: доимий қисми (ловозим бўйича маоши) ва ўзгарувчан қисм (мукофот). хизматчиларнинг доимий ойлик маоши (оклад) бажарилган ишнинг миқдорига ва сифатига боғлиқ бўлмай, қурилиш ташкилоти томонидан гарантияланади. Ойликнинг мукофот қисми улар фаолият кўрсатаётган ташкилотининг фаолияти, режавий топширикларнинг бажариши ва қуриш маҳсулоти сифатига қараб белгиланади ва у ўзгариб туради.

Ишлаб-чиқаришда бевосита иштирок этувчи ишчи-ходимларининг иш ҳақи меҳнат шароитини, вақтини (тунги смена) ва иқлимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган коэффицентлар ёрдамида кўпайтирилиши ҳам мумкин.

Ишбай иш ҳақи тўлаш ўз навбатида 3 хил шаклда амалга оширилиши мумкин:

1. Оддий ишбай.
2. Топшириқли ишбай.
3. Топшириқли-мукофатли ишбай.

Оддий иш ҳақи учун ишланганда, ишчилар ой давомида ҳар куни бошлиқлари (бригадир, уста, иш юритувчи) томонидан берилган

топшириқларни бажариб борадилар. ой охирида уларга бажарилагн иш турлари бўйича иш ҳақлари ҳисоблаб чиқарилади. Бунда ишчи олдиндан қанча иш ҳақи олишини билмайди, бу фақат ой охирида аниқ бўлади. Ишбай иш ҳақи тўлашнинг иккинчи шаклида эса ишчилар олдиндан бажарилиши лозим бўлиши бўлган иш турлари, уларнинг хажми ва унга тўланадиган иш ҳақи миқдори кўрсатилган топшириқ оладилар. Демак бунда ишчиларга кўрсатилган талаб даражасида бажарсалар қанча иш ҳақи олишлари мумкинлиги олдиндан маълум бўлади.

Топшириқли-мукофатли ишбай иш ҳақи тўлашда эса ишчиларга олдиндан бажарилиши лозим бўлган иш турлари, уларнинг хажми, унга тўланадиган иш ҳақи, бажарилиш муддати ва топшириқ ўз вақтида талаб даражасида бажарилса иш ҳақиға қўшимча қилиб тўланадиган мукофот пули миқдори маълум қилинади.

Юқорида келтирилган усуллардан қурилишда кўпроқ иккинчи шаклни қўллаш, мақсадига мувофиқ. Чунки, 1-шаклда ишчиларни серунум ишлашга жалб қилиш қийин кечса, 3-шакл бўйича меҳнатга ҳақ тўлашга қурилиш ташкилотининг қўшимча маблағ сарфланишига тўғри келади. Бунга ҳамма вақт ҳам имконият топилмаслиги мумкин. Шунинг учун ишбай иш ҳақи тўлашнинг бу шакли ишлаб чиқариш режаларида бажаришга бой бериб қўйилган вақтни қувиб етиш, буюртмачининг истагига мувофиқ қурилишни муддатидан олдинроқ тугатиб фойдаланишга топшириш заруриятлари туғилганда қўлланилади.

Вақтбай иш ҳақи тўлашни ҳам 3 хил шаклда амалага ошириш мумкин:

1. Оддий вақтбай.
2. Топшириқли-мукофотли вақтбай.
3. Асосий иш вақтидан ташқари вақтларда бажарилган ишлар учун вақтбай-мукофотли.

Вақтбай иш ҳақи тўлашнинг энг кўп қўлланиладиган шакли-оддий вақтбай бўлиб, зарур ҳолларда иккинчи ва учинчи шаклларда ҳам фойдаланилади.

Қурилишда меҳнатга ҳақ тўлашда қатор омилларни ва улар асосида келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятларини иборатга олишни унитмаслик даркор. Жумладан ёш ишчиларга, ёш шогирд-ишчиларга, ўқувчи-талаба ёшларга иш ҳақи тўлаш, қурилиш бригадаси бошлиқларига қўшимча ҳақ белгилаш, сифатсиз ёки яроқсиз бажарилган ишларга ҳақ белгилаш шулар жумласидандир.

### **Назорат саволлари:**

1. Шаҳар хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш.
2. Коммунал хизмати вазифалари.
3. Коммунал хизматида меҳнат сарфлари.
4. Қурилишда “меҳнат” тушунчаси, меҳнат турлари ва унинг тақсимооти қандай бўлади?
5. Қурилишда меҳнатга ҳақ тўлаш турларини биласизми?

## **ХII БОБ. КАПИТАЛ ЖАМҒАРМА. КАПИТАЛ ЖАМҒАРМАНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ.**


Асосий капитал (асосий фондлар) – меҳнат воситаларида табиий мужассам бўлган ишлаб чиқариш капиталининг бир қисми, ишлаб чиқаришнинг бир неча даврларида хизмат қилади, охиригача табиий шаклини сақлаб қолади, қийматини амортизация кўринишида моддалар бўйича маҳсулотга ўтказилади, бу амортизация ҳисобидан қайта тикланади ва фирмага маҳсулотни сотиш бўйича қайтарилади (бинолар, иншоотлар, машиналар, дастгоҳлар, асбоблар).

Айланма капитал (айланма фондлар) – меҳнат воситаларида табиий мужассам бўлган ишлаб чиқариш капиталининг бир қисми, бир ишлаб чиқариш даврида хизмат қилади, маҳсулотни сотишга қийматини бутунлай ўтказилади, ҳар бир даврда тикланади ва ҳар бир сотувда фирмага қайтади (хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия).

Табиий эскириш – асосий капитал элементларининг ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилиб келгусида фойдаланиш учун табиий равишда кераксиз бўлиб қолиши жараёни.

Маънавий эскириш – янада арзон ёки янада замонавий ускуна пайдо бўлиши натижасида асосий капиталнинг қадрсизланиши жараёни. ФТИ билан боғлиқ.

Амортизация (лот. *amortisatio* - қоплаш) – асосий фондлар қийматининг улар ёрдамида ишлаб чиқарилувчи маҳсулот ёки хизматга аста-секин ўтиши, пул воситаларини мақсадли тўплаш ва уларни эскирган асосий фондларни қоплаш учун қўллаш.



Асосий фондларни активлар ва пассивларга бўлиниши

*Асосий жамғармаларнинг тузилиши*



**Бошқарув -**  
субъектнинг маълум натижаларга эришиш учун бошқарув объектига бевосита мақсадли таъсири жараёни

**Усуллари** – мақсадга эришиш учун бошқарув субъектларига таъсир этиш усуллари

- иқтисодий (ишлаб чиқаришга оид)
- ташкилий-буйруқли (маъмурий)
- ижтимоий-руҳий (тарбиявий)

**Вазифалар** – бошқарув ишидаги фаолиятнинг махсус турлари

- режалаштириш
- лойиҳалаш
- прогнозлаш
- тартибга солиш
- ташкил этиш
- назорат ва ҳисоб
- ахборот тўплаш ва таҳлил этиш
- мувофиқлаштириш
- рағбатлантириш

**Менежмент, унинг усул ва вазифалари**

**Маркетинг** – айирбошлаш орқали кишилар эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолият тури


**Маркетинг хизматининг вазифалари**



**Маркетинг тамойиллари:**  
«Эҳтиёжларни топинг ва уларни қондиринг»  
«Ишлаб чиқараётганингизни сотишга урингандан кўра, сотиш мумкин бўлган нарсаларни ишлаб чиқаринг»

### Маркетингнинг мақсадлари, вазифалари ва тамойиллари

- Макро - ва микромуҳитни (демографик, сиёсий, иқтисодий, табиий ва ҳ.к.) баҳолаш;
- бозор (харидорлар, товарлар, нархлар, сотувчилар ва ҳ.к.) тавсифини ўрганиш;
- бозорнинг салоҳиятини (имкониятини) ўрганиш;
- бозорни сегментлаш (улуши) таҳлили, бозорнинг мақсадли сегментларини танлаш;
- товар савдоси таҳлили, товарларни тақсимлаш каналларини топиш (яратиш) (воситачилик хизмати);
- рақобатчилар товарларини (хизматларини) ўрганиш (сифат, ассортимент, номенклатура ва ҳ.к.);
- қисқа муддатли прогнозлаш;
- товарлар (хизматлар) ҳаётийлик даврининг ҳисоб-китоби;
- бозорга кириш усуллари ва янги товарни бозорга чиқариш босқичларини ишлаб чиқиш;
- талаб ва таклифни мослаштириш;
- янги (товар, нарх, сервис ва ҳ.к.) дан таъсирланишни баҳолаш;
- узоқ муддатли прогнозлаш;
- давлатнинг нарх сиёсати ва бозорни ўрганиш;
- нарх ҳосил бўлишининг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш;
- сотишни рағбатлантириш (реклама, тарғибот), ахборотни тарқатиш



Тадбиркорлик – ишлаб чиқариш жараёнида унинг омиллари: ер, меҳнат, капитални бирлаштирувчи, билим, ташаббускорлик ва таваккалчилик асосида даромадли ишлаб чиқаришни ташкил этишни назарда тутувчи ишлаб чиқаришнинг махсус омили



### *Тадбиркорликнинг хусусиятлари*

#### Тадбиркорлик объектлари

- \* корхона (фирма)
- \* даромадли иш

(харидорлар)

#### Тадбиркорлик субъектлари

- \* тадбиркор
- \* ишлаб чиқариш омиллари мулкдорлари
- \* менежерлар (бошқарувчилар)
- \* акционерлар
- \* товарларни етказиб берувчилар
- \* давлат
- \* касаба уюшмалари

### *Тадбиркорлик объектлари ва субъектлари*

## Табиркорлик шакллари

**Якка табиркорлик** – бир шахс ва оила мулки

Мулкдор фойдага тўла эгалик қилади, ҳар қандай ўзгаришларни амалга ошириши мумкин, чекланмаган мулккий жавобгарликка эга, капитали катта эмас

**Ҳамкорлик** – ҳар қандай қўйилма, меҳнат тақсимоти ва даромаддаги улуш ҳажми тўғрисидаги шартнома асосида бирлашган икки ва ундан ортиқ кишининг мулки

Уни ташкил этиш, қўшимча воситалар ва янги ғояларни жалб этиш осон, ривожланишда молиявий ресурслар чекланган, ҳар бир қатнашувчининг фирма даромади ёки зарарида улушини аниқлаш мушкул

**Корпорация** – акцияларни чиқариш орқали кўпгина мулкдорларни бирлаштириш

Акция ва облигацияларни сотиш орқали пул капиталини жалб этиш имконияти чекланмаган; бошқарув вазифалари учун мутахассисларни жалб этиш; амал қилиш барқарорлиги

## Табиркорлик турлари, менежмент

**Молиявий табиркорлик** – тижоратнинг бир тури. Бу ерда пуллар, валюта, қимматли қоғозлар олди-сотди объекти ҳисобланади.

**Воситачилик табиркорлиги** – ўзаро манфаатдор томонларнинг бирлаштириш бўйича фаолият.

## Табиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

### ТАДБИРКОРЛИК ТУРЛАРИ

**Ишлаб чиқариш табиркорлиги**  
- товарлар, хизматлар, ахборот, маънавий бойликлар ишлаб чиқариш. Табиркорликнинг бу кўринишида ишлаб чиқариш вазифаси асосий ҳисобланади.

08

**Тижорат табиркорлиги** - товар ва хизматларни қайта сотиш бўйича битимлар ва операция. Табиркорнинг фойдаси товарни харид нархидан юқори нарх бўйича сотиш йўли билан ҳосил қилинади.

**Суғурта тадбиркорлиги** – молиявий тадбиркорликнинг алоҳида шакли шундан иборатки, тадбиркор суғурта тўловини суғурталанган ҳолат келгандагина олади. Тўловларнинг қолган қисми тадбиркорлик даромадини ҳосил қилади.


**Назорат саволлари:**

1. Капитал жамғарманинг моҳияти ва унинг тузилишини биласизми?
2. Асосий капитал деганда нимани тушунасиз?
3. Айланма капитал деганда нимани тушунасиз?
4. Амортизация деганда нимани тушунасиз?
5. Тадбиркорликни шаклларини биласизми?

**ХШ БОБ. НАРХ-НАВО ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА СМЕТА ИШИ.  
ҚУРИЛИШНИНГ СМЕТА НАРХИ.**

**§13.1 Смета қиймати-қурилиш маҳсулоти нархининг кўрсаткичи.**

Юқорида биз қурилиш маҳсулоти нархи ва унинг шаклланиши тўғрисида гап юритдик. Қурилиш маҳсулотининг смета тузимлари. Қурилиш маҳсулотининг смета баҳоси унинг нархини белгилаб беради. Қуйидаги 1-расимда бу яққол кўзга ташланади.



### 13.1-расм. Қурилиш маҳсулоти смета баҳосининг таркиби.

Қурилиш маҳсулотининг таннархи таркибига кирувчи устама сарфлар миқдори пудратчи ташкилотнинг турига қараб Вазирлар Маҳкамасининг 12 март 1992 йилдаги № 126 қарорига мувофиқ бевосита сарфлар миқдорининг 14-22 фоизи атрофида олинади. Масалан, Узжамқурилиш ташкилотларида унинг хажми 22,1%, Алоқа вазирлиги қурилиш ташкилотларида 15,1 % хўжалик усулида олиб бориладиган қурилишларда эса 14,2 % миқдориди олинади. Металл тузилмалар монтажи учун эса устама сарфлар 7,6 % миқдориди олинishi лозим.

Маълумки, ҳар қандай қурилиш ташкилоти фаолияти давомида маълум бир фойда олишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ундан ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, моддий-техника базасини кенгайтириш, рақобатбардош қуриши ишларини амалга ошириш, ишчи - хизматчиларни моддий рағбатлантириш ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Шунинг учун ҳар бир сметада режавий фойда алоҳида кўзда тутилади. Бугунги кунда барча қурилиш ташкилотлари учун режавий фойда маҳсулот таннархининг 18 % миқдориди режалаштирилади.

### **§13.2. Смета хужжатларини тузиш асослари, уларга қўйиладиган талаблар, меъёрлар ва меъёромалардан фойдаланиш тартиби.**

Смета хужжатларини тузиш асослари, уларга қўйиладиган талаб ва қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Меъморчилик ва Қурилиш давлат қўмитасининг № 32 буйруғи (24.04.96) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида корхоналар, бино ва иншоотлар қурилишининг смета баҳосини аниқлаш бўйича услубий тавсияномалар” баён қилинган.

Мазкур хужжатга мувофиқ қурилишнинг смета баҳосини аниқлаш учун қуйидагилар асос қилиб олинади:

-лойиҳа ва иш юритиш ҳужжатлари, шу жумладан ишчи чизмалар, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг қайдномаси, дастгоҳлар ва ички жихозлар қайдномаси, қурилиш навбати ва уни ташкил қилиш бўйича қабул қилинган асосий қарорлар, лойиҳа учун тайёрланган тушунтириш матни;

-мавжуд меъёр ва меъерномалар, дастгоҳлар ва ички жихозларнинг номи ва нархлар тўғрисида маълумотнома;

-давлат бошқарув ташкилотларининг мазкур қурилишга тегишли бўлган қарор ва кўрсатмалари.

Смета ҳужжатларни тузиш Ўзбекистон Республикасида киритилган нархлар асосида амалга оширилади. Нарх наволардаги ўзгаришлар буюртмачи ва бош пудратчи томонидан қурилиш бошланмасдан ва шартномага мувофиқ қурилиш давомида ҳисобга олиб борилади. Бунда ўтиш коэффициентларидан фойдаланилади.

Смета ҳужжатларини тузиш учун «Қурилиш меъёрлари ва қоидалари»нинг 4 қисми асосий меъёрий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Мукаммал қурилиш учун нархлар меъёроманинг 1-50 тўпلامларида, жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари учун нархлар эса 51-70 тўпلامларида келтирилган.

Мазкур меъерномалардан фойдаланишда қурилиш ноҳиясининг қайси бир ҳудудда жойлашганлигини инобатга олиш зарур.

### **§13.3. Смета ҳужжатларини тузиш ва тасдиқлаш тартиби**

Смета ҳужжатлари ҳар қандай қурилишни маблағ билан таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади ва у лойиҳалаш босқичида асосий лойиҳа билан биргаликда тузилади.

Смета ҳужжатларини тузиш бир неча босқичда амалга оширилади. Дастлаб асосий қурилиш-монтаж ишларига, сантехника ва электромонтаж ишларига ҳамда бошқа махсус ишларга бир неча локал сметалар тузилади, уларга материаллар сарфи алоҳида илова қилинади. Локал сметалар форма 4

кўринишида тузилиши керак. Сўнгра форма 3 кўринишида қурилиш объектининг смета ҳисоби (объект сметаси) тузилади. Бу тузилган сметалар қурилиш нархини белгилаб берувчи Форма 1 кўринишидаги “Қурилишнинг умумий сметаси”ни тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тузилган сметалар қуйидаги тартибда имзоланиши ва тасдиқланиши зарур:


Локал сметалар -тузувчи, текширувчи томонидан;

Объект сметаси - тузувчи, текширувчи, бўлим бошлиғи, лойиҳанинг бош муҳандиси (ГИП) томонидан;



Қурилишнинг умумий сметаси-бўлим бошлиғи, лойиҳанинг бош муҳандиси, лойиҳалаш ташкилотининг раҳбари ва буюртмачи томонидан.

Ҳар бир қурилиш учун тузилган лойиҳа-смета ҳужжатлари давлат экспертизасидан ўтказилиши шарт. Экспертизадан ўтган смета ҳужжатлари иш юритиш учун қабул қилинади.

### Товар хусусиятларининг нархга таъсири



### Нархга таъсир қилувчи омиллар



**Е нукта – нарх мувозанати нуқтаси**

А) мувозанат нархидан юқори нархларда ( $P_3$ )да - талаб таклифдан **AB** кесими микдорига ортиқ бўлади (бозорда товарлар ортиқчилиги).

Б) мувозанат нархидан паст нархларда ( $P_1$ )да - таклиф талабдан **MN** кесими микдорига ортиқ бўлади (бозорда товар етишмаслиги).

Бозор нархи  $D$  ва  $S$  эгри чизиқлари кесишган нуқтада ҳосил бўлади. Бу нуқта харидор ва сотувчини тенг қониктиради. Бу бўйича қуйидаги бозор нархлари шаклланиши амал қилади.

**Нарх талаб ва таклиф тенг ҳолатдаги даражага интилади**

D нинг S дан ортиши - мувозанат нархининг ўсиши

D ва S нинг бир вақтда ўсиши – мувозанат сотув ҳажминин ошишини келтириб чиқаради

S нинг D дан ортиши – мувозанат нархининг тушиши

D ва S бир хил ўзгарса – мувозанат нархи ўзгармайди

### **Назорат саволлари:**

1. Смета қиймати-қурилиш маҳсулоти нархининг кўрсаткичини биласизми?
2. Смета хужжатларини тузиш асослари деганда нимани тушунасиз?
3. Смета хужжатларини тузиш учун «Қурилиш меъёрлари ва қоидалари»нинг нечанчи қисми асосий меъёрий хужжат бўлиб хизмат қилади?
4. Смета хужжатларини тузиш ва тасдиқлаш тартибини биласизми?

## **XIV БОБ. АСОСИЙ ФОНДЛАР. АСОСИЙ ФОНДЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТАРКИБИ.**

### **§14.1 Қурилишдаги фондлар тўғрисида тушунча. Асосий фондлар таркиби ва уларни ташкил қилиш манбалари.**

Қурилишни ташкил қилиш ва олиб бориш учун, қурилиш ташкилотини фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган барча материал-техник ресурслар, пул маблағлари, бино ва иншоотлар, асбоб-ускуналари ва бошқалар қурилиш фондларини ташкил қилади.

Улар 2 гуруҳга бўлинади.

1. Асосий фондлар.
2. Айланма фондлар.

Қурилишдаги асосий фондлар деганда – нафақат қурилиш ишлаб чиқаришида, балки ундан ташқарида, лекин қурилиш ташкилотининг бирор бир мақсадли йўналишда фойдаланиладиган машина-механизмлар, жиҳозлар, бино ва иншоотлар, нархи қиммат турувчи асбоб ускуналар ва транспорт воситалари тушунилади. Улар қурилиш ташкилотининг бошқарув, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнларида узоқ муддат хизмат қилиб, яратилган маҳсулот таннархига ўзининг қийматини аста-секинлиб билан ўтказиб боради.

Асосий фондлар қурилишда ўзининг ўзаро давр ва кўп марта фойдаланилиниши, бунда ўзининг шаклини ҳам, номини ҳам ўзгартирмаслиги ҳамда ўз нархини аста секин оз-оздан яратилаётган қурилиш маҳсулотига ўтказиб бориши билан характерланади. Масалан, қурилиш ташкилотига 10 миллион сўм турадиган автомобиль крани сотиб олинди, дейлик. У қурилиш ташкилотининг асосий фонди таркибига киради. Бу крандан узоқ йиллар ўнлаб, юзлаб қурилиш (объект)ларида фойдаланилади. Бу крандан қанча кўп фойдаланилмасин у ўзининг номини ҳам, шаклини ҳам ўзгартирмайди. Кранни сотиб олиш учун кетган маблағ сарфи эса ундан фойдаланиш ва краннинг эскириш даражасига қараб яратилаётган қурилиш маҳсулотлари нархига оз-оздан қўшиб бориш йўли билан қопланади.


14.1- расмда қурилишдаги асосий фондлар таркиби акс эттирилган.

Асосий фондлардан қурилишда узоқ муддатда фойдаланилгани учун вақт ўтиши билан уларнинг ишга яроқли даражаси, фойдали иш коэффициентлари пасаяди. Бу асосий фондларнинг эскириши ёки ишга яроқсизланиши деб юритилади. Уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Физик эскириш.
2. Маънавий эскириш.

Физик эскириш деганда асосий фондларнинг бузилиши, синиши, емирилиши оқибатида уларнинг сафдан чиқиб бориш жараёни тушунилади. Маънавий эскириш эса уларнинг замон талабларига жавоб бермай қўйиши,

улардан фойдаланишнинг иқтисодий томондан мақсадга мувофиқ бўлмай қолишидир. Масалан, юқорида айтиб ўтилган автомобиль крани йиллар ўтиши билан айрим қисмлари емирилади, синади, эскиради ва х.к. Уни жорий ва мукамал таъмирлаб, фойдаланиш даврини узайтириш мумкин.



14.1-расм. Курилишдаги асосий фондлар таркиби

Лекин шунда ҳам йиллар ўтган сари уни ишга яроқли даражаси пасайиб секин аста сафдан чиқа бошлайди. Бу физик эскириш дейилади. Курилиш ташкилоти мазкур автомобиль кранни деярли ишлатмасдан сақлаб қўйди дейлик. Бунда у бир неча 10 йилда ҳам деярли янги ҳолатда туриши мумкин. Чунки жуда кам ишлатилагнлиги учун унда физик емирилиш жуда оз миқдорда бўлади. Лекин энди у замон талабларига ўзининг техник кўрсаткичлари билан иш унумдорлиги билан жавоб бермай қўйиши мумкин. Чунки бу даврга келиб янги техника, технология илгарилаб кетган бўлиши, тузилмалар ҳам, биноларнинг ҳажмий-тарихий ечимлари ҳам тубдан ўзгарган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда маънавий эскириб қолган автомобиль

кранидан умуман фойдаланиб бўлмай қолади ёки ундан фойдаланиш иқтисодий томондан, мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Давлат тасарруфидаги қурилиш ташкилотларида асосий фондлар давлат томонидан уларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш учун ажратиладиган капитал сармоялар ҳисобига яратилади ва сафлари тўлдириб борилади. Бошқа мулкчилик шаклдаги қурилиш ташкилотларида эса бу асосан ўзларининг маблағлари ҳисобга, банклардан олинган кредитлар, молиявий компанияларнинг лизинг хизматлари ҳисобига амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, қурилиш ташкилотларидаги асосий фондлар уларнинг устав фондини ҳисоблаш ва аниқлашда асос бўлиб хизмат қилади.

Қурилиш ишлаб чиқариш асосий фондларини қуйидаги элементлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Бино ва иншоотлар, турли бўлимлар ва хизматларни жойлаштиришга хизмат қилувчи ишлаб чиқариш бинолари, назорат қоровуллаш будкалари, конлар, ёрдамчи ишлаб чиқариш бинолари, омборхоналар;

2. Техник функцияларни бажаришга мўлжалланган, меҳнат ўзгариши билан боғлиқ бўлмаган иншоотлар. Булар қаторига кўприклар, эстакадалар, галереялар, хўжалик ичидаги қурилишлар, темир қурилишлар, осма қурилишлар, ҳар хил омборлар;

3. Узатиш қурилмалари – трансформатор подстанциялари, кабеллари, электр линиялари;

4. Машина ва ускуналар, саноат ишлаб чиқариш асосий фондларининг энг муҳим қисми бўлиб, улар қаторига иссиқлик энергияси, электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган куч машиналари ва ускуналар, ҳар хил двигателлар ва энергияни бир турдан бошқасига ўзгартирувчи ускуналар, ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бажаришда бевосита иштирок этувчи ишчи машиналар ва ускуналар, ўлчов асбоблари, лаборатория анжомлари, ҳисоблаш техникалари киради;

5. Транспорт воситалари – кранлар, юк автомобиллари, тиркамалар, шатакчи автомобиллар, мотовозлар, темир қурилиш платформалари ва бошқалар;

6. Ишлаб чиқариш жараёнида қўл меҳнатини механизациялаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган, хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари.

Юқорида санаб ўтилган барча саноат ишлаб чиқариш асосий фондларини актив ва пассив қисмларга ажратиш мумкин. Асосий фондларнинг актив қисмига, яъни меҳнат воситаларига ишчи машиналар ва ускуналар, транспорт воситалари, асбоб-анжомлар ва ишлаб чиқариш инвентарлари киради. Асосий фондларнинг бу қисми ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этиб, ишлаб чиқариш миқёсларини аниқлайди. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг пассив қисмига ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайдиган, лекин ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий шароитни вужудга келтиришга хизмат қиладиган элементлар киради (бинолар, иншоотлар, узатиш қурилмалари ва ҳ.к.).

Асосий фондларни ҳисобга олиш ва режалаштириш натурал ва пул кўринишида амалга оширилади.

Пул кўринишида ифодаланган асосий фондлар асосий маблағлар, деб аталади. Асосий ишлаб чиқариш фондларини пул ўлчамида ифодалаш уларнинг структураси ва динамикаси ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг алоҳида қиймат элементларининг миқдорий салмоғи унинг структурасини белгилайди. Конкрет Қурилиш монтаж ишларида асосий ишлаб чиқариш фондаларининг структураси, қурилиш ташкилотининг қуввати, ишлаб чиқариш базасининг ҳудудий концентрациялашуви, бир вақтда қурилаётган объектларнинг, сони, қурилиш майдонининг ўлчами, ишлаб чиқариш дастурининг структураси каби бир қатор муҳим омиллар асосида аниқланади.

Асосий фондларнинг қайта тикланишини режалаштириш ва амортизация ажратмаларининг миқдорини аниқлаш учун асосий фондларнинг тўғри баҳоланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Асосий фондларнинг баҳоланиши қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

-уларнинг дастлабки нархлари бўйича, яъни асосий фондларни сотиб олиш ёки қуришга амалда сарфланган харажатлар бўйича;

-тикланиш қиймати бўйича, яъни замонавий шароитда қайта тиклашга бўладиган харажат бўйича.

Эскиришни ҳисобга олган ҳолда асосий фондларни тикланиш нархи бўйича баҳолаш мавжуд фондлар ҳақида объектив маълумотга эга бўлиш ва амортизация ажратмаларининг энг тўғри ҳисобланишига имконият яратади. Лекин, бу усул вақти-вақти билан қайта ҳисобга олиш ва қайта баҳолашлар ўтказиб турилишини талаб қилади, бу эса одатда ортиқча меҳнат сарфи билан боғлиқ.

Асосий фондларни ҳисоблашда қиймат кўрсаткичларининг қўлланилиши асосий ишлаб чиқариш фондларининг аҳволи ва динамикаси тўғрисида тармоқ ва алоҳида ташкилотлар бўйича умумлашган характеристика олишга имкон беради.

Асосий ишлаб чиқариш фондларни тасвирлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

-асосий фондларнинг эскирганлик коэффициенти; эскирганлик қийматининг асосий фондларнинг йил охиридаги қийматига нисбати тариқасида аниқланади. Эскириш суммаси тасдиқланган меъёрларга мувофиқ равишда олинади.

-асосий фондларнинг эскириши бир йилда бир марта инвентарь объектларнинг ҳисобот даври охирига бўлган баланс қийматларини тасдиқланган йиллик эскириш меъёрларига кўпайтириш орқали ҳисобланади. Ҳосил бўлган эскириш суммасини аввалги йилнинг охирига бўлган эскириш суммасига қўшилади.

-машиналар нархининг ёши структураси коэффиценти – амортизация хизмати муддати тугамаган машиналар сонини, машиналарнинг умумий сонига бўлиб топилади.

Қурилиш монтаж ишлари асосий ишлаб чиқариш фондларининг динамикасини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:

-Асосий фондларнинг ўсиш коэффиценти. Бу коэффицент йил давомида янги олинган асосий фондлар қийматининг, ҳисобот даври охиридаги фондлар қийматига (ҳисобдан чиқарилган фондлар қийматидан ташқари) нисбати сифатида аниқланади.

-Асосий фондларнинг ҳисобдан чиқиш коэффиценти йил мобайнида ҳисобдан чиқарилган асосий фондларнинг тўлиқ дастлабки қийматларини, ҳисобот даври бошланишига бўлган асосий фондлар тўлиқ дастлабки қийматига нисбати сифатида аниқланди.

-Асосий фондларнинг янгиланиш коэффиценти янгидан олинган асосий фондлар қийматининг ҳисобот даври охирига бўлган асосий фондларнинг тўлиқ қийматига нисбатидан иборат.

Асосий фондларнинг эскирганлик коэффиценти, машиналар нархининг ёши бўйича структураси асосий фондларнинг янгиланиш коэффиценти барча асосий фондлар миқёсида ва алоҳида олинган қурилиш машиналари ва механизмлар миқёсида ҳисобланади. Кўрсаткичларнинг конкрет қийматлари биринчи навбатда қурилиш монтаж ишлари ишлаб чиқариш базасига капитал маблағлар режасининг бажарилишига, янги асосий фондларнинг ишга тушириш режасининг бажарилишига ҳамда асосий фондларни капитал таъмирлаш режасига боғлиқ бўлади.

Қурилиш монтаж ишларининг асосий ишлаб чиқариш фондларига бўладиган эҳтиёжлари *натурал* ва *қиймат* кўрсаткичлари орқали ифодаланиши мумкин.

Натурал кўрсаткичларда ифодаланган эҳтиёжлар барча ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлардаги умумий бажариладиган ишлар ҳажми асосий машиналар ва ускуналарнинг турлари бўйича директив меъёрлар асосида

аниқланади. Натурал кўрсаткичлар ишларни механизациялаштириш, техникаларни тасарруф этиш ва таъмир-режаларини ишлаб чиқишда қўлланилади. Аммо улар қурилиш монтаж ишларининг асосий ишлаб чиқариш фондларига эҳтиёжларини умумлаштирган ҳолда режалаштиришга ўзларининг конкрет буюмлашган кўринишлари туфайли бироз ноқулайдир. Шу сабабли натурал кўрсаткичларни қўллаш алоҳида машина турлари ва ускуналаридан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш билан чегараланиб, тегишли ишлаш меъёрлари мавжудлиги сабабли ишлатилади.

Қурилиш монтаж ишларининг асосий ишлаб чиқариш фондларига эҳтиёжлари *қиймат* кўрсаткичларида ифодаланганда, фондлар умумлашган қийматда ва алоҳида элементларга ажратилган кўринишда берилади.

Қурилиш монтаж ишларининг асосий ишлаб чиқариш фондларига эҳтиёжи мутлақ ва нисбий бўлади. Мутлақ эҳтиёж тегишли ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун барча фондлар ва уларнинг элементлари қийматида ифодаланади, нисбий эҳтиёж эса солиштирма фонд сиғимдорлиги коэффициентларида ўз ифодасини топади (умумий ва хусусий).

Умумий солиштирма фонд сиғимдорлиги коэффициенти асосий ишлаб чиқариш фондлари йиллик ўртача қийматини йиллик маҳсулот қийматига бўлиш орқали аниқланади (қурилиш ишларида–корхонанинг ўз кучи билан бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмига; қурилишларни тасарруф этишда – хўжалик усулида қурилишларни таъмирлаш ва яроқли ҳолатда ушлаб туриш бўйича бажарилган йиллик ишлар ҳажмига).

Хусусий солиштирма фонд сиғимдорлиги коэффициенти асосий ишлаб чиқариш фондларининг элементлари бўйича улар йиллик ўртача қийматларини йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига бўлиб аниқланади. Асосий ишлаб чиқариш фондларига бўладиган нисбий эҳтиёжига таъсир этувчи омиллар кўп бўлганлиги сабабли, солиштирма фонд сиғимдорлиги коэффициентлари келажак давр учун ҳар қайси қурилиш ташкилоти учун бажариладиган ишларнинг аниқ структурасини, асосий фондлардан фойдаланишнинг амалда эришилган савиясини ва режалаштирилаётган

фондлар билан қуролланганлик ҳамда меҳнат унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда индивидуал қийматларига эга бўлиши керак.

### **Назорат саволлари:**

1. Қурилишдаги фондлар тўғрисида нималарни биласиз?
2. Қурилишдаги асосий фондлар деганда нимани тушунасиз?
3. Қурилиш ишлаб чиқариш асосий фондларини қандай элементлар бўйича таснифлаш мумкин?
4. Асосий фондларни ҳисобга олиш ва режалаштириш қандай кўринишда амалга оширилади?


## **XV БОБ. АЙЛАНМА ФОНДЛАР. АЙЛАНМА ВОСИТАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ.**

### **§15.1 Айланма фондлар таркиби ва уларни ташкил қилиш манбалари.**

Қурилишдаги фондларнинг иккинчи бир гуруҳини айланма фондлар ташкил қилади. Айланма фондлар ўзларининг қурилишида фақат бир марта ишлатилиши ва бунда ўзининг номини ҳам, шаклини ҳам, ҳолатини ҳам ўзгартириши билан характерланади. Бундан ташқари улар ўзларининг қийматини бир тўла тўлагича қурилиш маҳсулоти нархига ўтказилади.

Масалан: Қурилишга келтирилган ғиштни олайлик. У ишлатилмасдан олдин 250·120·65 мм ўлчамга эга бўлган дона бай материал эди. Уларни қурилишда ишлатилиб девор, пардевор, цокол, парапет ва бошқа тузилмалар ҳосил қилинади, яъни уларнинг номи ўзгаради, биз энди уларни ғишт дея олмаймиз. Улар ишлатгунча кичик ўлчамли донабай материал бўлган бўлса, эндиликда улардан катта ўлчамдаги, хажмдаги ёки катта юза (сирт)ли тузилмалар барпо этилди. Қурилишда ишлатилган ғишtlарнинг нархи юз фоиз шу қурилиш объект нархига қўшилади. Шунинг учун барча қурилиш материаллари қаторида ғишт ҳам айланма фонд ҳисобланади.

Айланма фондлар таркибига барча асосий қурилиш материаллари ва тузилмаларидан ташқари, ёрдамчи материаллар, нархи қиммат бўлмаган асбоб ускуналар, меҳнат қуроллари, қурилиши тугалланмаган шахбалар, нақ пул маблағи, банклардаги махсус ҳисоб рақамларида сақланаётган пул маблағлари ва бошқалар киради.



15.1-Расм. Қурилишдаги айланма фондлар таркиби.

Асосий фондлардан фарқли улароқ қурилишдаги айланма фондлар доимо ҳаракатда бўлади, улар:

- айланма ишлаб чиқариш фондидан-муомаладаги;
- айланма фондларга ёки аксинча муомаладаги;
- айланма фонддан-ишлаб чиқаришдаги айлама фондга ўтиб айланиб юради. Биз уларнинг айланиши, деб юритилади.

Қурилиш ташкилотларидаги айланма фондлар ҳажми уларнинг ишлаб чиқариш режалари асосида қурилиш ишлаб чиқаришини узлуксиз, ритмик ташкил қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириш ва қурилиш шахбаларини ўз вақтида ишга фойдаланишга топширишни ҳисобга олган ҳолда аниқланади ва режалаштирилади.

Айланма фондларни ташкил қилиш манбалари бўлиб қурилиш ташкилотларининг ўз маблағлари, банклардан олинган кредитлар, бошқа

ташкilot ва корхоналарнинг қурилишга жалб қилинган айланма фондлари, буюртмачининг маблағлари ва шунга ўхшаш бошқа маблағлар хизмат қилиши мумкин.

Айланма фондлар 2 соҳада бўлади:

- ишлаб чиқариш соҳаси;
- муомала соҳаси.

Айланма маблағларнинг меъёрлаш – бу моддий ва молиявий ресурсларни бошқаришнинг ажралмас жараёни. Меъёрларни айланма маблағларнинг алоҳида унсурлари бўйича аниқланади:

- асосий материаллар, конструкциялар, деталлар бўйича.
- ёрдамчи материаллар бўйича,
- арзон ва тез эскирувчи буюмлар бўйича,
- келгуси даврлар харажати бўйича.

Айланма маблағларнинг қиймати қуйидаги тарзда аниқланади, олдин ресурсларнинг бир кунлик сарфи қиймати аниқланади, кейин уларнинг кунлик захираси меъёрига кўпайтирилади. Умумий меъёрда захираларнинг ҳамма турлари инобатга олинади: жорий, жойлаш, суғурта, транспорт, ва х.к.

## **§15.2. Қурилиш монтаж ташкilotларида айланма маблағлар ва капиталнинг иқтисодий хусусиятлари ва вазифалари**

Айланма маблағлар иқтисодий категория сифатида кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайдилар ва икки хил – ишлаб чиқариш айланма фондлари ва муомала фондлари кўринишида бўлади. Ишлаб чиқаришнинг айланма фондлари битта ишлаб чиқариш циклида иштирок этиб, ўзининг буюм кўринишини ўзгартиради ва ўз қийматларини тайёрлаган маҳсулот қийматига тўлиқ ўтказди.

Муомала маблағлари (ҳисоб-китоблардаги маблағлар, кассадаги ва счетлардаги пул маблағлари) тўхтовсиз равишда доимо айланма фондларнинг товар кўринишидаги пул кўринишига, пул кўринишидаги товар

кўринишига айланиб туришларини, яъни қайта ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайдилар.

Айланма маблағлар ҳаракати ҳисоби бутун тармоқлар ва алоҳида корхоналар бўйича олиб борилади. Айланма маблағларни қуйидаги элементлар бўйича тақсимланишини кўзда тутади: товар-материал бойликлар, жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар, пул маблағлари, дебиторлар, бошқа айланма маблағлар.

Ўз навбатида, товар-материал бойликлар ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари, тайёр маҳсулот, товарлар ва ҳоказолардан ташкил топади.

Айланма маблағларнинг доимий равишда ишлаб чиқариш сферасидан муомала сферасига, сўнгра яна ишлаб чиқариш сферасига ўтиб туриши, маблағларнинг айланиши, деб номланадиган иқтисодий жараённи характерлайди. Айланиш тезлиги қанчалик юқори бўлса, қурилиш монтаж ташкилотларида ишлаб чиқариш жараёнини нормал кечишлиги учун шунчалик камроқ маблағ керак бўлади.

Қурилиш хўжаликлари айланма маблағларининг таркиби умумий иқтисодиётдаги айланма маблағлар таркиби билан деярли бир хил, лекин қурилиш хўжаликларининг вазифалари ва фаолиятларига боғлиқ бўлган ўз хусусиятларига эга.

Қурилиш хўжаликлари уч хил турдаги фаолият бўйича характерланадилар: пудрат қурилиши, жорий таъмирлаш, саноат ишлаб чиқариши. Ҳар қайси фаолият тури бўйича айланма маблағларни баланс моддалари бўйича ягона усулда гуруҳлаштирилади.

#### **I. Ишлаб чиқариш айланма фондлари.**

**A.** Ишлаб чиқариш захиралари (асосий материаллар, конструкциялар ва деталлар, кам баҳоли ва тез эскирувчи предметлар, бошқа материаллар ва ёнилғи).

**B.** Ишлаб чиқаришдаги маблағлар (тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари).

## II. Муомала фондлари.

А. Тайёр маҳсулот;

Б. Пул маблағлари;

В. Ҳисоб-китоблардаги маблағлар.

Асосий материаллар, конструкциялар, деталлар (шебень, шағал, қум, ғишт, йиғма конструкциялар, қурилиш ва архитектура деталлари) ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг буюмлашган асосини ташкил қилади. Кам баҳоли ва тез эскирувчи предметларга хўжалик инвентарлари, хизмат муддати бир йилгача баҳоси паст бўлган асбоб-ускуналар киради.

Бошқа материаллар ва ёнилғи қурилиш маҳсулоти таркибига буюм сифатида кирмайди.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш – бу буюртмачига топширилмаган ва ҳақи тўланмаган, тугалланмаган қурилиш маҳсулоти ёки қурилиш-монтаж ишларидир. Тугалланмаган ишлаб чиқариш қурилиш монтаж ишларининг балансида ҳисобга олинади.

Келгуси давр харажатлари ишлаб чиқаришга бирданига қилинадиган, лекин маҳсулот ёки бажарилган ишлар таннархига аста-секин маълум қисмларда ўтказиладиган харажатлардир. Бу харажатларнинг асосий мақсад вазифаси олдинда кутилаётган ишлаб чиқариш жараёнига тайёргарчиликдан иборат. Қурилиш хўжаликларида келгуси давр харажатларига қуйидагилар киради:

- титулда ҳисобга олинмаган вақтинчалик иншоотлар ва мосламаларга бўладиган харажатлар;
- машиналарни тасарруф этиш қийматларига кирувчи - уларни қурилиш майдонига етказиб келиш ва жойида монтаж қилишга бирданига бўладиган харажатлар.

Қурилиш монтаж ташкилотларида тайёр маҳсулот фақат саноат ишлаб чиқаришидагина ҳисобга олинади ва қурилиш ҳамда тасарруф фаолиятларида у деярли йўқ, чунки буюртмачи учун тайёрланган маҳсулот

тўпланиб қолмайди, омборхонада сақланмайди ва дарҳол ишлатила бошлайди.

Буюртмачилар билан ҳисоб-китоблардаги маблағлар бу қурилиш монтаж ишлари томонидан бажарилган ишлар учун тақдим этилган счетлардаги, лекин ҳали тўлов муддати етиб келмаган маблағлардир.

### **§15.3. Айланма маблағларни меъёрлаштириш ва режалаштириш**

Айланма маблағларни режалаштириш қуйидагиларни кўзда тутаяди: айланма маблағларнинг алоҳида элементлари бўйича меъёрларни ҳисоблаш (кун, фоиз);

тегишли элементлар бўйича бир кунлик айланиш схемасини аниқлаш (пул кўринишида);

пул кўринишида корхонанинг ўзига тегишли айланма маблағлар нормативларини аниқлаш (сўм);

корхонанинг ўз айланма маблағлари бўйича белгиланган нормативларни қоплаш манбаларини аниқлаш.

Маблағларни лимитлаштириш нуқтаи назаридан олганда меъёрланадиган ва меъёрланмайдиган айланма маблағлар мавжуд. Меъёрланувчи айланма маблағларга ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари ва буюртмачиларга бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоблардаги маблағлар киради.

Меъёрланмайдиганларга барча турдаги дебиторлик қарзлари: буюртмачилар учун бажарилган, лекин ўз вақтида тўланмаган ҳисоб-китобдаги маблағлар, жўнатилган товарлар ва кўрсатилган ҳизматлар ва бошқалар учун ҳақлар киради. Бу маблағларнинг миқдори оператив равишда аниқланади.

Меъёрлаштириш - айланма маблағларни ташкил этиш ва улардан фойдаланишни назорат этишнинг муҳим воситасидир. Меъёрлаштиришнинг

тўғри ташкил этилиши курилишни зарур ресурслар билан таъминлаш ва улардан рационал фойдаланиш шароитини яратади.

Айланма маблағларни меъёрлаштириш - бу ҳар бир пудратчи ташкилот бўйича уларнинг зарурий минимал миқдорини тўлиғича ва алоҳида элементлари бўйича белгилашдир.

Курилиш фаолияти бўйича айланма маблағларнинг миқдори давлат пудрат ташкилотларида айланма маблағларни меъёрлаштириш тўғрисидаги инструкцияга мувофиқ равишда белгиланади.

Белгиланган норматив эҳтиёжи чегарасида корхоналар ўзларига тегишли бўлган айланма маблағлар билан таъминланадилар.

Курилиш ташкилотида ўзига қарашли айланма маблағларнинг пул кўринишидаги нормативи режалаштирилаётган давр охирида ҳисобланади, нормативга нисбатан асосланган тарзда бўладиган барча оғишлар қарз маблағлар ҳисобига қопланади.

Пудратчи курилиш ёки тасарруф ташкилоти учун керак бўладиган айланма маблағларнинг миқдори конкрет шароитга - ишлар ҳажми ва структураси, материаллар сарфи, меҳнат сарфи, таъминот характери ва комплектлаш, буюртмачилар билан ҳисоб-китоб қилиш шартларига боғлиқ бўлади. Шу сабабли айланма маблағларни режалаштириш ва меъёрлаштириш моддий-товар бойликлари структурасининг ҳар бир ташкил этувчи бўйича алоҳида амалга оширилади.

Меъёрлаштиришнинг асосида курилиш монтаж ишлари бўлимларининг конкрет иш шароитларини ҳисобга олувчи айланма маблағлар меъёрларини ишлаб чиқиш зарур. Моддий бойликлар ва харажатларнинг баъзи турлари бўйича айланма маблағларининг ҳар қайси элементи бўйича меъёрлар тўғридан-тўғри ҳисоб-китоб қилиш услуги ёрдамида ишлаб чиқилади. Меъёрларни ишлаб чиқишда, айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи, материаллар ва меҳнат харажатларини камайтирувчи, моддий-техника таъминотини яхшиловчи, буюртмачилар ва етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни мукамаллаштирувчи,

хужжатлар айланишини тезлаштирувчи, ташкилий-техникавий тадбирлар ҳисобга олиниши керак. Бир хил иш профилига эга бўлган қурилиш қурилиш ташкилотлари учун, яъни таъминот ва бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоблари ўхшаш ташкилотлар учун, юқори ташкилот айланма маблағлар элементлари бўйича типик меъёрлар ишлаб чиқиши мумкин. Меъёрлар қатор йиллар мобайнида амал қилиб, вақти-вақти билан технологиянинг ўзгариши ва қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш, уларнинг структураси ва характери, моддий-техника таъминоти режалари, бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоблар тизими ва бошқа режа кўрсаткичларида ўзгаришлар содир бўлган ҳолатларда қайта кўриб чиқилади ва аниқлаштирилади.

Айланма маблағларнинг элементлари бўйича тасдиқланган меъёрлар асосида қурилиш қурилиш ташкилотининг молиявий ходимлари ҳар йили жорий режани тузишда корхонага тегишли айланма маблағлар нормативини, йиллик режа кўрсаткичларига асосланиб, пул кўринишида аниқлаб чиқадилар.

Айланма маблағларнинг пул кўринишида ифодаланган нормативи  $H$  режа бўйича бир кунлик реестерлар харажатини (масалан, асосий материаллар) заҳира кунларининг умумий меъёрига харажат миқдори эса йиллик ресурслар истеъмол ҳажмини йилдаги кунлар сонига бўлиб топилади:

$$H = \frac{M}{365} \cdot H_n$$

бу ерда,

$M$ -материаллар истеъмолининг йиллик ҳажми, млн.сўм;

$H_n$ -заҳира кунлари сони, кун

### **Назорат саволлари:**

1. Айланма фондлар таркиби ва уларни ташкил қилиш манбаларини биласизми?
2. Қурилишдаги айланма фондлар деганда нимани тушунасиз?
3. Айланма фондларни ташкил қилиш манбаларини биласизми?
4. Айланма фондлар қандай соҳаларда бўлади?

5. Қурилиш монтаж ташкилотларида айланма маблағлар ва капиталнинг иқтисодий хусусиятлари ва вазифалари нималардан иборат?

6. Айланма маблағларни меъёрлаштириш ва режалаштириш қандай амалга оширилади?

## **XVI БОБ. ҚУРИЛИШ – МОНТАЖ ИШЛАРИНИНГ (ҚМИ) ТАННАРХИ ВА СМЕТА НАРХИ.**

### **§16.1. Асосий тушунчалар**

Объект, смета, машина, механизм, жамғариш, накладной, энергетик, монтаж.

Смета тушунчаси ва унинг тўғри харажатлар, объектнинг смета молиявий ҳисоби тўғрисида маълумот.

Смета – монтаж ишларининг смета қийматини аниқлаш учун маҳаллий смета тузилади, яъни умумқурилиш ва махсуслаштирилган ишларга смета тузилади

Бинонинг смета қиймати тўғри харажатлар ва режим жамғармалардан ташкил топади.

Тўғри харажатлар – бу бевосита смета – монтаж ишларини бажариш учун зарур бўлган харажатлар.

*Объектнинг смета молиявий ҳисоби маълумоти  
таркиби*

- ҳудуддаги тайёргарлик ишлари
- асосий вазифали объект
- энергетик хўжалик объектлари
- транспорт хўжалик объектлари
- ташқи муҳандислик объектлари

- вақтинчалик бино ва иншоотлар
- ҳудудни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш

Бинонинг смета қиймати тўғри харажатлар ва режим жамғармалардан ташкил топади.

Тўғри харажатлар – бу бевосита смета-монтаж ишларини (СМИ) бажариш учун зарур бўлган харажатлар.

Улар қуйидагилардан ташкил топади:

- материалларга харажат,
- машина ва механизмлардан фойдаланишга харажат,
- ишчиларга иш ҳаққига харажат.

Материалларга кетадиган харажатлар нархнома ва прејскурант бўйича аниқланади. Машина ва механизмлардан фойдаланишга кетадиган харажатлар ҳам нархномада аниқланади.

Иш ҳаққига кетадиган харажатлар “умумий меъёр ва баҳолаш” (УМваБ) бўйича аниқланади. Қўшимча хужжатлар (харажатлар эмасми) қурилиш монтаж ишларини ташкил қилиш учун зарур ва қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- маъмурий-хўжалик харажатлари, канцелярия, командировка харажатлари, хизматчиларга иш ҳаққи.
- техник хавфсизлиги бўйича тадбирларни ташкиллаштиришга кетадиган харажатлар (ўтиш кўприкчаси, қўшимча ёритиш ва ш.к.).
- қурилишни ташкил қилишга кетадиган харажатлар,
- ишчиларга хизмат кўрсатиш учун кетадиган харажатлар (автобус билан ишга ва ишдан олиб кетиш, иссиқ тушлик етказиш ва х.к.)
- бошқа накладной харажатлар.

Накладной харажатлар тўғри харажатлардан фоизларда аниқланади. Фоиз миқдори иш тури ва бош пудратчига боғлиқ равишда қабул қилинади.

Режали жамғариш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун зарур ва тўғри ва накладной харажатлар йиғиндисидан фоизларда аниқланади.

Смета-монтаж ишларининг смета қийматини аниқлаш учун маҳаллий смета тузилади, яъни умумқурилиш ва махсулаштирилган ишларга смета харажатлар маълумоти маҳаллий сметалар бўйича ишларнинг смета қийматини аниқлайди ва бино бўйича барча қурилиш-монтаж ишларининг жами смета қиймати аниқланади.

Объектнинг смета-молиявий ҳисоб маълумотининг таркиби (СМХМ).

СМХМда қурилиш-монтаж ишларига кетадиган харажатлар; монтаж ишларига, қурилма қийматига, бошқа харажатлар аниқланади.

СМХМ 2 қисмга бўлинади:

I-қисм қуйидаги боблардан таркиб топган:

1. худуддаги тайёргарлик ишлари
2. асосий вазифали объект
3. ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи вазифанинг объектлари
4. энергетик хўжалиги объектлари
5. транспорт хўжалиги объектлари
6. ташқи муҳандислик объектлари
7. худудни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш
8. вақтинчалик бино ва иншоотлар
9. бошқа иш ва харажатлар

II-қисм қуйидаги боблардан тузилган:

10. Корхона қурувчи дерекцияни сақлаш ва муаллифлик назорати
11. Ишга солувчи ходимларни тайёрлаш
12. Лойиҳа қидирувчи ишлар

Қурилиш жараёнида қутилмаган ишлар ва харажатлар келиб чиқади. Уларни компенциялаш уни СМХМ да умумий смета қийматида 3-10 % маблағ заҳираси (резерви) олдиндан назарга олиб қўйилади.

## **§16.2. Фойда ва рентабеллик ҳақида тушунча.**

Ҳар қандай қурилиш ташкилоти ўз фаолиятини фойда кўриш ва юқори рентабелликка эришишга алоҳида эътибор қаратади. Айниқса, тадбиркорлик

харакатида бу нарсага алоҳида урғу берилади. Тадбиркор фойда бермайдиган ишга қўл урмайди. Шундай экан, “фойда” ва “рентабеллик” деган тушунчаларнинг мазмун моҳиятини билиб олишимиз зарур.

Умуман олганда “фойда” тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, бу ерда фақат иқтисодий фойда устида сўз юритамиз. Иқтисодий фойда маҳсулот (иш, хизмат)ни уни яратишга сарфланган барча харажатлардан ортиқроқ нархда сотилганда юзага келади. Акс ҳолда, улар ўртасидаги фарқ иқтисодий зарар деб юритилади.

Қурилишда фойда миқдори олдиндан белгиланиши, харидорнинг бундан хабардор бўлиши ва розилик бериши билан характерланади. Чунки ҳар қандай қурилиш учун олдиндан лойиҳа-смета ҳужжатлари тузилади. Сметада қурилиш учун кетадиган барча сарф-харажатлардан ташқари қурилиш ташкилотининг ўз манфаатлари учун режалаштирган фойда миқдори ҳам кўзда тутилади.

У одатда, “режавий фойда” (плановые накопления) деб номланиб, қурилишга сарфланадиган барча сарф-харажатлар (таннархга) нисбатан фоизларда белгиланади. Унинг миқдори бугунги кунда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча қурилиш ташкилотлари учун 18 % атрофида режалаштирилади. Лекин бу “қоғоз”даги режавий фойда бўлиб, қурилиш ташкилотининг амалдаги фойдасидан тубдан фарқ қилиш мумкин. Қурилиш ишларини тўғри ташкил қилмаслик, маблағлардан оқилона фойдаланмаслик, ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг пасайиб кетишига йўл қўйиш оқибатида амалда иқтисодий зарар кўрган қурилиш ташкилотлари ҳам, йўқ эмас. Шунинг учун қурилиш ташкилотининг фойдали деганда амалдаги фойда тушунилади.

Ҳозирги рақобат муҳити шароитида корхоналар ўзларининг молиявий хўжалик фаолиятини фойда билан яқунлашга алоҳида эътибор қаратишади. Чунки фойда миқдорининг кўпайиши энг аввало мулкдор, шунинг билан бирга мазкур корхонада ишлаётган ҳар бир ишчи, ходимларнинг манфаатдорлигини ошишига сабаб бўлади. Шунга кўра корхоналар

Ўзларининг фаолиятларига илғор ишлаб чиқариш воситалари, қурилишнинг инновацион технологияларини, бошқарувнинг самарали усулларини, замонавий дизайн ва илғор архитектура асосида қурилиш ишларни ташкил этишга, қурилиш корхонаси учун самарасиз бўлган харажатларни кескин қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилади.

**Рентабеллик** ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини яққол ифода этадиган умумий кўрсаткичидир. У бошқа кўрсаткичлардан фарқли ўлароқ ишлаб чиқаришнинг якуний натижалари асосида сарфланган капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги материал-техник ва меҳнат ресурсларидан қай даражада тўғри фойдаланганлигини аниқ ифодалаб беради. Шундай экан, рентабеллик кўрсаткичига асосланиб, қурилиш ташкилотининг хўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятига аниқ баҳо бериш мумкин.

Рентабеллик асосида корхона хўжалик фаолиятида олинган воситаларнинг қай тартибда фойда келтираётганлигини ҳисоблаш мумкин бўлади. Мисол учун янги олинган қурилиш крани корхона учун қанча самарадорлик яъни рентабеллик келтирилди ёки корхонанинг соф фойдасини ошишига қанчалик таъсир кўрсатишини ҳисоблаш мумкин бўлади.

### **§16.3. Фойдани ҳосил қилиш манбалари ва фойдани тақсимлаш тартиби.**

Қурилишда фойда қуйидаги манбалар ҳисобига юзага келади:

**1.Қурилиш - монтаж ишлари таннархининг пасайиши ҳисобига.** Илғари бу “қурилишда нарх-навонинг шаклланиш ва смета ишларининг асослари” мавзусида қурилиш маҳсулотининг таннархи ва уни пасайтириш йўллари тўғрисида сўз юритган эдик. Агар қурилиш ташкилоти ўз маҳсулотининг таннархини пасайтиришга эришса, биринчидан, ўз маҳсулотининг харидоргир бўлишига эришиб бозорда ўз мавқеига эга бўлади, фойдани кўпайтиришга имкон яратилади. Иккинчидан эса, таннархни камайтиришдан бевосита юқори иқтисодий фойда олади.

**2. Режавий фойда ҳисобига.** Ҳар бир қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тузилади. Бу сметада ташкилотнинг олиши керак бўлган фойдаси ҳам режалаштирилади. Бугунги кунда сметада олдиндан кўзда тутилдагина режавий фойда смета таннархининг 18 % миқдорида олинади. Қурилиш ташкилотининг амалдаги ҳақиқий фойдаси бу кўрсаткичдан фарқ қилиши ҳам мумкин.

**3. Тадбиркорлик фаолияти ва ёрдамчи хўжаликларда тайёрланган маҳсулотлар сотилиши (реализация) ҳисобига.** Бозор иқтисодиётига ўтишгача бўлган даврда камдан-кам қурилиш ташкилотларининг ёрдамчи хўжаликлари бўлиб, ундан келадиган фойда кўпчиликни қизиқтирмас эди. Бу қурувчилар орасида ҳам “боқимандалик” касали мавжудлигидан дарак беради.

Бозор муносабатлари шакллана бошлагач мулкчиликдаги ўзгаришлар меҳнатга ҳам, ундан келадиган фойда-зарарга ҳам бошқача кўз билан қарашга, бошқача муносабатда бўлишни ҳам тақозо эта бошлади. Бугунги кунда қурилиш ташкилотлари ўзларининг ёрдамчи хўжаликларига эга бўлишига, уни ривожланишига турли йўналишдаги тадбиркорлик ҳаракатларини олиб боришга ўз-ўзларидан киришиб кетадилар. Чунки бу улар учун қўшимча фойда-даромад манбаи бўлиб қолади.

**4. Буюртмачилардан тушадиган қўшимча маблағлар ҳисобига.** Айрим ҳолларда буюртмачининг хоҳиш-истагига кўра ўзаро шартномага мувофиқ қурилиш объектини ўз вақтида ва муддатидан олдин топширилганлиги учун буюртмачидан тушадиган. Қўшимча маблағлар ҳам қурилиш ташкилотлари учун фойда манбаи бўлиб ҳисобланади.

Қурилиш ташкилотининг фойдасини ўз ўрнига қўйиб тақсимлаш ва ундан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Бозор муносабатларига ўтиш давригача фойданинг 25 % давлат бюджетига ўтказилар, қолган 75 % эса бош пудратчи томонидан қурилишда иштирок этган барча ёрдамчи ташкилот ва корхоналарнинг шу фойдани

юзага келишдаги ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда уларга ва ўзига тақсимлар эди.

Бугунги кунда қурилиш ташкилотлари кўрсатилган иш ва хизматлар учун қуйидаги тартибда солиқ тўловларини давлат бюджетига ўтказилади. Кўрсатилган хизмат учун қўшилган қиймат солиғи 15 % миқдорида, корхонанинг фойда солиғи эса 15 % миқдорида давлат бюджетига ўтказдилар. Қолган қисмини эса олдинадан тузилган режага мувофиқ ишчи-хизматчиларни моддий-рағбатлантиришга маданий-маиший тадбирларини ўтказишга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, моддий-техник тахминотини яхшилашга, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга ва бошқа мақсадларга сарфлайдилар.

#### **Назорат саволлари:**

1. Смета деганда нимани тушунасиз?
2. Тўғри харажатлар деганда нимани тушунасиз?
3. Иш ҳаққига кетадиган харажатлар қандай аниқланади?
4. Объектнинг смета-молиявий ҳисоб маълумотининг таркиби (СМХМ)ни биласизми?
5. Қурилишда фойда тушунчасига изоҳ беринг?
6. Қурилишда рентабеллик тушунчасига изоҳ беринг?
7. Қурилишда фойда қандай манбалар ҳисобига юзага келади?

### **ХVII БОБ. ЭРКИН ТАДБИРКОРЛИК ТИЗИМИ. ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ. ИҚТИСОДИЁТДА ИСТЕЪМОЛЧИ.**

#### **§17.1. Тадбиркорлик тушунчаси ва унинг қурилишда тутган ўрни**

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида “тадбиркорлик” деган тушунча ижтимоий ҳаётимизга кириб келди. Чунки, бу бозор иқтисодиётига хос

бўлган алоҳида иқтисодий фаолият бўлиб, унинг асосий таянчи ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти тадбиркорликсиз, бу фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорларсиз мавжуд бўла олмайди. Тадбиркорлик ҳаракати давлат томонидан қўллаб-қувватланмаган тақдирда бундай мамлакатда бозор муносабатларининг шаклланиши оғир кечади, бозор иқтисодиёти инқирозга учрайди. Хўш, нега бундай?

Бу саволага жавоб топиш учун аввало тадбиркорликнинг моҳиятига, мазмунига тушуниб етишимиз керак.

Тадбиркорлик деганда ўзига қарашли ёки ўзгаларнинг моддий ва пул маблағларини фойда олиш мақсадида сарфлаб, бозорга керакли маҳсулот ишлаб-чиқариш ёки иш, хизмат кўрсатиш орқали миждозларининг хожатини чиқариш тушунилади. Бозор иқтисодиёти даврида бундай фаолият билан шуғулланувчи “тадбиркорлар синфи” деб аталувчи ижтимоий гуруҳ пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунида тадбиркорликка шундай таъриф берилган: “Тадбиркорлик-мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир”.

Бу таърифдан кўришиб турибдики, тадбиркорликдан асосий мақсад мавжуд қонун қоидалар доирасида фаолият кўрсатиб фойда олиш ва шу орқали ўзининг, оила-аъзоларининг қолаверса қариндошларининг турмуш даражасини яхшилашдан иборат. Шу билан биргаликда тадбиркорлар жамият аъзоларининг хожатини чиқариш, уларнинг талаб ва истакларини қондиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар. Тадбиркорлик ҳаракати бозорни маҳсулот (иш, хизмат) билан тўлдирувчи катта кучдир. Шунинг учун Ўзбекистонда бунга катта эътибор билан қаралмоқда, тадбиркорлик давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Республикамизда бу йўналишда қабул қилинган қатор қонунлар, қарорлар, фармонлар ва уларнинг ижроси устидан олиб борилаётган ишлар, фикримизнинг яққол далидир. Уларда

тадбиркорларга имтиёзли кредитлар бериш, уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароит яратиб бериш (ер ажратиш, технологик жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш ва бошқариш); маълум муддатга солиқ тўловларидан озод қилиш ёки қисман камайтириш, каникул бериш, юқори натижага эришган тадбиркорларни моддий ва маънавий рағбарлантириш каби тадбирлар кўзда тутилган.

Тадбиркорлик ҳаракати қурилиш соҳасида кўпроқ кичик, қўшма ва ижарали корхоналар, хусусий фирмалар ҳамда концернлар кўринишида намоён бўлмоқда. Шу билан биргаликда яқка тартибда қурилиш ишларини бажарувчи тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Давлат қурилиш ташкилотларида ҳам тадбиркорлик ҳаракати ривожланиб бормоқда, чунки бусиз бозор иқтисодиёти даврида давлат қурилиш ташкилотлари ҳам ривожлана олмайди. Хусусий мулкчиликка асосланган қурилиш ташкилотлари билан рақобат қилиш ва тўла қувват билан фаолият кўрсатиш учун давлат қурилиш ташкилотлари ҳам бозорни ўрганиши, изланиши ва тадбиркорлик билан иш юритишлари зарур.

Иқтисодиёт тармоқларининг барча соҳаларида бўлганидек қурилиш соҳасидаги тадбиркорликнинг қатор тамойиллари мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Мулк соҳиби бўлиш.

Тадбиркорлик ҳаракатини бошлаш ва фаолият кўрсатиш учун тадбиркор маълум бир мулкка (моддий воситалар ёки пул маблағига) эга бўлиши керак. Улар ўз мулкига таяниб ёки ўзга мулкни ижарага олиб ўз фаолиятини амалга ошириш мумкин.

2. Фойда олишга интилиш.

Ҳар қандай тадбиркорнинг асосий мақсади – фойда олишга интилишдан иборат. Лекин буни кўр-кўрона фойда ортидан қувиш, деб тушинмаслик керак. Тадбиркор жамиятдаги инсонларнинг эҳтиёжларини қондириш ёки бошқача қилиб айтганда, ўз мижозларининг талаб ва

эхтиёжларини қондириш йўли билангина фойда кўриш ва бойлик орттириши мумкинлигини унитмаслиги керак.

### 3. Иқтисодий эркинлик.

Тадбиркорнинг фаолиятига ўзидан бошқа одам хўжайинлик қила олмайди. У нимани ишлаб чиқаради, нимани қуриб битказади, кимга, қачон ва қанчага сотади, меҳнат фаолияти даврида кимлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади, буларни фақат ўзи ҳал қилади. Бозор тамойиллари асосида маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқаришни ўзи мустақил белгилайди.

### 4. Иқтисодий масъулият.

Тадбиркор ўз фаолиятдан кўрган фойда зарарига ўз ўзи жавоб беради, бу йўналишдаги барча масъулият ўзгага юкланмайди.

### 5. Иқтисодий таваккалчилик.

Тадбиркорлик ҳаракати таваккалчиликка асосланган. Иқтисодий хавф-хатардан чўчимайдиган-таваккалига иш бошлашга ботина олмайдиган киши ҳеч қачон тадбиркор бўла олмайди.

### 6. Қонун-қоидаларга риоя қилиш.

Тадбиркорлик ҳаракатида мавжуд қонун ва қоидаларга риоя қилиш зарур. Акс ҳолда, тадбиркор ўз рисқини ўзи қияди, ўз оёғига ўзи болта уради. Бундай тадбиркорнинг тез орада инқирозга учраши муқарардир.

### 7. Рақобат курашида қатнашиш.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос томонларидан бири рақобатдир. Тадбиркор ўз фаолияти даврида бошқалар билан доимо рақобатда бўлади. У рақобат курашида енгилмаслиги учун ўз соҳаси бўйича доимо изланишда бўлиши, йўқса рақобатчилари уни ярим йўлда қолдириб, “эзиб” кетишларини унитмаслиги керак.

### 8. Тадбиркорлик сир.

Тадбиркорликнинг ўз сир асрорлари мавжуд бўлиб, ҳар бир тадбиркор сир сақлаш қобилиятига эга бўлиши керак. Бунда асосан янги технология, янги товар яратиш, бозор (харидор) топиш, нарх белгилаш, шартнома (контракт) тузиш кабиларни сир сақлаш, мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## 9. Ҳалоллик билан иш юритиш.

Тадбиркорлик ҳалол йўл билан пул топишга асосланиши зарур. Қаллоблик, ғирромлик ва алдаш йўли билан бойлик орттириш ва ўзини “тадбиркор” қилиб кўрсатишни одат қилиб олган киши узоққа бормайди. У ҳаётда қаттиқ панд ейди, бундай фаолиятга қонун ҳам йўл қўймайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда шундай дейилган: давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфатларини ҳимоя қилишни кафолатлайди.

Демак тадбиркорлар ўзлари томонидан тайёрланган маҳсулот ёки миждозларга кўрсатиладиган хизматнинг сифатига масъулдирлар. Уларга бу йўналишда истеъмолчиларни алдаш, ғирромлик қилиш ҳуқуқлари берилмаган. Давлат қонун йўли билан буни назорат қилади. Бундан ташқари тадбиркор истеъмолчини алдаса, тез орада ундан харидорлар ҳам, миждозлар ҳам юз ўгиради ва у тез орада инқирозга учрайди.

## 10. Нуфузга (имидж) эга бўлиш.

Тадбиркорнинг нуфузга эга бўлиши деганда унинг ўз харидорлари, миждозлари орасида, тадбиркорлар даврасида, умуман олганда халқ орасида ҳурматга сазовар бўлиши, обрў-эътибор топиши тушунилади. Тадбиркор ўзининг ва корхонасининг шанига доғ тушмасликка, яратаётган маҳсулотининг маркасини туширмасликка интилиши ҳамда бу орқали ном чиқаришга ҳаракат қилиши лозим.

## 11. Ўз-ўзини бошқариш.

Тадбиркорлик ҳаракати давлат ёки ўзгалар томонидан бошқарилмайди. Ҳар бир тадбиркор ўз корхонасини катта-кичиклигига ва имкониятларига қараб бошқариш аппаратини яратиб олиши зарур. Бу аппаратнинг энг чўққисида ўзи туриб бошқаришга раҳбарлик қилади.

Давлат тадбиркорлар фаолиятидан манфатдор бўлгани учун уларни ўз ҳолига ташлаб қўймайди, иқтисодий сиёсат ёрдамида уларни қўллаб-

қувватлайди, уларнинг фаолият кўрсатишига, кўзлаган мақсадига эришишига зарурий шароитларни яратиб беради.

## **§17.2. Тадбиркорлик ва корхона**

Мамлакатда бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланаётган бир шароитда жамият олдида турган масалалар ичида тадбиркорлик иқтисодий фаолиятнинг фаол шакли сифатида муҳим ўрин эгаллайди.

Тадбиркорлик деганда шахслар ва корхоналарнинг ўзаро манфаатдорлигига йўналтирилган ҳаракатлари ва мулкӣ масъуллиги асосида амалга ошириладиган жисмоний ва юридик шахсларнинг ташаббускор мустақил хўжалик фаолияти тушунилади.

Тадбиркорлик координация, бозор ва рақобат орқали ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш механизмларини яратади, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида алоқалар ўрнатади. Тадбиркорлик фаолияти ижтимоий омиллар (ўз аҳволини яхшилаш бўйича изланишлар олиб бориш) билан ҳам шарт-шароитланади.

Тадбиркорлик фаолияти деганда кетма-кет ёки параллел равишда амалга ошириладиган келишувлар жамланмаси тушунилади, бу келишувлардан ҳар бири пухта аниқланган вақт оралиқлари билан чегараланган. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари: мамлакат фуқаролари, хорижий давлат фуқаролари ва бирлашган ҳамкорлар бўлиши мумкин.

Фуқаролар юридик шахслар ташкил этмасдан, давлат рўйхатидан ўтказилган моментдан бошлаб яққа тадбиркор сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Бирлашган ҳамкорлар тадбиркорлик субъектлари сифатида турли хўжалик бирлашмалари шаклида ўзларининг хусусий ва қонуний асосда тўплаган мулкидан фойдаланган ҳолатда майдонга чиқишлари мумкин.

Тадбиркорнинг расмий мақоми жисмоний шахсни ёлланган меҳнатсиз яққа тадбиркорлик иштирокчиси сифатида ёки қонун орқали аниқланадиган

рамкада жалб қилинган ёлланма меҳнат билан корхона сифатида юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга киради.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- муассаса, корхона тузиш ва қайта ташкил этиш, шунингдек, корхона мулк эгаси билан шартнома тузиш, банк муассасаларида ҳисоб рақамлари очиш, ҳамма турдаги ҳисоб, кредит ва кассали операцияларни амалга ошириш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва юргизиш;

- молиявий маблағлар, интеллектуал мулк объектлари, фуқаролар ва юридик шахслар мулклари ҳамда алоҳида мулкый ҳуқуқларни шартномали асосда жалб қилиш ва улардан фойдаланиш;

- ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, етказиб берувчилар ва ўз маҳсулотни истеъмолчиларини танлаш, маҳсулотга нарх қўйишни мустақил равишда шакллантириш ва амалга ошириш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, валюта операцияларини олиб бориш;

- корxonани бошқариш бўйича маъмурий-тартиблаш фаолиятини амалга ошириш;

- корхона номидан ёки амалдаги қонунлар ва корхона уставига мувофиқ ишчиларни ёллаш (ишга қабул қилиш) ва ишдан озод этиш;

- қонунчилик, корхона шартномаси ва уставига мувофиқ солиқларни тўлагандан кейин ва бошқа мажбурий тўловларни амалга оширгандан сўнг корхона тадбиркорлик фаолияти орқали эришилган фойда ўстида эркин иш юритиш;

- давлат ижтимоий таъминот тизимлари, тиббий ва ижтимоий суғурта хизматларидан фойдаланиш;

- тадбиркорлар иттифоқлари, ассоциациялари ва бошқа бирлашмаларини ташкил этиш;

- қонунда белгиланган тартибда фуқаролар, юридик шахслар, бошқарув органлари ҳаракатларини судда (арбитражда) қайта кўриш.

Шу билан биргаликда қонун бир вақтнинг ўзида тадбиркорнинг бурчларини ҳам аниқлаб беради.

*Тадбиркорнинг бурчлари:*

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва тадбиркор томонидан тузилган шартномалар, жумладан корхона мулк эгаси билан тузилган шартномалардан келиб чиқадиган бурчларни бажариш;

-қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда ёки корхона номидан фуқароларни ёллаш бўйича ишчилар ёки ташкилотлар билан меҳнат шартномалари тузиш;

- тузилган шартномага мувофиқ корxonанинг молиявий ҳолати (ахволи) га боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳамма ишчи-ходимлар билан ҳисоб-китоб қилишчилик ва жамоа шартномасига мувофиқ ёлланма асосда ишлаётган фуқаролар учун ижтимоий, тиббий ва бошқа турдаги мажбурий суғурталарни амалга ошириш;

-ногиронлар ва ишлаш қобилияти (ишлаш имконияти) чегараланган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари қарорларини бажариш;

-корхона даромадлари ҳақидаги декларацияни ўз вақтида тақдим этиш ва қонунда белигилан солиқларни кўрсатилган тартиб ва ўлчамда ўз вақтида тўлаб бориш;

-кредиторлар олдида мажбурият ва бурчларни ижро этишнинг имкони бўлмаган вазиятда корxonанинг банкротлиги ҳақида ариза (хабар) берилиш фаолиятини ташкил этишнинг асосий шакли - бу корхонадир.

*Корхона* – бу бозор иқтисодиётида амал қилувчи, эҳтиёжбоп (талаб қилинаётган) маҳсулотни ишлаб чиқариш, ижтимоий эҳтиёжларни қониқтириш мақсадида ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш ва фойда олиш учун моддий ва ахборот ресурслардан фойдаланишга асосланган хўжалик юритувчи субъектдир. Корхона ўз фаолиятини амалга ошириш учун мулчилик ёки тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида унга тегишли бўлган

мулчиликни шакллантиради. Қуйида кўрсатилганлар корхона мулки манбалари деб ҳисобланади: муассисларнинг пул ва моддий жамғармалари; маҳсулот сотилишидан, ишлар ва хизматлардан келадиган даромадлар; қимматли қоғозлар, капитал қўйилма (ажратма)лар, турли даражадаги буюджетлардан тушадиган даромадлар; акциялар, танловлар, аукцион, тендер ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар орқали давлат корхоналари мулкларини сотиб олиш, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига биноан турли-туман товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш ва тақсимлаш, тарқатиш бўйича бир ёки бир нечта специфик функцияларни бажарадиган завод, фабрика, комбинат ва бошқа шу каби шаклдаги ташкилотлар ёки муассасалар корхоналар, деб тан олинади.

Тузилмаси бўйича корхоналар хўжалик юритиш ёки оператив бошқаришда асосланган мулкка эгаллик қилади ва ўзининг мажбуриятлари бўйича бу мулкчиликка жавоб беради, ўз номидан мулккий ва шахсий, номулккий ҳуқуқларга эга бўлади, жавобгарликни ўз бўйнига олади, судда ҳақиқий мулк эгаси ва жавобгар шахс сифатида иштирок этади.

Корхонани ҳар хил параметрлар бўйича синфлаштириш мумкин:

*тармоқли мулклар бўйича:*

а) моддий ишлаб чиқариш соҳаси ёки тармоғи (саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги);

б) ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқлари (турар-жой - коммунал хўжалиги, транспорт, алоқа ва ҳ.к.);

в) аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳалари (соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва санъат, маданий-маиший соҳа, мудофа ва ш.ў.);

*сонли параметрлар бўйича:*

а) кичик корхоналар ёки кичик бизнес – 100 кишигача;

б) ўрта корхоналар ёки ўрта бизнес – 500 кишигача;

в) йирик корхоналар ёки йирик бизнес – 500 кишидан ортиқ;

сифат параметрлари бўйича:

а) мулкчилик тури (хусусий, қўшма, давлат, муниципал, диний, кооператив);

б) чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва ассортименти (турлари);

в) тадбиркорлик фаолияти ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

Ҳамма компаниялар ҳам корпорация ҳисобланмайди. Кичик корхона фақат бир кишининг мулки бўлиши ёки фақат бир киши томонидан бошқарилиши мумкин. Бундай корхоналарни индивидуал хусусий фирма (ёки якка мулкчилик) дейилади. Бир неча киши бирлашиб, биргаликда эгалик қилишлари ва ўртоқликни (ҳамкорликни) бошқаришлари ҳам мумкин. Аммо бу мақола корпоратив молияга бағишланган. Шу сабабли биз энг аввало, корпорация нима, деган саволга жавоб топиб олишимиз керак.

Ҳозирда деярли барча йирик ва ўрта ишбилармонлик корхоналари корпорация шаклида ташкил қилинган. Масалан, АҚШнинг General Motors, Bank of America, Microsoft и General Electric компаниялари, бошқа мамлакатлардаги British Petro-leum Unilever, Nestle; Volkswagen, Sony компаниялари ҳам корпорация ҳисобланади. Ушбу ширкатларнинг ҳар бири унинг акциялари (яъни, мулкчилик улуши эгаларига) эгаларига тегишли.

Корпорация биринчи маротаба ташкил қилинган вақтда унинг барча акциялари унча катта бўлмаган сармоядорлар гуруҳлари, айтайлик компания менежерлари ёки низом жамғармасини бериб турган бир неча шахс қўлида бўлиши мумкин. Бу ҳолда акциялар бозорда сотилмайди ва компанияни ёпиқ турдаги корпорация дейилади.

Табиийки, фирма ўсаётган даврда, қўшимча капитал жалб қилиш учун янги акциялар чиқарилади ва бу акциялар эркин савдога тушади. Бундай ҳолда очик турдаги корпорация (акционерлик компанияси) ҳақида гапириш мумкин. АҚШдаги машҳур корпорацияларнинг кўпчилиги очик турга киради. Шу билан бирга кўпчилик бошқа мамлакатларда йирик акционерлик компаниялари хусусий қўлларда қолаётган ҳоллар ҳам учраб туради.

Корпорация шаклида ташкил этилган ишбилармонлик корхонаси кенг сармоядорлар жамоасини жалб қилишга қодир. Айни пайтда уларнинг баъзи

бирлар атига бир неча доллар турб, умумий мажлисларда битта овоз берувчи ҳамжа озгина фойда келтирадиган биттагина акцияга ҳам эгалик қилиши ҳам мумкин. Шунингдек, акционерлар орасида йирикдан-йирик пенсия жамғармалари ва суғурта компаниялари ҳам бўлиб, уларнинг сармоялари бир неча миллионлаб акцияларга тикилиши ва миллионлаб доллар туриши, унинг эгалари каттагина овозларга эга бўлиши ва дивидентларнинг йирик қисмига даъвогарлик қилиши аҳам мумкин.

Акционерлар корпорацияга эгалик қилишсада, уни бошқаришмайди. Бунинг ўрнига овоз бериш йўли билан директорлар кенгашини сайлашади. Унинг таркибига юқори раҳбарлардан бир неча киши кириши мумкин, қолганлари – ноижрочи директорлар деб аталувчи компания штатида ишламайдиган кишилар ташкил қилади (уларни ноижрочи директорлар дейишларига сабаб ўз вазифаларини ёмон уддалаётганликлари ёки уддалай олмаётганликлари эмас, балки компания ходимлари бўлмаганликлари сабабли, бизнесда функционал вазифаларга эга эмас).

Директорлар кенгаши барча фирма акциялари эгаларини ифода қилади. У компания юқори бошқарув бошлиқларини тайинлайди ва қоидага биноан барча менежерлар ҳамма мавжуд воситалар билан акционерлар манфаатларини ҳимоя қилишини таъминлаши лозим.

Мулкни бошқарувдан бундай айириш корпорациянинг яшаб кетишидаги энг муҳим шарт ҳисобланади. Бошқа томондан, ҳатто менежерлар компаниядан кетишган ёки уларни ишдан бўшатишган ёхуд улар бошқа ишга ўтишган тақдирда ҳам корпорация сақланади, бошқа томондан, ҳозирги акциядорлар ўзларининг барча акцияларини янги сармоядорларга компания бизнесига зарар келтирмаган ҳолда сотиб юборишлари ҳам мумкин.

Ҳамкорлик ва яқка хусусий фирмалардан фарқли равишда, корпорациялар чекланган жавобгарликка эга. Бу компания акциялари соҳиблари унинг қазрлари учун шахсан жавоб беришмайди. Айтайлик, агар General Motors бирданига фавқулодда банкротликка учраса, ҳеч ким

акциядорлардан компания қарзларини тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас. Бу ҳолда ширкат эгалари йўқотадиган барча нарса – уларнинг сармоялари ҳисобланади.

Корпорация акция эгаларига тегишли бўлсада, юридик жиҳатдан у акциядорлардан мустақил ҳолда бўлади. Бу корпорация низомида кўзда тутилган бўлиб, унда ишбилармонлик корхонасининг мақсадлари, чиқариладиган акциялар сони, тайинланадиган директорлар сони ва ҳ.к. белгилаб қўйилади. Низом моддалари корпорация рўйхатдан ўтказиладиган штат қонунларига мувофиқ бўлиши керак. Кўплаб ҳуқуқий жиҳатлар бўйича корпорация штат резиденти ҳисобланади. Юридик шахс сифатида корпорация заёмлар олиши ёки бериши, суд даъволари билан чиқиши ёки уларга жавоб бериши мумкин. Корпорация солиқларни ўзи тўлайди (лекин сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас).

Корпорациянинг акциядорлардан бундай ажратилиши натижасида у на ҳамкорликда, на яқка хусусий фирмада қилиш имконияти бўлмаган ишларни қилишга қодир бўлади. Айтайлик, у янги акциялар чиқарган ҳолда қўшимча пуллар жалб қилиши ва ушбу акцияларни яна қайта сотиб олиши мумкин. Бир корпорация бошқа корпорациянинг акцияларининг назорат пакетини сотиб олиб, уни “ютиб” юбориши мумкин.

Корпоратив ташкилий шаклида ўзига яраша камчиликлар ҳам бор. Корпоратив бошқарув механизми ва акционерлар билар ахборот алмашинуви кўпинча кўп вақт ва маблағ талаб қилади. Бунга солиқ юқини ҳам қўшинг. Корпорация юридик шахс сифатида даромад солиғини ўзи тўлайди, бунинг устига унинг акциядорлари компаниядан оладиган дивидентлардан ҳам солиқ тўлайдилар.

### **Назорат саволлари:**

1. Тадбиркорликнинг қурилишда тутган ўрни қандай?
2. қурилиш соҳасидаги тадбиркорликнинг қандай тамойиллари мавжуд?

3. Тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
4. Тадбиркорлик фаолияти субъекти қандай ҳуқуқларга эга?
5. Тадбиркорнинг бурчлари нималардан иборат?

## **XVIII БОБ. ИҚТИСОДИЁТДА ИСТЕЪМОЛЧИ. ИСТЕЪМОЛЧИ ФОЙДАСИНИНГ МАНБАЛАРИ. РЕКЛАМАНИНГ АҲАМИЯТИ.**

### **§18.1. Истеъмол ва жамғарманиннг иқтисодий мазмуни ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги**

Миллий иқтисодиётда янгидан вужудга келтирилган қиймат, яъни миллий даромад истеъмол ва иқтисодий жамғариш мақсадларида ишлатилади. Истеъмол кенг маънода жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш жараёнида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан ҳамда иқтисодий ресурслардан фойдаланишни, уни истеъмол қилишини билдиради. Бунда унумли ва шахсий истеъмол фарқланади. Ҳозирги кунда мамлакатнинг халқаро бозорларда эркин товар айирбошлаши ҳам халқаро баҳоларда, жаҳон андозаларига мослашиб бормоқда. Таъминотнинг макроқўламдаги ҳолати истеъмол функциясини ўрганиш тақозо этади. Чунки, истеъмол функцияси моҳиятини билиш истеъмол бозорини бошқаришда асос бўлади. Истеъмол бозорида харидорлар фақат фуқаролардан иборат бўлмайди. Харидорлар таркибига аҳолига бепул хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳам киради.

Унумли истеъмол бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва инсон ишчи кучининг истеъмол қилинишини, яъни улардан фойдаланиш жараёнини англатади.

Шахсий истеъмол ишлаб чиқариш соҳасидан ташқарида рўй бериб, бунда истеъмол буюмларидан бевосита фойдаланилади ёки улар тўлиқ истеъмол қилинади. Истеъмол бозорида ҳар хил хизматлар сотилади. Истеъмол бозорининг ҳажми унда сотилаётган товарларнинг ялпи суммаси

билан белгиланади. Истеъмол товарлари эса қатъий давлат нархлари, назорат қилинадиган нархлар ва эркин нархларда сотилади.

Истеъмол жараёнида турли хил моддий ва маънавий неъматлардан фойдаланилади. Истеъмол қилинадиган неъмат турига боғлиқ равишда моддий неъматларни ва хизматларни истеъмол қилиш ажратилади.

Индивидуал ёки жамоа бўлиб истеъмол қилиш ҳам фарқланади. Алоҳида оила ёки жамият аъзоларининг ихтиёрида бўлган моддий неъматларни истеъмол қилиш индивидуал истеъмолга жамият аъзоларининг гуруҳлари моддий неъмат ва хизматлардан фойдаланиши жамоа бўлиб истеъмол қилишга яъни ижтимоий истеъмолга киради.

Истеъмол фонди маблағларидан бутун иқтисодиёт доирасида банд бўлган ходимларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини, шу жумладан бошқариш ва мудрофаа эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилади. У бутун аҳолининг шахсий истеъмолини, аҳолига ижтимоий хизмат қиладиган муассасалардаги, шунингдек, илмий муассасалар ва бошқаришдаги моддий сарфларни ўз ичига олади.

Истеъмол фонднинг шахсий даромад шаклида ходимлар қўлига келиб тушадиган қисми истеъмолчилик сарфлари мақсадида ишлатилади.

**Истеъмолчилик сарфлари** – бу аҳоли жорий даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлар учун ишлатиладиган қисми.

**Жамғарма** – истеъмол сарфларидан кейин турли мажбурий тўловлар чегириб ташлангандан кейин қолган даромаднинг бир қисми.

**Жамғарма** – бу уй хўжаликлари ихтиёридаги жорий даромадлари бир қисмининг фоизли даромад олиш ва келажакдаги истеъмолини қондириш мақсадида тўпланиб (жамғарилиб) боришидир.

**Жамғармани амалга оширишдан кўзланган мақсадлар:**

- фоиз шаклида даромад олиш;
- узоқ муддат фойдаланиладиган қимматбаҳо истеъмол товарлари (уй-жойлар, автомашина ва бошқа зебу-зийнат буюмлари) сотиб олиш;

- касаллик, ишсизлик ва бахтсиз ҳодисалар каби олдиндан билиб бўлмайдиган ҳолатлардан иқтисодий ҳимояланиш;
- қариллик даврини моддий таъминлаш;
- фарзандларининг келажагини таъминлаш;
- келажақда вужудга келиши мумкин бўлган турли-туман эҳтиёжларни қондириш.

## **§18.2. Истеъмол ва жамғарма даражасини белгилаб берувчи омиллар**

Истеъмол ва жамғарма даражасини белгилаб берувчи омиллар сирасига:

- шахсий даромад;
- уй хўжаликларида жамғарилган бойлик;
- нархлар даражаси;
- нархлар, даромадлар ва товарлар таклифи ўзгариши кутилиши;
- истеъмолчи қарзлари миқдори;
- солиқлар даражаси.

Жамғарма истеъмол мақсадида ишлатилмайдиган даромаддир. Жамғарма функцияси даромадлар билан жамғарманинг узвий боғлиқлигини кўрсатади. Уй хўжаликларида шахсий даромадлар миқдорида турли хил солиқларни тўлагандан сўнг ўз ихтиёридаги даромад қолади. Буни биз миллий даромаднинг бир қисми, ҳам деб атаймиз.

Унинг ҳажми уй хўжаликлари даромадидан истеъмолчилик сарфларини айириб ташлаш йўли билан аниқланади.

Даромад фондида истеъмолчилик сарфлари улуши қанчалик юқори бўлса жамғарма ҳажми шунчалик кам бўлади. Жамғарманинг ўсиши эса иқтисодий маънода маблағларнинг истеъмол буюмлари харид қилишдан инвестицион товарларга йўналтирилишини билдиради.

Шу сабабли даромадда истеъмолчилик сарфлари ва жамғарма нисбатининг ўзгариши бир қатор, баъзан қарама-қарши оқибатларга олиб келиши мумкин.

Биринчидан, даромадларнинг қандайдир қисмини жамғармага қўйиш оқибатида у товарларда бўлган талабда ўз аксини топмайди. Маҳсулотнинг ҳар қандай ҳажмини ишлаб чиқаришдан олинган даромад тўлиқ сарфлангандагина жами талабни таъминлаш учун етарли бўлади. Демак жамғарма даромадлар - харажатлар оқимида номутаносиблик бўлишига олиб келади.

Жамғарма даромадлардан маблағларни олиб қўйишни билдириб истеъмолчилик сарфлари барча ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олиш учун етарли бўлмай қолишини билдиради. Агар аҳоли ўз даромадининг қандайдир, қисмини жамғарса, ўзининг хусусий талабини вужудга келтирмайди. Бунинг натижаси сотилмай қолган товарларнинг кўпайиши, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ишсизлик ва даромадларнинг пасайиши бўлиши мумкин.

Бошқа томондан жамғарма талабнинг етишмаслигига олиб келмаслиги ҳам мумкин, чунки жамғарилган маблағлар тадбиркорлар томонидан инвестицион мақсадларда ишлатилади. Бу истеъмолчилик сарфларининг ҳар қандай етишмаслигини қоплайди ва жамғарма келтириб чиқарадиган истеъмолдаги ҳар қандай етишмасликни тўлдиради. Учинчидан, корхоналар ҳам ўзининг барча маҳсулотини истеъмолчиларга сотишни кўзда тутмайди, балки унинг бир қисмидан ишлаб чиқариш воситалари шаклида фойдаланиши мумкин. Шундай қилиб, агар тадбиркорлар аҳолининг жамғармаларига тенг миқдордаги маблағларни инвестицияларга қўйишни кўзда тутса, ишлаб чиқариш даражаси доимий бўлиб қолади.

Истеъмол ва жамғарма даражасини аниқлаб берувчи асосий омил **миллий даромад** ҳисобланади. Лекин миллий даромад таркибида тўғри солиқлар ҳам мавжуд бўлади. Шу сабабли солиқлар тўлангандан кейин **аҳоли қўлида қоладиган** даромад истеъмолчилик сарфлари ва шахсий

жамғарма йиғиндисига тенг бўлади. Истеъмол ва шахсий жамғарманинг даражаси бевосита солиқлар тўлангандан кейинги қолган даромад билан аниқланади. Демак бу даромад истеъмолнинг ҳам, жамғарманинг ҳам умумий омили ҳисобланади. Чунки жамғарма даромаднинг истеъмол қилинмайдиган қисми ҳисобланса, солиқлар тўлангандан кейинги даромад шахсий жамғармани аниқлаб берадиган асосий омил бўлиб чиқади. Ҳар йилги ҳақиқий истеъмол миқдори ва солиқлар тўлангандан кейинги даромад ўртасидаги фарқ шу йилдаги жамғарма миқдорини аниқлайди.

Қараб чиқилган омил таъсирида истеъмол ва жамғарма даражасининг ўзгаришини қуйидаги жадвалда тушунтирамиз. Таҳлил учун шартли маълумотлардан фойдаланамиз.

**Реклама** (французча “reclame”, лотинча “reclamare” – қаттиқ кичқирмоқ) — товарларнинг сифати, уларни сотиб олишдан кўриладиган наф ҳақидаги ахборот; бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот тўғрисида тарқатиладиган махсус ахборот. Реклама маркетингнинг таркибий қисми ҳисобланиб, талаб ва истеъмолчилар дидининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Реклама корхона имижини яратиш (узоқ даврли таъсир курсатиш), жорий сотиш ҳажмини купайтириш (қисқа даврли таъсир курсатиш), ҳаридорларга нима сотиб олишни ва уни нима учун сотиб олиш зарурлигини ҳал қилишда ёрдамлашиш ва бошқа мақсадларда олиб борилади. Рекламанинг асосий вазифаси — ҳаридорни қизиқтириш, мижоз ҳаридорларни йўқотмаслик ва уларни кенгайтиришга қаратилади.

Рекламанинг пайдо бўлиш тарихи жуда қадимий, Юнонистон ва Қадимги Римда оғзаки ва ёзма реклама, ҳатто товар белгиси қўйиб тамғалаш йўли билан товарлар реклама қилинганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳозирги шаклдаги реклама илк марта АҚШда пайдо бўлган. Бу ерда 19-асрнинг 2-ярмида биринчи реклама агентликлари фаолият кўрсатган ва реклама катта даромад келтира бошлаган. Дастлаб ёзма реклама ҳаридорларни магазин ва унда сотиладиган товарлардан хабардор қилиш

вазифасини бажарган. Бу иш тахта лавҳа ёзиш ва витриналар ташкил этиш орқали амалга оширилган. Кейинчалик реклама потенциал харидорга нашрлар орқали мурожаат шаклига айланди – афишалар, китоблар, журналлар, газеталарда ахборот реклама эълонлари пайдо булди. Реклама ишига оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение, кино) жалб этилди.

Реклама бир неча вазифани бажаради:

1) товарлар ва хизматлар истеъмолчиларини хабардор қилиш, маълумот бериш вазифаси – реклама эълонларида товар ва хизматларнинг сифати, ишончлилиги, уларни қўллаш соҳалари, ишлаб чиқарувчилари ва сотиб олиш йўллари ҳақида маълумот берилади;

2) ишонтирувчи – мавжуд товарга истеъмолчи ва харидорларнинг мойиллигини оширишга хизмат қилади;

3) эслатувчи реклама — мавжуд, аммо бир қадар унутилган талабни, харидорларнинг узлари учун маълум булган товарларга муносабатни кенгайтиришда муҳим ўринда туради.

Бундай реклама даврий янгиланиб турадиган ва мавсумий товарлар учун қўлланилади.

Ҳар бир фирма ўз реклама фаолиятини реклама агентларини ёллаш ёки реклама хизматини тузиш ёки махсус реклама агентликлари хизматларидан фойдаланиш асосида амалга оширади. Рекламанинг самарадорлиги кўп жиҳатдан талабни ўрганишни ташкил қилишга боғлиқ бўлиб, харидорлар доирасини аниқлаш ва уларга таъсир ўтказиш усулларига ёрдам беради. Ҳозирги даврда реклама матбуот, радио, телевидение орқали олиб борилади, махсус реклама фильмлари намойиш этилади. Реклама қилиш мақсадида плакат, буклет, товар каталоглари кўркам қилиб чиқарилади ва тарқатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида реклама хизматларининг аҳамияти кучайиб, муомала ҳаражатида реклама харажатларининг ҳиссаси ортиб боради, реклама тадбиркорликнинг алоҳида бир тармоғига айланади ва реклама махсус қоидалар ва қонунларга мувофиқ ташкил этилади.

Қонунийлик, аниқлик, ишонччилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек, маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир. Ўзбекистонда реклама тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги (1998 й. 25 дек.) қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тартибга солинади. Ушбу қонунга кўра, истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотларни реклама воситасида тарқатиш, шунингдек, айрим товарлар ёки фаолият соҳаларини реклама қилиш қонун йўли билан тақиқланади.

### **Назорат саволлари:**

1. Истеъмол ва жамғарманинг иқтисодий мазмуни ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги деганда нимани тушунасиз?
2. Жамғармани амалга оширишдан кўзланган мақсадлар нималардан иборат?
3. Истеъмол ва жамғарма даражасини белгилаб берувчи омиллар сирасига нималар киради?
4. Реклама қандай вазифаларни бажаради?

## **ХІХ БОБ. ТАЛАБ, ТАКЛИФ ВА БОЗОР БАҲОСИ.**

### **§19.1. Талаб тушунчаси ва унинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар.**

#### **Талаб қонуни.**

Талаб – харидор маълум нархда, у рационал ёки муҳит таъсири остида амал қилишидан қатъий назар мазкур бозордан сотиб оладиган товар ва хизматлари миқдори.

Талаб ҳажми – харидорлар маълум вақт ва маълум жойда мазкур нарх бўйича харид қилишга тайёр бўлган товар (хизмат)лар миқдори.

Талаб қонуни - ҳар қандай бозорда, исталган вақтда бошқа тенг шароитларда товар нархи ва унга талаб ҳажми орасида тескари боғлиқлик мавжуд.

*Талабнинг нархга боғлиқ бўлмаган  
омиллари*



- истеъмолчиларнинг таъби ўзгариши;
- харидорлар сони ўзгариши;
- истеъмолчилар даромади ўзгариши;
- ўринбосар товарлар нархи ўзгариши;
- истеъмолчилар истакларидаги ўзгаришлар.

Баҳолар икки асосий вазифани бажаради:

А) Ресурсларни истеъмол қилишни чеклашга имкон беради.

Б) Ишлаб чиқариш учун асос бўлади.

Мол қанчалик ноёб бўлса унинг баҳоси бозорда шунчалик юқори бўлади. Иқтисодчилар буни «баҳонинг чекловчи самараси», деб аташади. Баҳоларнинг ошиши ишлаб чиқарувчиларни жалб этади, баҳоларнинг тушиб кетиши уларни бозордан итариб чиқаради. Иқтисодчилар баҳоларнинг бундай таъсирини «ишлаб чиқаришнинг мотивация» функцияси деб аташади.

Баҳолар икки вазифани бажаради:

1. Ресурсларни чеклаш.
2. Ишлаб чиқаришни мотивацияси.

Ишлаб чиқаришнинг асосий мативацияси – даромад. Демак, баҳо даромад олиш учун ишлаб чиқаришни тартибга солади.

Агар битта мол яхши сотиб олинса, унда кўпчилик ишлаб чиқарувчилар ушбу молни ишлаб чиқаришни бошлашади.


Ишлаб чиқарувчилар кўпайди, мол ҳам кўпайди, баҳо тушиб кетади, таклиф ошади, талаб эса камаяди. Талаб бу нима?

Талаб – бу харидор сотиб олиши мумкин бўлган нарса.

Хошиш (истак) – бу харидор сотиб олгиси келган нарса.

Талаб – бу истеъмолчи баъзи бир баҳода, маълум вақтда ва маълум жойда сотиб олишга тайёр ва сотиб ола оладиган маҳсулот сонини кўрсатувчи боғлиқлик.

Талаб график кўринишида тасвирланиши мумкин.



Талаб қонуни – паст баҳода ҳамма одам сотиб олади, баланд баҳода кам (бошқа бир хил шароитларда).

Талаб катталигига қуйидаги омиллар таъсир этиши мумкин:

1. истеъмолчи диди;
2. харидорлар сони;
3. харидорларнинг умумий даромади;

а) даромад ҳар хил туркумдаги молларга турлича таъсир қилади, яъни, даромад ошган сари паст туркумдаги молларга бўлган эҳтиёж пасаяди.

4. ўхшаш молларга бўлан баҳо (ёғ ва маргарин);

5. кутиш (миш-миш ва хар хил гаплар талаб ошиб, баҳолар кўтарилишига олиб келади)

Эгилувчан мол, эгилувчан бўлмаган мол деган тушунчалар мавжуд.

Эгилувчан мол деб, шундай молга айтиладики, уни сотиб олмаса ҳам бўлади, бу билан ҳеч нарса ўзгармайди ёки уни бошқаси билан алмаштириш мумкин.

Эгилувчан бўлмаган мол деб, шундай молга айтиладики, унинг ўрнини босадиган нарса топиш қийин. Бу молни сотиб олиш зарур, улар жудаям арзон бўлади (сут, нон, картошка ва х.к.)

Агар мол эгилувчан бўлмаса, унда бахолар ошганда даромад ошади.

Эгилувчан молларга баҳо ошганда даромад пасаяди ёки умуман бўлмайди.

$$\varepsilon_d = \frac{\% \text{ узгариш } Q}{\% \text{ узгариш } P}; \quad \boxed{\text{ёки}} \quad \varepsilon_d = \frac{\frac{\Delta Q}{Q_{cc}} * 100 \%}{\frac{\Delta P}{P_{cc}} * 100 \%}$$

Бахолар ўзгаришининг умумий савдодан тушган пулга таъсири:

	Баҳо ошади	Баҳо тушади
$\varepsilon_d > 1$	Савдодан тушган пул ↓	Савдодан тушган пул ↑
$\varepsilon_d \approx 1$	Савдодан тушган пул ўзгармайди	Савдодан тушган пул ўзгармайди
$\varepsilon_d < 1$	Савдодан тушган пул ↑	Савдодан тушган пул ↓

Эгилувчан бўлмаган мол график кўринишида эгри ётган талаб билан тасвирланади.


Баҳо бўйича талабнинг эгилувчанлиги ( $\varepsilon_d$ );

Картошка ва қанд – 0,3 – эгилувчан эмас,


Тамакилар – 0,5 – эгилувчан эмас

Ёнилғи ва кийим-кечак – 0,6 – эластик эмас,

Мебель – 1,2 – эгилувчан.




Эгилувчан мол – талаб эгриси юқорирок.




Ширинлик пиширамиз: баҳо қанча юқори бўлса, ишлаб чиқарувчилар шунча кўп маҳсулот тайёрлашади. Баҳо қанчалик кам бўлса, ишлаб чиқарувчилар шунчалик кам маҳсулот ишлаб чиқаришади. Шунинг учун график кўриниши қуйидагича бўлади:

Талаб график кўринишида тасвирланиши мумкин:



Қонун: Юқори баҳода кўп мол таклиф қилишади, чунки катта даромад олгиси келади.

Агар иккита графикни, яъни талаб ва таклифни бирлаштирадик: мувозанат нуқтасига ёки бозор баҳосига эга бўламиз.



## **§19.2. Талаб ва таклиф назарияси, бозор мувозанати**

Талаб тушунчаси. Талаб қонуни. Талабга таъсир қилувчи омиллар

Талаб — бу нархларнинг мавжуд даражасида сотиб олинadиган товар (хизмат)лар миқдори.

Талаб турлари:

Индивидуал (ёки якка) талаб — алоҳида шахс, оила ва бошқа субъектнинг товар (хизмат) ларнинг муайян тўпламига бўлган талаби.

Бозор талаби – алоҳида истеъмолчиларнинг талаблари йиғиндиси. Талаб даражасини белгилаб берувчи асосий омил нарх ҳисобланади. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда нархнинг ўзгариши (пасайиши ёки кўтарилиши) сотиб олинadиган товарлар миқдорининг ўзгаришига (ортиши ёки камайиши) га олиб келади.

Нарх даражаси ва сотиб олинadиган товарлар миқдори ўртасидаги тесқари ёки қарама-қарши боғлиқлик талаб қонуни дейилади

Реал иқтисодий ҳаётда шундай ҳолат ҳам юз бериши мумкин, яъни айримтоварларга нархлар ўсиши билан уларга бўлган талаб камаймасдан балки ортиб боради. Бу ҳолат Гиффен самараси деб аталади (инглиз иқтисодчиси Роберт Гиффен номи билан). Р.Гиффен камбағал оилалар картошка қимматлашишига қарамасдан уни истеъмол қилиш ҳажми ортиб боришини кузатиб, бу самарани изоҳлаб беради. Унинг сабаби оддий, нарх ўсганда камбағал оилалар гўшт сотиб олишдан умуман воз кечиб, кўп бўлмаган даромадларнинг барчасини картошка сотиб олишга сарфлайди.

Талабга нархдан ташқари таъсир этувчи омиллар:

- истеъмолчи пул даромадлари;
- истеъмолчи диди;
- ўрнини босувчи товарлар нархи;
- бозордаги истеъмолчилар сони;
- нарх ва даромадлар ўзгаришининг кутилиши;
- истеъмолчидан олинadиган солиқлар даражаси

Таклиф - бу нархларнинг мавжуд даражасида ишлаб чиқарувчилар томонидан бозорга сотишга чиқариладиган товарлар миқдори.

Нарх ўсиши билан сотишга чиқариладиган товарлар миқдори ҳам кўпаяди, нарх тушганда эса камаяди. Бу ўзаро тўғридан-тўғри боғлиқлик таклиф қонуни дейилади.

Таклифга нархдан ташқари таъсир қилувчи омиллар:

ресурслар нархи;

- ишлаб чиқариш технологияси;
- солиқ ва дотациялар;
- бир-бирига боғлиқ товарлар нархи;
- инфляциянинг кутилиш;
- бозордаги сотувчилар сони.

### **§19.3. Талаб ва таклиф эгилувчанлиги. Талаб функцияси**

Талаб ва таклиф миқдорининг ортиши ёки камайиши уларнинг эгилувчанлигини кўрсатади. Эгилувчанлик - талаб ёки таклиф омилларидан бирининг ўзгариши натижасида улар миқдорининг ўзгаришни билдиради.

Масалан, талабнинг баҳоли эгилувчанлиги баҳонинг  $\nu$  ўзгариши ҳисобига талаб қилинадиган товар миқдорининг ўзгариши.

Агар талаб миқдори  $Q$ ; баҳони  $P$  деб олсак, баҳонинг 1% га  $\nu$  ўсиши талабнинг қандай фоизли ўзгаришига олиб келишини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$\varepsilon = (\% \Delta Q) / (\% \Delta P)$$

Эгилувчанлик фарқланади:

- қисқа ва узок даврда;
- товарларнинг алоҳида туркумлари бўйича.

Масалан, кундалик истеъмол товарлари ва узок муддат фойдаланадиган товарларга талаб эгилувчанлиги бир хил эмас.

Талаб эгилувчанлигини белгилаб берувчи омиллар маҳсулотнинг ўрнини босувчанлиги; маҳсулот нархининг истеъмолчи даромадидаги

салмоғи; маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари; вақт омиллари (қарор қабул қилиш учун талаб қилинадиган вақт).

Талаб – ҳажми қандайдир вақт давомида маълум бир товарнинг сотиб олиниши мумкин бўлган миқдори. Талаб функцияси - талаб ҳажмининг унинг миқдорини белгиловчи омилларига боғлиқлиги.

#### **§19.4. Талаб ва таклиф нисбати. Нафлилик турлари**

Бозор мувозанати - нархнинг муайян даражасида талаб ва таклиф миқдори нисбатан бир-бирига мос келган ҳолат бозор мувозанати дейилади.

Бозор мувозанатига эришганда шаклланган нарх мувозанатли нарх, шу нархда сотилиши мумкин бўлган товарлар миқдори ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми дейилади.

##### **Мувозанатлик турлари**

Лаҳзалик ёки бир зумлик мувозанатлик – таклиф қилинган товарлар доимий миқдорни ташкил қилганда, асосан, нарх ўсиши ҳисобига рўй беради. Қисқа муддатли мувозанатликка ишлаб чиқариш – ҳажми (таклиф)и вақтинчалик амал қилувчи омиллардан фойдаланиш асосида кўпайтириш орқали эришилади. Бундай омилларга иш вақтидан ташқари дам олиш ва байрам кунлари ишлаш, иш сменасини кўпайтириш кабиларни киритиш мумкин.

Узоқ даврли мувозанатлик. Ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, янгилаш ва кўшимча қувватларни вужудга келтириш каби ўзгаришлар узоқ вақтни ташкил қиладиган омиллардан фойдаланишни тақозо қилади. Бу даврда янги корхоналар ҳам вужудга келиб, фаолият қила бошлайди.

Натижада таклиф кўпаяди ва нарх пасаяди.

Нафлилик – бу товар (хизмат)ларни истеъмол қилиш орқали уларнинг эҳтиёжни қондириш лаёқати.

Истеъмолчи танлови ўзининг чекланган даромадларини турли товар ва хизматларни эҳтиёжларини энг юқори даражада қондиришни

таъминлайдиган миқдорда сотиб олиш мақсадида самарали тақсимлашга қаратилади.

### **Нафлилик турлари**

1. Умумий нафлилик - иқтисодий неъматларни алоҳида турларини истеъмол қилиш жараёнида олинган нафлилик йиғиндиси

2. Кейинги нафлилик - истеъмолчи иқтисодий неъматнинг ҳар бир навбатдаги қўшимча бирлигини истеъмол қилишдан кўрадиган нафни англатади.

Кейинги нафлиликнинг пасайиб бориш қонуни. Айнан бир товарнинг қўшимча бирлигини истеъмол қилиб бориш билан истеъмолчи томонидан олинадиган умумий нафлилик ортади, бироқ бунда ҳар бир кейинги истеъмол қилинган товарнинг нафлилиги пасайиб бориш тамойилига эга бўлиши сабабли у тобора секин суръатлар билан ўсиб боради.

Кейинги нафлилик назарияси қуйидаги асосий ҳолатларга асосланади.

- Ҳар бир навбатдаги истеъмол қилинган товар олдингисига нисбатан камроқ наф келтиради. Бу ўз ифодасини кейинги нафлиликнинг пасайиб бориш қонунида топади.

- Истеъмолчи ўзининг чекланган даромадидан энг юқори қониқиш ёки нафлилик олишга ҳаракат қилади.


### **Назорат саволлари:**

1. Талаб қонуни деганда нимани тушунасиз?
2. Талаб тушунчаси ва унинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар нималардан иборат?
3. Талаб катталигига қандай омиллар таъсир этиши мумкин?
4. Баҳолар қандай асосий вазифаларни бажаради?
5. Талабга нархдан ташқари таъсир этувчи омилларни айтинг?
6. Таклифга нархдан ташқари таъсир этувчи омилларни айтинг?
7. Нафлилик турларини биласизми?

## XX БОБ. ТАДБИРКОРЛИКНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ. КРЕДИТ ТУРЛАРИ.

### §20.1. Пул муомаласи

Пул муомаласи – бу товарлар айланиши, нотовар тавсифидаги битимлар ва ҳисобларга хизмат қилувчи нақд пуллар ва унга тенглаштирилган молиявий активлар (кредит пуллар) ҳаракати.



## §20.2. Кредит турлари

### Истеъмол кредитлари

Истеъмол кредитлари учун сотиб олинаётган товар ёки хизматларнинг 100 фоизи миқorida кредит ажаратилади. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқрилган, жисмоний шахс эҳтиёжлари учун хизмат қиладиган тавар, маҳсулот ёки хизматлар кредит объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Кредит суммаси тавар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан ўтказиб берилади.

#### **Кредит ажратиш мақсадлари:**

- Маиший жиҳоз ва техника;
- Мебель ва уй жиҳоз буюмлари;
- Қурилиш моллари ва қурилиш монтаж ишлари билан боғлиқ хизматлар;
- Авиабилет ва туристик саёҳатлар;
- Медицина хизматлари;
- Маъросим ва тадбирларни ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган бошқа тавар ва хизматлар.

Истеъмол кредитини олиш учун жисмоний шахслар қуйидаги хужжатларни банкка тақдим этишлари лозим:

- Кредит олиш учун ариза;
- Паспорт ёки шахсни ҳамда доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи хужжат;
- Оила аъзолари таркиби кўрсатилган турар жойдан маълумотнома;
- Сотиб олинаётган тавар ёки кўрсатилаётган хизмат учун олди-сотди шартномаси;
- Кредит олувчининг иш жойидан маълумотнома ёки бир йиллик даромадлари ва мулкани тасдиқловчи хужжат;
- Кредит суммасининг 100 % га тенг таъминот.

**Истеъмол кредити** фуқароларнинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол моллари (иш, хизмат)ни сотиб олиш учун ЎзР миллий валютасида берилади.

Кредит маблағлари эвазига қуйидагиларни амалга ошириш мумкин:

- Мебель, интерьер буюмлари, маиший техника;
- Автотранспорт воситалари;
- Қурилиш моллари, қурилиш хизматлари;
- Авиабилетлар, санаторий ва саёҳат йўлланмалари;
- Даволаниш;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги томонидан

таъқиқланмаган бошқа барча мақсадлар.

Кредитлаш шартлари:

- Муддати 3 йилгача
- Кредит суммаси қарз олувчининг даромадига боғлиқ
- Фоиз ставкаси 18% дан 28%гача, қарз олувчининг бадал миқдорига боғлиқ
- Қарз олувчининг дастлабки бадал пули миқдор имкониятлари яъни ойлик иш ҳақи орқали аниқланади.

Истеъмол кредити Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол маҳсулотлари (хизматларини) сотадиган ишлаб чиқарувчининг ёки ташкилотнинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади. Молиявий истеъмол кредити нақд пул кўринишида берилмайди. Гаров сифатида банк қуйидагиларни кўриб чиқади:

- Мол-мулк гарови (автотранспорт, одам турмайдиган фонд);
- Банкнинг гарови;
- Учинчи шахснинг кафиллиги.

Аризани кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатлар:

1. Қарз олувчининг паспорти;
2. Қарз олувчининг даромади ҳақида маълумотномашаш жойидан маълумотнома;

3. СТИР ўзлаштирилгани ҳақида ДСИдан маълумотнома нусхаси;

4. Маҳсулот/хизмат сотиб олиш учун шартнома.

**Таълим кредитлари** Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларида тўлов-контракт шакли бўйича ўқиш учун тўловни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида берилади.

Кредит бўйича фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки қайта молиялаштириш ставкасига тенг.

Таълим кредити қарз олувчининг яшаш манзили бўйича берилади.

Гаров сифатида банк қуйидагиларни кўриб чиқади:

- Мол-мулк гарови
- Банкнинг гарови
- Учинчи шахснинг кафиллиги

Талабномани кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатлар:

1. Қарз олувчи талабанинг паспорти
2. Яшаш жойидан маълумотнома
3. СТИР ўзлаштирилганлиги ҳақида ДСИ дан маълумотнома

нусхаси;

4. ЎЗРнинг ОЎЮ билан тузилган ўқиш учун шартнома (контракт) (ҳисобварақ-фактураси билан бирга)

5. Кредит таъминланганлигини исботловчи ҳужжат.

Ипотека кредити қуйидагилар учун берилади:

- Қонун билан ўрнатилган тартибда, қурилиш норма ва қоидалар асосида яқка тартибдаги тураржой ва намунали лойиҳалар қуриш ва тиклаш учун;
- Яқка тартибдаги турар-жой ёки кўп қаватли уйларда турар-жой сотиб олиш учун.

Кредитлаш шартлари:

- Кредит суммаси ва муддати қарз олувчининг даромадига, қурилаётган/сотиб олинаётган тура-жойнинг бозор нархида, муайян лойиҳа, бўйича кредит рискига боғлиқ.

- Кредит фоизи: Банк кредит қўмитасининг қарорига асосан

- Qarz oluvchining dastlabki badal puli: qurilayotgan/sotib olinayotgan turarjoyning 25% dan 50% gacha

- Кредит суммаси қурилатган/сотиб олинаётган тураржойнинг 75% дан ошмаслиги керак;

Ипотека кредитлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида берилади.

### **Ёш оила кредитлари**

2007 йил 18 майдаги № 3878-сонли «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида биноан ажратилган кредит ҳисобланади. Бу ҳозирги кунда бир қатор банклар томонидан ушбу кредит ажратилмоқда. Бунда эр ва хотиннинг ёши 30 дан ошмаган, никоҳи биринчи марта қайд қилинган бўлиши талаб қилинади.

2007 йил 18 майдаги № 3878 сонли ПФ га биноан, банк ёш оилаларга кредитларни имтиёзли шартлар асосида беради:

Ипотека кредитини олиш учун зарур ҳужжатлар:

а) Қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт бўлган талабнома;

Олинадиган кредитнинг мақсади, муддати ва шартлари.

б) Кредит талабномаси уни тақдим этувчи шахс томонидан имзоланган ва талабнома тақдим этилган сана ёзилга бўлиши керак. Кредит талабномасига қуйидагилар илова қилинади:

- Банк филиаллари жойлашган туман ёки Тошкент ш. доимий пропискаси ҳақидаги паспорт белгилари кўрсатилган, омонатчи ва унинг рафиқаси (рафиқи) паспортларига тегишли маълумотлар;

- Никоҳ гувоҳноҳномаси;

- Эр-хотиннинг иккаласи учун ҳам мазкур никоҳ биринчиси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- Омонатчининг турар жойидан маълумотнома, унда ушбу манзил бўйича яшаш муддати ҳамда оила аъзолари сони кўрсатилиши лозим;

- Иш жойидан, охириги вақт (12 ойгача) ичида олган маоши кўрсатилган, маълумотнома ёки даромадининг бошқа турини тасдиқловчи хужжат;
  - Оила аъзоларининг розилиги ва зарур бўлганда омонтичи дош (хамомонатчи) даромадлари тўғрисида маълумотлар;
  - Туронбанкга бошланғич бадал киритилганлиги ҳақида маълумот (омонат китобчаси нушаси, маълумотнома ёки кўчирма);
  - Нафақа йиғиладиган китобчаси нушаси;
  - Иш берувчи имзолаган, меҳнат дафтарчаси нушаси;
  - Сотувчи/Қурувчидан сотиб олиш нияти тўғрисидаги шартнома ва, ҳаракатдаги қонунчиликка мувофиқ, сотиб олинаётган уй-жой қиймати тўғрисидаги мустақил баҳоловчининг ҳисоботи ёки, кредит уй-жойни қайта қуриш ёки қуриш учун олинаётган ҳолда, қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа-сметаси ҳисоботи;
- СТИР борлиги тўғрисида солиқ органлари маълумотномаси.

### **§20.3. Кредит олиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги 78-сонли "Микрокредитбанк акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом"га асосан ажратилади. Ушбу Низомга кўра,

- А) бошланғич сармояни шакллантириш учун микрокредитлар:
- юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликлари ва яқка тартибдаги тадбиркорлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда;
  - микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари учун (юридик шахс мақомига эга бўлган) энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда;
  - фермер хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда ажратилади.

Микрокредитлар фоиз ставкаси - йиллик 3 фоиз миқдорида, муддати- 18 ойгача.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар фақат янгидан очилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган кундан 6 ойдан ошмаган давр мобайнида кредит олиш учун буюртма берган тадбиркор-ларга берилади.

Б) бизнесни ривожлантириш (кенгайтириш) ва айланма маблағларни тўлдириш учун кичик бизнес субъектларига микрокредитлар энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда, йиллик 7 фоиз устама билан, 24 ойгача муддатга ажратилади.

В) учинчи тарафдан мол-мулк олиш, унга эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун кичик бизнес субъектларига энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорида йиллик 5 фоиз устама билан, 3 йилгача муддатга микролизинг хизмати кўрсатилади.

2. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига ажратиладиган микрокредитлар:

Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан микрокредитлар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2006 йил 21 февралда 1548-сон билан рўйхатга олинган "Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Микрокредитбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан ажратилади.

А) бошланғич сармояни шакллантириш учун янгидан очилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган кундан 6 ойдан ошмаган давр мобайнида кредит олиш учун банкка буюртма берган юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишга, асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадларига берилади.

Фоиз ставкаси - Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми миқдорида.

Микрокредит суммаси - юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари ва микрофирмаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача ва кичик корхоналар ва фермер хўжаликларига энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваригача бўлган миқдорда. Муддати - 3 йилгача.

Б) ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш учун микрокредитлар

- Деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш, фермерлик иншоотларини қуриш, чорвачилик, паррандачиликни ривожлантириш учун юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларига энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараварига ва юридик шахс мақомига эга деҳқон ва фермер хўжаликларига энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваригача миқдорида, Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми (бугунги кунда йиллик 4,67 фоиз) билан, 3 йилгача бўлган муддатга;

- Маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хом ашё ва материалларни тубдан қайта ишлаш, ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш учун яқка тартибдаги тадбиркорларга энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан ҳамда микрофирма ва кичик корхоналарга энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баравари миқдорида, қайта молиялаш ставкасининг 40 фоизи (бугунги кунда йиллик 5,6 фоиз) билан, 3 йилгача бўлган муддатга;

- Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун яқка тартибдаги тадбиркорларга энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан, микрофирма ва кичик корхоналарга энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда, Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 45 фоизи, (бугунги кунда йиллик 6,3 фоиз) билан, 3 йилгача бўлган муддатга ажратилади.

3. Тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 195-сонли қарори билан тасдиқланган "Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом"га мувофиқ, тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига кредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан (йиллик 7 фоиз) юқори бўлмаган фоиз ставкаси билан:

- хом ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда бошқа ишлаб чиқариш захиралари харид қилиш учун зарур бўлган айланма маблағларни тўлдиришга 1 йил муддатгача;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга камида 2 йил муддатга;

- инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш учун 5 йил муддатга ажратилади.

### **Кредит олиш учун банкка тақдим қилиниши лозим**

#### **бўлган ҳужжатлар**

- қарздор томонидан имзоланган ва кредит берилишидан олдинги сана қўйилган, кредитдан фойдаланиш мақсаддари баён этилган ва кредит таъминланган ҳолда гаров мавзуи кўрсатилган ариза;

- имтиёзли кредитнинг бутун муддати учун пул оқимлари прогнози мажбурий тартибда кўрсатилган бизнес-режа;

- қарз олувчи (юридик шахслар учун) рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ инспекциясининг баланс қабул қилинганлиги тўғрисидаги ёзув мавжуд бўлган охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотнома, шунингдек 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорлик бўйича таққослаш далолатномалари;

### **Кредит таъминот турлари**

- мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
- банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати;
- учинчи шахслар кафиллиги;
- қарз олувчининг кредитни сўндирмаслиги хавфи суғурталангани тўғрисида суғурта компаниясининг суғурта полиси.

Тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар қайтарилишини таъминлаш сифатида кредит шартномаси бўйича сотиб олинган мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар улар қийматининг 80 фоизи миқдорида гаров учун қабул қилинади. Имтиёзли кредитнинг мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар гарови билан қопланмаган қисми учун қарз олувчи таъминлашнинг қуйидаги турларидан бир ёки бир нечтасини тақдим этади.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан 6 ойдан ошган кредит олиш учун тегишли хизмат кўрсатувчи банкка буюртма берган юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг фаолиятини бошлаш учун айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишга, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун имтиёзли микрокредитлар берилиши амалдаги меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилмаган.

#### **§20.4. Акцияларнинг турлари ва хусусиятлари**

Акция қимматли қоғозларнинг бир тури бўлгани билан, унинг ўзи яна турларга бўлинади. Бу борада ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимлар томонидан ҳар хил фикрлар айтиб ўтилган. Масалан, А.Сергеевнинг фикрича, акциялар ваколатли шахсни аниқлаш усули бўйича эгаси ёзилган ва тақдим этувчига тегишли бўлган акцияларга, муомалада бўлиш даражасига қараб эркин муомаладаги ва муомала доираси чекланган акцияларга ҳамда акциядорларга бериладиган ҳуқуқларнинг ҳажмига биноан оддий ва имтиёзли акцияларга бўлинади.

Ю.Назаров эса, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун талабидан келиб чиққан ҳолда, эгаси ёзилган ва тақдим этувчига тегишли ҳамда имтиёзли ва оддий акциялар мавжудлигини айтиб ўтади. Бундан ташқари, у акцияларнинг нақд ва нақд бўлмаган шакллари мавжудлигини ҳам эътироф этади.

– очик акциядорлик жамиятларининг ва ёпиқ акциядорлик жамиятларининг акциялари;

– эгасининг номи ёзилган ва кўрсатувчи эгалик қиладиган акциялар;

– оддий ва имтиёзли акциялар.

Зеро, акцияни жамият шаклига қараб таснифлаш мақсадга мувофиқ эмас. Жамият шаклини ажратишдаги мезон жамият эмиссия қиладиган акция эмас, уни жойлаштириш ҳолатидир.

Очик акциядорлик жамиятининг акциялари очикчасига муомалага чиқарилади ва кейинчалик бошқа акциядорларнинг розилигисиз қўлдан-қўлга ўтади. Ёпиқ акциядорлик жамиятининг акциялари бирламчи жойлаштиришда олдиндан белгилаб қўйилган сармоядорлар ўртасида тақсимланади ва компания умумий йиғилишининг розилиги билан қўлдан-қўлга ўтиши мумкин. Эгасининг номи ёзилган акцияларда улар эгасининг фамилияси мажбурий тарзда кўрсатилиши шарт, агар уларнинг эгаси юридик шахс бўлса ташкилотнинг номи кўрсатилади. Тақдим этувчи эгалик қиладиган акцияларда уларнинг эгасининг номи кўрсатилмайди.

Имтиёзли акция акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ёки корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди. Уларнинг имтиёзи, бир томондан, жамият хўжалик фаолиятдан қатъи назар кафолатланган даромадни олиш имкониятидан, иккинчи томондан эса, акциядорлик жамияти тугатилган вақтда акциялар қийматини биринчи навбатда олиш ҳуқуқидан иборат.

Ёпиқ акциядорлик жамиятининг акциялари фақат эгаси ёзиладиган акциялар бўлиши мумкин, уларни бошқа шахсга ўтказиш тартиби уставда белгилаб қўйилади. Ёпиқ акциядорлик жамиятлари акциядорларга акциялар ўрнига уларнинг номинал қийматига тенг суммада сертификатлар бериши мумкин. Чиқариладиган акцияларнинг хиллари, тарқатиш ва жойлаштириш, улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби акциядорлик жамиятининг уставида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаб қўйилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Тадбиркорликни молиялаштириш қандай амалга оширилади?
2. Пул муомаласи деганда нимани тушунасиз?
3. Қандай кредит турларини биласиз?
4. Кредит олиш тартиби қандай бўлади?
5. Қандай кредит таъминоти турларини биласиз?
6. Акцияларнинг қандай турларини биласиз?

### **XXI БОБ.РАҚОБАТ. РАҚОБАТ ТУРЛАРИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ. БОЗОРДА ЭРКИН РАҚОБАТНИ ҲИМОЯЛАШ.**

#### **§21.1. Асосий тушунчалар**

Мукамал рақобатчилик, олигополия, монополистик рақобатчилик, концентрация даражаси, бозор тузилиши, монополия, яқка ҳуқумдорлик.

Бозор ҳамма ерда пайдо бўлади, бозор тузилиши эса-бу ундаги сотувчи ва харидорнинг сони ва имкониятларидир.

Бозорнинг асосий тушунчалари:

1. Мукаммал рақобатчилик (кўп сонли сотувчилар ва харидорлар).
2. Монополистик рақобатчилик.
3. Олигополия
4. Монополия (Якка ҳукумронлик)

**Мукаммал рақобатчилик.** Талаб ва таклиф қонуни биз аввал ўрганганимиздек амал қилади, лекин, мукаммал рақобатчилик шароитида.

Мукаммал рақобатчилик қуйидаги шартларни қониқтириши керак.

- кўп сонли сотувчи ва харидорлар, ҳар бир алоҳида гуруҳ, бозор ҳолатига таъсир эта олмайди;
- сотувга бир хил мол ва хизматлар таклиф қилишади;
- ҳар бир сотувчи ёки харидор бозор ҳақида бошқалардан кўп билмайди;
- сотувчи ва харидорлар бозорга эркин кириб, эркин чиқиб кетишлари мумкин. Мисол учун Нью Йоркдаги биржа.

**Монополистик рақобатчилик** (ноёб моллар кўп). Агар бозорда сотувчи ўз молини ноёб, деб таклиф қилса, унда бу монополистик рақобатли бозордир. Молга ноёблик сифатини бериш молнинг дифференцияси деган номга эга. Бу ўнгидан келса, фақат шу фирманинг молларини авзал кўришадиган харидорлар доирасини тузади.

**Олигополия** (бир неча сотувчи). 3 дан 5 гача бўлган йирик фирмалар ҳукум сурадиган бозор.

Бозор тузилиши дифференциалланган мол сотувчи кўп сонли фирма вазиятида бир қанча ҳукумдор компанияни вазияти ўзгарса, иқтисодчилар концентрация даражаси ўзгарди дейишади.

Концентрация даражаси тўрт йирик компания соҳа молининг умумий ҳажмидан неча фоизини ишлаб чиқарганлиги билан аниқланади. Олигополиялар мавжуд, чунки рақобатлашувчи фирмалар учун бозорга чиқиш қийин (чиқиш нарҳининг юқорилиги ёки ишлаб чиқариш технологиясига патент). Харидорлар учун баҳо рақобатчилиги ўрнига

олигополия кўпинча баҳоларда, битимда ва баҳолар сиёсатини белгилашдаги анонсларда етакчиликни мўлжаллайди.

Баҳоларда етакчилик-соҳадаги бошқарувчи компания баҳо белгилайди, бошқалари унга эргашади.

Битим-белгиланган баҳоларни ўрнатиш ёки бозорни бўлиш иккита ёки бир неча йирик компаниялар яширин тузилади.

## 2) Иқтисодий бозорлар тавсифи.

Ўлчамлари	Мукаммал рақобат	Монополистик рақобат	Олигополия	Монополия
Маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирмалар сони	Эркин фирмалар кўп, бозор устидан назорат йўқ	Ўхшаш мол ва хизматларни ишлаб чиқарувчи фирмалар кўп	Ўхшаш мол ишлаб чиқарувчи бир неча йирик фирмалар	Битта маҳсулот ва битта йирик фирма
Баҳолар устидан назорат	Йўл, баҳолар бозор томонидан аниқланади	Таъсир алмаштириш имконияти билан чекланган	«Баҳо етакчиси» таъсири мавжуд	Деярли тўлиқ назорат
Мол дефференцияси	Йўқ, моллар фарқ қилмайди	Ўзига хос бозорлар учун мол ва хизматлар дифференцияланган	Айрим моллар учун муҳим(автомобиллар) бир хил моллар учун кам (бензин)	Йўқ
Чиқиш осонлиги	Кириш ва чиқиш нисбатан осон	Кириш ва чиқиш нисбатан осон	Қийин, кўпинча катта	Жуда қийин

			инвестициялар арни талаб қилади	
--	--	--	---------------------------------------	--

АҚШ да қонуний монополиялар мавжуд:

- алоқа ва коммуникация воситаларидан фойдаланиш бўйича компаниялар;
- патент тизими;
- муаллифлик ҳуқуқи ва мол белгиси.

Рақобат бозорга ижобий таъсир кўрсатади ва жамият аъзолари манфаатини ҳимоя қилади. Тадбиркорлар ўзаро баҳо белгилаш ҳақида битим тузадиган бўлсалар, истеъмолчилар шу мол учун кўпроқ тўлашга мажбур. Талаб ва таклиф мувозанатини ўрнатиш механизми бузилади.

Бозорни монополизациясининг салбий оқибатларини четлаб ўтиш учун кўпчилик давлатлар монополияларни чеклаш ва бозорда эркин рақобатни ҳимоя қилиш учун чора тадбирлар қабул қилишади.

Шунга қарамасдан бизнеснинг кўпчилик турлари, табиийки, максимал ўсишдан ва бозор устидан назорат қилишга интиладилар. Бу мақсадга эришиш йўлларида бири-бу компанияларнинг бирлашиши ҳисобланади.

Бизнесни кенгайтиришнинг икки йўли мавжуд: ички ва ташқи.

Фирма ичдан кенгайди, агар улар янги фабрикалар курса, қўшимча қурилмалар ўрнатишса ёки хизматчиларни ёнласа.

Фаолиятни кенгайтиришнинг ташқи йўли бошқа компанияларнинг бирлашиш йўли билан қўшилишини мўлжаллайди. Компанияларнинг бирлашиши, агар битта фирма бошқа фирманинг акцияларини сотиб олса, содир бўлади. Беллашиш оқибатида иккинчи компания тарқатиб юборилади ёки биринчи фирманинг таркибий қисмига айланади.

Компанияларнинг бирлашиши учта йўналиш бўйича олиб борилади:

1. икки наشريётнинг бирлашуви (компаниялар битта соҳада бирлашади)

2. вертикал-битта технологик занжирда ҳар хил босқичларни амалга оширувчи компанияларнинг бирлашуви (автомобил компанияси пўлат қуйиш заводиға эға бўлади).

3. Конгломерат-битта молиявий ва бошқариш тузилишида ишлаб чиқаришнинг бир нечта турлари.

Асосий қонунлари ёрдами билан рақобатчиликни қўллаб-қувватлашға ва савдонинг чекланишиға қаршилиқ кўрсатишға интилади.

Миллатнинг яшаш даражаси шу давлат фуқароси фойдаланиш имконияти бўлган мол ва хизматлар сони билан ўлчанади.

Мамлакатда яшаш даражасини ҳисоб усулларида бири-бу ишлаб чиқариш мажмуаси ҳажмини (ялпи миллий маҳсулотни) аҳоли катталиғиға бўлиш.

Ишлаб чиқариш аҳолиға нисбатан тез ўсгани ҳолда, битта яшовчиға кўп сонли мол ва хизмат тўғри келади, яшаш даражаси ортади. Агар аҳоли ишлаб чиқаришға нисбатан кўпроқ миқдорда ошиб борса, ўртача яшаш даражаси тушади.

Ишлаб чиқаришни оширишни хоҳловчи мамлакатлар ўзига иккита савол беришлари керак,

1. Уларда ресурслар захиралари борми? Ёки фабрика ва машиналар бор қуввати билан ишляптими ва ҳар бир иш излаган инсон, уни топа оладими?

2. Ишлаб чиқаришни ошириш учун улар ўзларида бор ресурсларни нима қилишлари мумкин?

Саволлар бевосита иш унумдорлиғи саволлари билан боғлиқ.

Сиз шу ресурслар ёрдамида ва қисқа вақт ичида кўп маҳсулот ишлаб чиқарсангиз, унда иш унумдорлиғи ошади.

Иш унумдорлиғи бизнинг ишимизнинг самарадорлигини таърифлайди. Иш унумдорлиғи ўлчанаётган маҳсулот сонини соатиға битта ишчиға бўлиш билан ўлчанади.

1) Иш унумдорлиги нимага боғлиқ? Иш унумдорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. меҳнат ресурсларининг сифатига;
2. машина ва қурилмаларнинг сифатига;
3. ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига;
4. ишбилармонлик самарадорлигига.

1. Меҳнат ресурсларининг сифати-таълим бериш ва ишчиларни тайёрлаш. Таълим бериш ва ўргатиш дастурларининг сифатини яхшилаш.

2. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги менеджерларга (бошқарувчи) боғлиқ. Ишлаб чиқариш жараёнида менеджерлар зарур бўлган маблағнинг (актив асосий фондлар шаклида) келиб тушиши учун жавобгар бўладилар. Менеджерлар фирма учун иш кучини ёнлаши ва ўқитиши керак, бир сўз билан менеджерлар максимал иш унумдорлигига эришиш мақсадида меҳнат ва маблағни бирлаштириши керак.

Шундай қилиб Форд 1913 йилда машина йиғнаш учун конвейер линиясини киритди.

Иқтисодиётдаги даврий ўсишлар ва тўсишлар ишбилармонлик фаоллиги даври деб айтилади. Бунда, хўжалик фаолияти секинлашади, сотувлар ҳажми тушади, штатларнинг вақтинчалик қисқаришига олиб борилади.

Фирмалар ишлаб чиқариш масштабида тежашлари мумкин:

-улар меҳнатни тақсимлаш афзалликларини тўла амалга оширишлари мумкин;

-улар хом-ашёга улгуржи арзонлаштирилиб бериладиган ҳажмда ресурслар сотиб олишлари мумкин;

-улар юқори иш унумдорлигига эга машиналарни сотиб олишлари мумкин;

-улар илмий-тадқиқот ва текшириш–конструкторлик ишларини ўтказишлари мумкин;

2) Фирманинг ўсиши ва маҳсулотларни чиқариш ошиши қадар шундай вақт келадики, қачон ўлчами кичик бўлган корхоналарга нисбатан

унинг ҳар бир янги мол бирлигини ишлаб чиқаришга бўлган ҳаражати камаяди. Нимага? Бунинг учун ҳаражатнинг иккита ҳар хил турини қараб чиқамиз:

- доимий ҳаражатлар (рента, кўчмас мулк учун солиқлар, бошқарувчига маош, қарзлар бўйича фоизлар);

- ўзгарувчи ҳаражатлар (соатбой иш ҳақи, энергия, хом-ашё).

Ҳаражатлар мажмуаси доимий ва ўзгарувчан ҳаражатлар йиғиндисидан иборат.

Агар мол бирлигининг қийматини билиш керак бўлса, унда уни доимий ва ўртача ўзгарувчи ҳаражатларни билган ҳолда олинган катталикларни қўшиб ҳисоблаш мумкин.

Мисол:

Аравалар ишлаб чиқариш қиймати.

Вагонларни ишлаб чиқариш	Доимий ҳаражатлар мажмуаси	Ўртача доимий ҳаражатлар	Ўзгарувчи ҳаражатларн инг	Ўртача ўзгарувчи ҳаражатлар	Ўртача умумий ҳаражатлар
0	120000	Ҳаражат йўқ			
1000	120000	120	70000	70	190
3000	120000	40	120000	40	80
5000	120000	24	15000	30	54
6000	120000	20	162000	27	47
7000	120000	15	280000	35	50
8000	120000	12	460000	46	58

Дастлаб ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан араваларнинг қиймати тушади. Кейинчалик, агар ишлаб чиқариш сўнг ҳам ўсса, битта араванинг

қиймати ҳам ошади. Бунинг сабаби иқтисодиёт қонунларининг бирида келиб чиқади: камайиб кетувчи даромадлиқ қонуни.

Мисолдан кўриниб турибдики, доимий харажатлар ўзгармайди, шу сабабли ўзгарувчи харажатларга эътибор қаратамиз. Улар ўртача ўзгарувчи харажатларда олдин тушади кейин ошади. Маҳсулот ҳажми оширилганда шундай пайт келадики, унда ишчилар бир-бирига халақит беришади, қурилмалар бўлса бузила бошлайди. Иқтисодчилар камайиб кетувчи қиймат қонунини шундай ифадалайдилар: хар хил харажатлар (ўзгарувчан харажатларга қўшиладиган) ўзгармас харажатларга (бинолар, иншоатлар) тўғри келар экан, ишлаб чиқариш харажат бирлигига ошиб боради.

Шунда фирма қанча арава ишлаб чиқаради?

Аравани ишлаб чиқариш ҳажми талаб ва таклифга боғлиқ. Аравалар сони сотув нарҳига боғлиқ бўлади.


Аравага бўлган талаб шкаласи.

Арава учун баҳо	Аравага бўлган талаб.
100	1000
90	3000
80	5000
70	6000
60	8000
50	10000

Фирманинг потенциал даромадлари.

Бир донаси учун баҳо	Арава ишлаб чиқариш	Ўртача умумий чиқимлар	Бирликда н олинган даромад	Даромад (зарар) мажмуаси
100	1000	190	-90	-90000

90	3000	80	10	30000
80	5000	54	26	130000
70	6000	47	23	138000
60	8000	50	10	80000
50	10000	58	-8	-80000



Фирма 6000 аравани донасини 70 доллар нархда ишлаб чиқади, чунки бу ерда уларнинг энг юқори даромади.

Камайиб кетувчи даромадлиқ қонуни қандай қилиб ишчилар сонига таъсир қилишини кўриб чиқамиз.

Ишчилар сони	Ишлаб чиқариш ҳажми	Иш унумдорлиги	Энг юксак иш унумдорлиги
1	40	40	40
2	90	45	50
3	160	53,3	70

4	260	65	100
5	320	64	60
6	360	60	40
7	380	54,3	20
8	370	46,3	-10

Берилган жадвалдан кўриш мумкин-ки, бир ишчи мустақил равишда 40 ғилдиракни бир кунда йиға олади.

Ишлаётганлар сонини икки одамгача оширилганда яппи ишлаб чиқариш кунига 90 маҳсулотгача ошади, ёки ўртача бир одамга 45 ғилдиракдан.

Яна битта одам кўшилиши учун одамга 160 ғилдиракгача ошишига олиб келади. Тўртинчи одам ҳажми 100 ғилдиракга оширади. Бешинчиси бўлса фақат 60 тага, олтинчиси-40 га, еттинчиси-20 га, саккизинчидан бошлаб бўлса пасайиш бошланади. Ишловчилар гуруҳига 4-чи одам кўшилгунгача ошиб борган битта ишчининг ўртача маҳсули пасайиши бошлайди.

Ишлаётганлар сонини 4-одамгача оширишда камайиб кетувчи даромадлиқ қонуни ўз ҳаракатини бошлайди.

3) Энди меҳнат унумдорлиги нима сабабдан ўзгаришини кўриб чиқамиз.

-бир соатдан меҳнат унумдорлиги;

-бирлик қиймати;

-соатбай ҳақ каби тушунчаларини бирлаштиривчи график чизамиз.

70-йилларда иш унумдорлиги тушиб кетган эди, сабаби урушдан кейин туғилган авлод пайдо бўлди, уларнинг кўпчилиги аёллар бўлиб, ёш ва тажрибасиз ишчилар эди.

70-йилнинг бошларидан бошлаб энергия қиймати ўса бошлади, бу эса иш унумининг тушишига олиб келади. Илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлар ҳажми қисқаради, демак технологик ишлаш кам, меҳнат унумдорлиги камаяди.

АҚШда иш унумдорлигининг ўсиши куйдагилар ҳисобига амалга ошди:

- янги корхоналарга инвестицияларни рағбатлантириш учун тадбиркорга солиқларни қисқартириш;
- тадбиркорликни бошқариш қийматини оширувчи давлат томонида тартибга солишни қисқартириш;
- энергиянинг кам ҳаражатли манбаларини қидириш ва ишлаб чиқиш, импортга қарамликни пасайтириш;
- рақибликни эмас балки шерикли хамкорлик, бошқариш ва меҳнат қилиш йўлларини ишлаб чиқиш;
- шу заҳоти даромат олиш эвазига иш унумдорлигини узоқ муддатга оширишга йирик пропорцияларни илхомлантириш;
- энг яхши таълим билан таъминлаш йўли орқали иш куни сифатини ошириш;
- бошқаришни ва меҳнатни муфоқиятлаш йўлларини топиш;
- самаралироқ бошқариш асосида йўқотишларни қисқартириш;
- ҳукуматга бўйсунадиган шахсий корхоналарни фирмалар билан алмаштириш ва аксинча.

Массачусетс технологик институтининг иқтисодчилари фикри бўйича унумдорликни ошиши куйдагиларга боғлиқ:

- эскирган тадбиркорлик стретегиясини алмаштиришга. Энг ақилли сиёсат-таъминловчи билан узоқ вақтга битим тузиш.
- даромад олишнинг узоқ муддатли келажакка мўлжалламоқ зарур.
- ихтиро оммавий ишлаб чиқариш босқичида етказилиши керак.
- ҳозир инвестиция қилиш, кейинчалик фойдаланиш.

4) Ҳар бир фирманинг бирламчи мақсади даромадни максималлаштиришдир (энг кўп даромад олиш). Фирманинг ечиши керак бўлган масалаларидан бири-ишлаб чиқариш даражасини аниқлаш. Қандай қилиб даромад аниқланади?

Ялпи даромад маҳсулотларни сотишда олинган даромад (ялпи даромад) ва уни ишлаб чиқишга сарфланган йиғиндиси (ялпи ҳаражат) фарқлари билан аниқланади. Фирма ишлаб чиқаришнинг энг кўп даромад оладиган даражасини танлайди.

<u>Кундалик ишлаб чиқариш</u>	<u>Даромад.</u>
50 кути	30 доллар
75 кути	40 доллар
100 кути	35 доллар

Бу ҳодисада 75 кути ишлаб чиқиш зарур, чунки бу максимал даромад олиб келади. Ишлаб чиқиш даражасини аниқлашнинг 2 йўли бор:

1-йўли-синаб кўриш ва янглишишлар усули, лекин бу кўп вақтни ва маблағни олади;

2-йўли-маржинал (энг юксак) таҳлил.

Иқтисодчи уни қўшимча маҳсулот бирлигини ишлаб чиқишда олинган даромад энг юксак даромад MR бўлиб намоён бўлади. Энг юксак даромад (MP) энг юксак кирим ва энг юксак чиқим (MC) ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади:

$$MR - MC \text{ қ } MP$$

Энг юксак кирим-бу фирманинг ҳар бир қўшимча маҳсулот бирлигини ишлаб чиқишдан оладиган қўшимча даромад.

Энг юксак чиқим-фирманинг қўшимча маҳсулот ишлаб чиқишга кетказган ҳаражати.

Фирма қандай қилиб ишлаб чиқариш даражасига чиқади?

Агар қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш чиқимига нисбатан ялпи даромаднинг катта даражада ошишига олиб келса, фирма ишлаб чиқаришни ўстириши керак. Шундай қилиб фирма маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўстириш ечимини қабул қилиб, оддий қоидага амал қилиши мумкин:

Энг юксак киримнинг энг юксак чиқими. Меҳнат унумдорлигини ўсишида маблағ ажратиш катта роль ўйнайди. Янги корхона ва қурилмаларга

маблағ ажратиш қанча кўп бўлса, меҳнат унумдорлигининг ўсиши шунча катта бўлади.

### 5) Маркетинг бу нима?

Иқтисодчилар учун-ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ўртасида бўладиган ҳамма нарса маркетинг категориясига киради. Агар бозор-сотувчи ва харидор учрашадиган жой бўлса, унда маркетинг-уларнинг учрашишига ёрдамлашадиган фаолият.

Маркетинг ўз ичига-сотиш ва сотиб олиш, транспартировка, жойлаштирмак, маҳсулотлар номенклатурасини режалаш, бозорни ўрганиш, бозорда молларнинг силжиши, истеъмолчига хизмат кўрсатиш, маблағ билан таъминлаш, суғурта қилиш ва ҳ.к.ларни қамрайди.

Маҳсулот, сотиш нархи, силжиш ва позиция –маркетингнинг 4 та асосий тушунчаси.

1. Тадбиркор потенциал истемолчининг қандай турдан маҳсулот зарурлигининг аниқлаш зарур.

2. Компания барча ҳаражатларини қоплайдиган ва даромад келтирадиган сотиш нарҳини танлаши керак.

Вазифалар	Мазмуни
Ахборот	Фирмалар эҳтимол қилинадиган сотувларни башорат қилиш учун сотув бозори ҳақида ахборот йиғади.
Сотиб олиш	Молни сотишдан олдин уни танлаб олиниши ва сотиб олиниши керак.
Транспортировка	Моллар сотилиш жойига олиб борилиши керак.
Сотиш	Мол реклама қилиниши ва сотилиши керак.
Сақлаш	Молнинг сонини бир кунда сотиладиганга нисбатан кўп, шунинг учун сотувгача сақлаш муҳим.
Маблағ билан	Савдо қилмоқчи бўлган молни сотиб олиш учун

таъминлаш	зарур бўлган пул ёки кредит топиш керак.
Стандартлаш ва саралаш	Мол ва хизматлар учун таянч тавсифномалар ўрнатилади. Мол сифати ва ўлчовлари бўйича сараланади.
Суғурта	Ишбилармон одамлар агар иш кутгандай бўлиб чиқмаса даромадни йўқотиш хавфи бор. Бу чора хавфни чегаралайди.

Рента ёки суғурта каби доимий харажатларга киради. Ўзгарувчан харажатлар ҳам инобатга олиниши керак. Улар материалларга кетган харажат ва воситалар ҳаққини ўз ичига олади. Бу катталиклар ўз-ўзини қоплаш чегарасини ҳисоблаш учун қўлланилади. Ўз ўзини қоплаш бу шундай пайт, унда сотувчи тушган кирим доимий ва ўзгарувчи харажатлар йиғиндисига тенг. Компания шу чегарадан юқорида турса соф даромад олади, пастда турса зарар кўради. Мана шу барча компанияларнинг асосий ташвиш предмети ҳисобланади. Компаниялар молнинг нархини ошириб юбормслиги керак. Чунки рақиблар паст нархда сотишлари мумкин.

3. Силжиш – маркетингнинг аҳамиятли вақти ҳисобланади. Чунки у ишлаб чиқарувчан ва истеъмолчи алоқа усулини намоён этади. Силжиш вазибаларидан бири – доимий ва ўсиб бораётган талабни (реклама, шахсий контактлар) сақлаб туриш ҳисобланади.

4. Позиция. Маҳсулот фойдали бўлиши учун зарур бўлган жойда ва вақтда бўлиши керак.

1. «Бозор» тушунчаси «маркетинг» даврининг ниҳояловчи тушунчасига олиб келади.

Маркетинг – бу қандай бўлмасин бозорга дахлли бўлган инсон фаолиятидир. Маркетинг – бу мақсад инсон эҳтиёжи ва талабларини қониқтиришга бўлган айрибошлашни амалга ошириш учун бозор билан ишлаш.

Сотувчи бозори-бу шундай бозорки, унда сотувчилар кўпрок хокимликка эга ва улар энг актив «бозор арбоблари» бўлишига тўғри келади.

2. Маркетингни бошқариш-бу ташкилотларнинг даромад олиш, сотув хажмини ошириш, бозор улушини ошириш ва шу каби маълум масалаларга етишиш мақсадида мақсадли харидорлар билан манфаатли айрибошлашни ўрнатиш, мустаҳкамлаш ва қўллаб қувватлашга мўлжалланган тадбирларни таҳлил қилиш, режалаш, ҳаётга тадбиқ этиш ва ўтказилишини назорат қилишдир. Маркетинг бўйича бошқарувчи-бу маҳсулотни сотиш учун харидор кидирувчи мутахасис. Лекин бу унинг вазифалари доираси ҳақида жуда тор тушунча. Маркетингни бошқариш вазифалари ташкилот олдида турган мақсадларга етишишга ёрдамлашадиган тарзда талаб даражасига, вақтига ва ҳаражатларга таъсир қилишдан иборат.

Маркетингни бошқариш-талабни бошқаришдир. Маркетинг бўйича бошқарувчи-бу маркетинг вазиятларини таҳлил қилиш, мўлжалланган режаларга ҳаётга тадбиқ этиш ва назорат вазифаларини амалга оширувчи фирманинг лавозимини шахси ҳисобланади. Бунга қуйдагилар киради:

- сотув бўйича бошқарувчи ва сотув хизматининг ходимлари;
- реклама хизматининг раҳбарлик қиладиган ишчилар;
- сотувни рағбатлантириш бўйича мутахассислар;
- маркетинг ўрганувчилар;
- моллар бўйича бошқарувчи ва баҳо шакилланиши

муаммолар бўйича мутахассис.

3. Тижорат ташкилотлари маркетинг фаолиятини олиб боришга асосланувчи 5 асосий ёндошиши мавжуд:

- 1 - ишлаб чиқаришни мукамаллаштирувчи концепцияси;
- 2 - молни мукамаллаштирувчи концепцияси;
- 3 - тижорат кучларини жадаллаштириш концепцияси;
- 4 - ижтимоий этик маркетингнинг концепцияси.

4. Ишлаб чиқаришни мукамаллаштириш концепцияси тасдиқлайдики, харидорлар кўп тарқалган ва нарҳи бўйича сотиб олиш мумкин бўлган

молларга илтифотли бўлишади. Шундай экан рахбарият ўз этиборини ва кучини ишлаб чиқаришни мукаммаллаштиришга ва тақсимлаш тизимини самарадорлигини оширишга қаратиш керак. Бу концепция икки ҳолатда ишлайди: агар талаб таклифдан юқори бўлса ва агар молнинг таннархи жуда юқори бўлса ва уни пасайтириш зарур бўлганда. Бунинг учун меҳнат унумдорлигини ошириш талаб қилинади.

5. Молни мукаммаллаштириш концепцияси тасдиқлайди-ки, истеъмолчилар энг юқори сифат, энг яхши фойдаланиш сифатини таклиф этувчи молларга илтифотли бўлишади. Шундай экан ташкилот ҳар доим молни мукаммаллаштиришга ўз этиборини қаратиши керак.

Бунда бу концепция “маркетингнинг узокни кўралмослигига” олиб келади. Сотувчи ўз молини шундай яхши кўриб қоладики, харидорлар эҳтиёжи ҳақида унутади.

Логарифмик чизғичларни ишлаб чиқарувчилар инженерларга ҳисобларни амалга ошириш имконияти эмас, балки айнан шу деб ҳисобланарди, ва чўнтак калкуляторлари томонидан хавфни сезмадилар.

6. Тижорат кучларини жадаллаштириш концепцияси тасдиқлайди, . агар ташкилот сотиш ва рағбатлантириш доирасида муҳим чораларни қабул қилмаса истеъмолчилар бу ташкилотнинг молини етарли миқдорда сотиб олишмайди.

Тижорат кучларини жадаллаштириш концепциясини пассив талабларга, мисол учун, суғурта, энциклопедик луғатларга нисбатан айниқса агрессив равишда қўллашади.

Бундай ҳолатларда потенция харидорларни топишнинг ҳар хил усуллари ишлаб чиқилган ва камолатга етказилган (мисол учун, автомобилларни сотиш).

5. Маркетинг концепцияси. Маркетинг концепцияси тасдиқлайди – ташкилот мақсадларига етишишининг гарови мақсадли бозорлар эҳтиёж ва талабларини аниқлаш, истеъмолни қондиришни рақибларга нисбатан самаралироқ ва маҳсулли қилиб таъминлаш.

Маркетинг концепциясининг моҳиятини “эҳтиёжни топ ва уни қониқтир”, “Ишлаб чиққан нарсани сотишга урингандан кўра сота оладиган нарсани ишлаб чиқинг”, “Молни эмас, харидорни севинг” туридаги рангоранг ифодалар ёрдамида аниқланади.

Тижорат кучларини жадаллаштириш ва маркетинг концепсияларини кўпинча бир-бири билан адаштиришади. Т.Левитт улар қуйидаги тарзда ажратади:

Сотиш бўйича тижорат кучлари-бу сотувчи эҳтиёжларига эътибор қаратмоқ, маркетинг бўлса-бу харидор эҳтиёжларига диққат қилишдир.

Эътиборнинг асосий объекти	Мақсадга етишиш чоралари	Сўнги мақсад
Моллар	Тижорат кучлари ва рағбатлантириш чоралари	Сотув хажмини ошириш ҳисобига даромад олиш

Тижорат кучларини жадаллаштириш концепцияси

Истеъмолчилар эҳтиёжи	Маркетингнинг комплекс кучлари	Истеъмолчиларни қондиришни таъминлаш ҳисобига даромад олиш

## 21.2. Маркетинг концепцияси

Маркетинг концепцияси-ташқилот мақсадларига етишиш учун асос сифатида истеъмолчиларни қониқтирилишини яратишга қаратилган маркетингни комплекс кучлари билан қувватлантирилган харидорлар эҳтиёжи ва талабларига бўлган мўлжал.

### Назорат саволлари:

1. Бозорнинг қандай асосий тушунчалари бор?
2. Мукамал рақобатчилик қандай шартларни қониқтириши керак?
3. Монополистик рақобатчилик деганда нимани тушунаси?

4. Компанияларнинг бирлашиши нечта йўналиш бўйича олиб борилади?
5. Маркетинг концепцияси деганда нимани тушунасиз?

## **XXII БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МАРКЕТИНГ**

### **§22.1. Маркетинг бозорини ўрганиш**

Маркетинг, бозорни ўрганиш, франчайзинг, талаб, таклиф, ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлиги, фойданинг камайиш қонуни.

Миллатнинг яшаш даражаси шу давлат фуқароси фойдаланиш имконияти бўлган мол ва хизматлар сони билан ўлчанади.

Мамлакатда яшаш даражасини ҳисоб усулларида бири-бу ишлаб чиқариш мажмуаси ҳажмини (ялпи миллий маҳсулотни) аҳоли катталигига бўлиш.

Ишлаб чиқариш аҳолига нисбатан тез ўсгани ҳолда, битта яшовчига кўп сонли мол ва хизмат тўғри келади, яшаш даражаси ортади. Агар аҳоли ишлаб чиқаришга нисбатан кўпроқ миқдорда ошиб борса, ўртача яшаш даражаси тушади.

Ишлаб чиқаришни оширишни хоҳловчи мамлакатлар ўзига иккита савол беришлари керак,

1. Уларда ресурслар захиралари борми? Ёки фабрика ва машиналар бор қуввати билан ишляптими ва ҳар бир иш излаган инсон, уни топа оладими?

2. Ишлаб чиқаришни ошириш учун улар ўзларида бор ресурсларни нима қилишлари мумин?

Саволлар бевосита иш унумдорлиги саволлари билан боғлиқ.

Сиз шу ресурслар ёрдамида ва қисқа вақт ичида кўп маҳсулот ишлаб чиқарсангиз, унда иш унумдорлиги ошади.

Иш унумдорлиги бизнинг ишимизнинг самарадорлигини таърифлайди. Иш унумдорлиги ўлчанаётган маҳсулот сонини соатига битта ишчига бўлиш билан ўлчанади.

Иш унумдорлиги нимага боғлиқ? Иш унумдорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. меҳнат ресурсларининг сифатига
2. машина ва қурилмаларнинг сифатига
3. ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига
4. ишбилармонлик конъюктураси

1. Меҳнат ресурсларининг сифати-таълим бериш ва ишчиларни тайёрлаш. Таълим бериш ва ўргатиш дастурларининг сифатини яхшилаш.

2. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги менеджерларга (бошқарувчи) боғлиқ. Ишлаб чиқариш жараёнида менеджерлар зарур бўлган маблағнинг (актив асосий фондлар шаклида) келиб тушиши учун жавобгар бўладилар. Менеджерлар фирма учун иш кучини ёнлаши ва ўқитиши керак, бир сўз билан менеджерлар максимал иш унумдорлигига эришиш мақсадида меҳнат ва маблағни бирлаштириши керак.

Шундай қилиб Форд 1913 йилда машина йиғнаш учун конвейер линиясини киритди.

Иқтисодиётдаги даврий ўсишлар ва тўсишлар ишбилармонлик фаоллиги даври деб айтилади. Бунда, хўжалик фаолияти секинлашади, сотувлар ҳажми тушади, штатларнинг вақтинчалик қисқаришига олиб борилади.

Фирмалар ишлаб чиқариш масштабида тежашлари мумкин:

-улар меҳнатни тақсимлаш афзалликларини тўла амалга оширишлари мумкин;

-улар хом-ашёга улгуржи арзонлаштирилиб бериладиган ҳажмда ресурслар сотиб олишлари мумкин;

-улар юқори иш унумдорлигига эга машиналарни сотиб олишлари мумкин;

-улар илмий-тадқиқот ва текшириш–конструкторлик ишларини ўтказишлари мумкин;

Фирманинг ўсиши ва маҳсулотларни чиқариш ошиши қадар шундай вақт келадик, қачон ўлчами кичик бўлган корхоналарга нисбатан унинг ҳар бир янги мол бирлигини ишлаб чиқаришга бўлган харажати камаяди. Нимага? Бунинг учун харажатнинг иккита ҳар хил турини қараб чиқамиз:

- доимий харажатлар (рента, кўчмас мулк учун солиқлар, бошқарувчига маош, қарзлар бўйича фоизлар);

- ўзгарувчи харажатлар (соатбой иш ҳақи, энергия, хом-ашё).

Харажатлар мажмуаси доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндисидан иборат.

Агар мол бирлигининг қийматини билиш керак бўлса, унда уни доимий ва ўртача ўзгарувчи харажатларни билган ҳолда олинган катталикларни кўшиб ҳисоблаш мумкин.

Бозор иқтисодиётининг барпо этилиши ва фаолият кўрсатиши маълум бир тамойилларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Уларнинг мазмунини баён қилишдан аввал айтиш керакки, бозор иқтисодиётининг таркибида фақат ишлаб чиқарувчи (сотувчи) истеъмолчи (ҳаридор) билан учрашадиган товар ва хизматлар бозори эмас, балки молиявий ресурслар (капитал) бозори ва бошқалар ҳам амал қилади. Бу бозорларнинг барчаси бир-бирини тўлдириб, ягона бозор иқтисодиёти механизмини ташкил қилади.

Бу механизмнинг характерли белгилар қуйидагилардан иборат:

- маҳсулот (юмушлар, хизматлар) ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида алоқанинг эркинлиги;
- ҳамкорларнитанлаш эркинлиги;
- бозор иштирокчилар ўртасидаги рақобат.

Машҳур иқтисодчи олим Леонтъевнинг фикрича, бозор механизми рақобатга асосланади, аммо давлатнинг қатъий назорати остида, миллий даромаднинг катта қисмини ўз ичига олувчи ижтимоий хизматлар тизимлари

билан боғлиқликда фаолият кўрсатади. У кескин марказлашган режалаштириш ўрнига индикатив йўналтирувчи режалаштиришни кўзда тутлади. Бошқача қилиб айтганда, бозор механизмини ҳам бошқа ҳар қандай механизм каби тегишли равишда бошқариш ва тартибга солиб туриш керак бўлади. Ўзбекистон иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш фақат ишлаб чиқилган модел асосидагина эмас, балки жаҳон фани ва амалиётининг ютуқлари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Давлат аввалбошдан тармоқлар иқтисодиётида ҳам, бутун миллий иқтисодиётда ҳам бош ислохотчи бўлди. Бугунги кунда республикамизда монополияга қарши кўмита ишлаб турибди, бизнес ва тадбиркорлик институтлари ташкил қилинган, кўпчилик вазирлик ва маҳкамалар -эскирган асосий давлат бошқарув органлари тугатилган, иқтисодиёт мафкурадан ажратилган, мулкчилар синфи шаклланиб бормоқда. Давлат иқтисодий фаолият эркинлигини, истеъмолчининг ҳуқуқлари устиворлигини ҳам, тенгликни ҳам, барча мулкчилик шаклларининг муҳофаза қилинишини ҳам кафолатлайди. Бўларнинг барчаси, яъни мамлакатнинг бозор муносабатларига йўналганлиги, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган. Бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларига келсак, Ўзбекистонга нисбатан улар, биринчидан, дастлаб мамлакат президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган, иккинчидан, -улар миллий иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишнинг ўз модели асосига қўйилган.

Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётнинг сиёсатдан озодлиги;
- қонунларнинг устиворлиги ва уларнинг барча бошқарув поғонларида мажбурий бажарилиши;
- давлат -барча ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда бош ислохотчи;
- меҳнаткашларнинг, айниқса кам таъминланган оилаларнинг манфаатларини кучли ижтимоий ҳимоялаш;

- бозорга вабозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш.

Қурилиш миллий иқтисодиётнинг ўзвий бир қисми сифатида бу тамойиллардан алоҳида фаолият кўрсата олмайди. Бундан ташқари, қурилиш бу тамойилларга мосланиши, уларнинг асосида ҳамда тармоқнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг тезлашишга имкон яратиши лозим.

Маркетинг-иқтисодчилар учун-ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ўртасида бўладиган ҳамма нарса маркетинг категориясига киради. Агар бозор-сотувчи ва харидор учрашадиган жой бўлса, унда маркетинг-уларнинг учрашишига ёрдамлашадиган фаолият.

Маркетинг ўз ичига-сотиш ва сотиб олиш, транспартировка, жойлаштирмак, маҳсулотлар номенклатурасини режалаш, бозорни ўрганиш, бозорда молларнинг силжиши, истеъмолчига хизмат кўрсатиш, маблағ билан таъминлаш, суғурта қилиш ва ҳ.к.ларни қамрайди.

## §22.2. Маркетингнинг асосий вазифалари.

Вазифалар	Мазмуни
Ахборот	Фирмалар эҳтимол қилинадиган сотувларни башорат қилиш учун сотув бозори ҳақида ахборот йиғади.
Сотиб олиш	Молни сотишдан олдин уни танлаб олиниши ва сотиб олиниши керак.
Транспортировка	Моллар сотилиш жойига олиб борилиши керак.
Сотиш	Мол реклама қилиниши ва сотилиши керак.
Сақлаш	Молнинг сонини бир кунда сотиладиганга нисбатан кўп, шунинг учун сотувгача сақлаш муҳим.
Маблағ билан	Савдо қилмоқчи бўлган молни сотиб олиш

таъминлаш		учун зарур бўлган пул ёки кредит топиш керак.
Стандартлаш саралаш	ва	Мол ва хизматлар учун таянч тавсифномалар ўрнатилади. Мол сифати ва ўлчовлари бўйича сараланади.
Суғурта		Ишбилармон одамлар агар иш кутгандай бўлиб чиқмаса даромадни йўқотиш хафи бор. Бу чора хавфни чегаралайди.

Маҳсулот, сотиш нархи, силжиш ва позиция –маркетингнинг 4 та асосий тушунчаси.

1. Тадбиркор потенциал истемолчининг қандай турдан маҳсулот зарурлигининг аниқлаш зарур.

2. Компания барча ҳаражатларини қоплайдиган ва даромад келтирадиган сотиш нарҳини танлаши керак.

Рента ёки суғурта каби доимий харажатларга киради. Ўзгарувчан харажатлар ҳам инобатга олиниши керак. Улар материалларга кетган харажат ва воситалар ҳаққини ўз ичига олади. Бу катталиклар ўз-ўзини қоплаш чегарасини ҳисоблаш учун қўлланилади. Ўз ўзини қоплаш бу шундай пайт, унда сотувчи тушган кирим доимий ва ўзгарувчи харажатлар йиғиндисига тенг. Компания шу чегарадан юқорида турса соф даромад олади, пастда турса зарар кўради. Мана шу барча компанияларнинг асосий ташвиш предмети ҳисобланади. Компаниялар молнинг нарҳини ошириб юбормслиги керак. Чунки рақиблар паст нархда сотишлари мумкин.

3. Силжиш – маркетингнинг аҳамиятли вақти ҳисобланади. Чунки у ишлаб чиқарувчан ва истеъмолчи алоқа усулини намоён этади. Силжиш вазибаларидан бири – доимий ва ўсиб бораётган талабни (реклама, шахсий контактлар) сақлаб туриш ҳисобланади.

4. Позиция. Маҳсулот фойдали бўлиши учун зарур бўлган жойда ва вақтда бўлиши керак.

### **Назорат саволлари:**

1. Иш унумдорлиги нимага боғлиқ?
2. Ягона бозор иқтисодиёти механизмини нималар ташкил қилади?
3. Маркетингнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. маркетингнинг 4 та асосий тушунчасини айтиб беринг?

## **XXIII БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБ-КИТОБИ. ҲИСОБ-КИТОБНИНГ МАЖБУРИЙЛИГИ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБ-КИТОБНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ.**

### **§ 23.1. Ҳисоб-китобнинг мажбурийлиги.**

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ барча ташкилотлар бухгалтерлик ҳисоб юргизиши ва давлат ташкилотларига ҳисобот кўрсатишлари мажбур.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар солиқ ташкилотларига кирим ва чиқим ҳақида декларация кўрсатишлари керак. Декларацияни ягона қоидалар бўйича бухгалтерлик ҳисоб юргизмай туриб тузиш мумкин эмас.

Бухгалтерлик ҳисоб берилганлари барча даражадаги тадбиркорларнинг ҳалқаро тили.

Бухгалтерлик ҳисоби тўғри олиб борилмаса куйидагиларни амалга ошириш мумкин бўлмайди:

- мол-мулкнинг мавжудлиги, ҳаракати ва ресурсларнинг барча турларидан тўғри фойдаланишнинг назоратини таъминлаш;
- хўжалик фаолиятида салбий фактларни ўз вақтида олдини олиш, ресурсларни аниқлаш ва ишга солмоқ, улардан фойдаланиш бўйича чоралар ишлаб чиқиш;
- фаолиятнинг хўжалик жараёнлари ва молиявий натижалари ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумот олиш;

- молиявий ташкилотлар билан тўғри ҳисоблашмоқ.

### **§23.2. Бухгалтерия ҳисоб-китобининг объектлари.**

#### 1) Бухгалтер ҳисобининг объектлари.

Ҳисоб буюми бўлиб, ташкилот мол-мулки ёки маблағи, шунингдек унинг молиявий ресурслари ёки пайдо бўлиш манбалари ҳисобланади. Маблағ ва манбалар доимий айланишда бўлади. Пуллар хом-ашёга айланади, у одам ва меҳнат воситалари таъсирида тайёр маҳсулотга айланади. Охиргиси нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан реализация қилинади. Бу жараёнлар давомида юридик ва жисмоний шахслар, коллектив билан, нафақа жамғармаси билан, ижтимоий ташкилотлар, тиббий суғурта, бюджет ва бошқа томонлар билан ҳисобот юзага келади.

#### 2) Хўжалик маблағларини таснифи.

Ҳар қандай ташкилотнинг хўжалик маблағларини бухгалтерия икки нуқтаи назарда қараб чиқади. Бир томондан, бу маблағлар қандай турлардан ташкил топган (мол-мулк таркиби), қандай соҳада жойлашган (ишлаб чиқиш, савдо-сотиқ ва бошқа) ва улар кимнинг мол-мулк маъсулиятлигига қарашлигини билиш зарур.

Иккинчи томондан – бу мол-мулк қандай манбалар ҳисобидан сотиб олинган ёки шакилланган. Маълумки., тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун хусусий ёки қарзга олинган маблағ зарур.

Асосий маблағларга: меҳнат куроли, бинолар, ва бошқа объектлар киради. Уларнинг хизмат муддати 1 йилдан ошади ва бошқа қиймати минимал ойлик меҳнат ҳақидан 50 карра ортиқ.

Айланма маблағларга: материаллар, тайёр маҳсулот, мол, кассадаги пул, валюта ва ҳисоб рақамида пул, берилган ташкилот уйларидаги пул (дебиторлик қарз) ва бошқа ҳисобдаги объектлар киради.

Мавҳум маблағлар – бу доимий ёки узоқ муддатга оборотдан қонуниятлар бўйича йил охиригача ташкилот маблағлари таркибида ҳисобга олиниб туради. Бундай маблағларга ташкилотнинг молиявий жамғармасини

ташқил этиш учун даромаддан фойдаланиш, бошқа мақсадлар, бюджетга тўлаш ва боқалар киради.

#### 4) Маблағ ва вазифалар.

Маблағлар манбалари ёки бошқа сўз билан молиявий ресурслар ҳисобига шакилланади. Ресурслар ичида қуйидагилар фарқ қилади: хусусий маблағ,(маблағ)-қарзга олинган ёки жалб этилган –ва вужудга келувчи вазифалар.

Хусусий маблағда асосий ўринни уставли маблағ эгаллайди. У хусусий мулк эгаларининг: учредителлар (қатнашчилар) хўжалик ўртоқлиги ва хўжалик жамиятлари (хиссадорлик жамияти, чекланган маъсулиятли жамиятлар шаклида) ва давлат бадали эвазига ҳосил бўлади. Мол-мулкка сифатида пул, асосий ва айланма маблағ, қиммат баҳо қоғозлар, мулк ёки қиммат баҳо пул баҳосига эга бўлган бошқа ҳуқуқлар бўлиши мумкин.

Уставли маблағ чекланган маъсулиятли жамият ва хиссадорлик жамиятларда шакилланади. Биринчидан бу маблағ уйга бўлинади: унинг қатнашчилари бўлса жамият вазифлари бўйича жавоб беришмайди ва улар киритган тўлов қиймати чегарасидан зиён таваккалига эга.

Хиссадорлик жамиятда уставли маблағ маълум миқдордаги акцияларга бўлинган, унинг қатнашчилари уларга тегишли бўлган акциялар чегарасидаги зиённинг тўлаши мумкин. Ўртоқлик маблағ ўртада тўпланган маблағ ҳисобига ҳосил бўлади. Тўлиқ ўртоқчилик ва ишонч ўртоқлиги фарқланади.

Кредит қарз-бу бошқа ташкилот фойдасига қарзлар.

Вазифаларга киради:

- бюджетга кредит қарз:
- ўзининг меҳнат коллективига меҳнатга тўлаш учун қарз.
- ижтимоий ва тиббий суғурта ташкилотлари олдидаги қарз.
- нафақа жамғармаси ва бандлик жамғармаси олдидаги қарз.

Шуни тақидлаш керак, мулк маблағи ҳар доим унинг манбалари маблағига тенг бўлиши керак, бу корхона балансини тامينлайди.

## 5) Хўжалик операциялари.

Хўжалик операциялари бухгалтерлик ҳисоби объекти сифатида материалларни сотиб олиш ёки тайёрлаш, маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уни реализация қилиш (сотиш) жараёнларида ташкил топади.

Бу босқичлари алмашнишида маблағнинг натурал шаклининг ўзгариши содир бўлади.

Сотиб олиш ёки тайёрлашда (таъминлаш) пул маблағи материалга айланади. Асосий маблағлар қуриш ёки сотиб олиш натижасида ошади. Улар ташкилотга маблағ ажратиш орқали келиб тушади, у яна бухгалтерлик ҳисоб объекти ҳисобланади.

Келиб тушган материал ишлаб чиқишга юборилади, у ерда иш куни ва ишлаб чиқариш курули ёрдамида меҳнат буюми тайёр маҳсулотга айланади. У реализация қилиниши керак. Бу актлар жараёнида тайёр маҳсулот пул бўлади, пул бўлса яна материал тайёрлашга юборилади. Айланиш жараёнида кўп сонли операциялар ёки хўжалик ҳаёти фактлари амалга оширилади. Улар бухгалтерлик ҳисобда акс эттирилиши лозим.

Бухгалтерлик ҳисоб усулининг унсурлари: ҳужжатлар, баҳолаш, ҳисоб, хўш ёзма, инвентаризация, калькуляция, баланс яқунлаш киради.

Ҳужжатлар ўзидан – ҳар бир хўжалик операцияларини яхлит ёки узлуксиз қайд қилиш усулини намаён этади.

Ҳужжатларда ёки маълумотни техник ташувчиларда ишлаб чиқариш операциялар мазмуни акс эттирилади. Уларнинг берилганлари кейин иқтисодий гуруҳлаш ва яқунлаштириш қилинади.

Операцияларни ҳужжатли расмийлаштириш қонуниятларни сақлаш, хўжалик маблағларини мақсадга мувофиқ ишлатишни назоратлашда муҳим чора ҳисобланади.

Ҳужжатли тасдиқланган ҳар хил хўжалик операцияларини келгусида ҳисобда акс эттириш ва яқунлаштириш учун уларни баҳолаш керак.

Баҳолаш маблағни, унинг манбалари ва операцияларини пулли ўлчашдан иборат. Баҳолаш жараёнида ҳужжатларда таркибидаги натурал ва

меҳнат кўрсаткичлари нарҳ, тариф ставкалари ва лавозим окладлари ёрдамида пулли кўрсаткичга ўтказилади.

Бухгалтерлик ҳисобнинг ҳар бир объекти ҳақида якуний маълумот олиш учун баҳолашдан кейин барча операциялар маълум тартибда яқунлаштирилади ва гуруҳланади.

Шу мақсад билан бухгалтерлик санаш усули қўлланилади. Санашларда маблағлар ва улар манбаларининг ҳолати қайд қилинади, шунингдек хўжалик операциялари таъсирида бухгалтерлик ҳисоб объектларида содир бўлган ўзгаришлар қайд қилинади.

Ҳар бир ҳисобга олинган объект бўйича, яъни хўжалик жараёнларининг ҳар бир тури, маблағлар категориялари ва улар манбалари бўйича алоҳида санаш очилади. Шу билан санаш ҳисобга олинган объектларни уларнинг иқтисодий мазмунининг бир жинслилик принципи бўйича гуруҳлаш учун хизмат қилади.

Хўжалик операцияларининг акс эттирилиши қўш ёзиш усули билан амалга оширилади. Бу усулнинг моҳияти ҳар бир операцияни бир вақтнинг ўзида икки санашда бир хил суммада қайд қилишдан иборат. Хўш ёзиш туфайли бухгалтерлик ҳисоб объектлари санашда ўз-ара алоқали акс эттирилишига эришиш мумкин, бу назорат учун муҳим аҳамиятга эга.

Хўжалик операцияларнинг бухгалтерлик ҳисоб санашларида тўғри акс эттирилгани вақти-вақти билан инвентаризация ёрдамида текширилади. У ўзида маблағ, унинг манбалари мавжудлигини текшириш усули, шунингдек дебитор ва кредиторларнинг ҳисоб ҳолатини намаён этади.

Инвентаризация мулкнинг сақланиши ва моддий маъсулиятли шахсларнинг ишини назорат қилишда муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Унинг берилганларини ҳисоб кўрсаткичлари билан таққосланади. Бунда аниқланган сабабларга кўра ҳисобдаги харажат ёки айбдор шахс ҳисобига киритилади, ортиқчаси эса кирим қилинади. Шу билан ҳисоб берилганлари шу шу хўжаликнинг ҳақиқатан мавжуд маблағларига мослаштирилади.

Инвентаризация-фақатгина назорат ва ҳисоб берилганлари-нинг реаллигига эришиш воситаси эмас, балки шундай операция ва ҳодисаларни кузатиш ва қайд қилиш усулидир. Унинг ёрдамида ҳисобда хом-ашё, мол ва материалларнинг табиий емирилиши, йўқотишлар, камчиликлар, ортиқчалар акс этади, шунингдек ҳисоблар ва бухгалтерлик ёзишларнинг тўғрилиги аниқланади.

Калькуляция-меҳнат буюмларива воситаларининг таннархини ҳисоблаш, шунингдек ишлаб чиқилган тайёр маҳсулот ва кўрсатилган хизматни ҳисоблашдир.

Калькуляция келишилган нархларни белгилаш учун қўлланилади. Калькуляцияда харид қилинган материаллар ва хом-ашё таннархи, ишлаб чиқиш ва тўлиқ таннарх устига қўйиб ҳисобланади. Унга фақатгина ишлаб чиқариш бўйича харажатлар эмас, балки маҳсулотни сотиш (жойлаш, транспорт ва бошқа харажатлар) бўйича харажатлар ҳам киритилади.

Хўш ёзиш ёрдамида олинган ҳисоблар бўйича якуний маълумотлар ва ҳисоблаб чиқилган молиявий натижа кейинчалик фаолиятнинг якунлаштирилган кўрсаткичларини олиш учун йириклатилган гуруҳлар қилинади.

Бунинг учун баланс ва ҳисоботни қўллашади. Баланс якунлаш ёрдамида бухгалтерлик ҳисоб объектларининг йиғиндиси устидан назорат амалга оширилади. Бу хўжалик воситаларини унинг манбалари билан таққослаш йўли билан қилинади. Уларнинг умумий йиғиндиси бир-бирига тенг бўлиши керак.

Бухгалтерлик баланс ташкилотнинг молиявий ҳолатини таснифлайди. Ҳисобот тузиш учун маълумотларни бухгалтерлик ҳисобдан олишади. Баланс ва ҳисоб-бухгалтерлик ҳисоб усулининг асосий унсурларидир.

Бухгалтерлик баланс тушунчаси. Бухгалтерлик баланс-ташкilot (мулк) воситаларини унинг турлари ва ҳосил бўлиш манбалари бўйича сўм ва

валютали баҳолашнинг якунлаштирилган акс эттириш ва иқтисоднинг гурухланиш усулидир.

### Хиссадорлик жамият баланси

Актив

Пассив

№	Маблағлар номи	Йиғинди пул бирлик	№	Манбалар номи	Йиғинди пул бирлиги
1	2	3	1	2	3
	1. Асосий			1. Хусусий	
1.	маблағ	060	1.2.	маблағ	4894,0
2.	Дастгоҳлар	1500	3.	Уставли маблағ	90,0
	Бино			Жамғарма	40,0
				Тақсимланмаган даромад	
	Жами:	1560		Жами:	5024,0
	2. Айланма маблағ			3. Маблағ жалб этиш манбалари.	
3.	Материаллар	84,0			
4.	Тайёр маҳсулотлар	70,0			
5.	Касса	18	4.	Банкка қарз	150,0
6.	Ҳисоб санаш	3500	5.	Таъминловчига қарз	200,0
7.	Дебиторлар	110			
	Жами:	3649,0		Жами:	350,0
				3.Мажбурият	
1.	Даромадни махсус жамғармага		6.	Меҳнатга тўлаш бўйича қарз	50,0
	мавҳумлаштириш	64,0	7.	Молия	
2.	Бюджетга даромад тўлиш	150,0		ташкilotларига қарз	25,0

	Жами:	210,0		Жами:	75,0
	Баланс:	5449,0		Баланс:	5449,0

Балансинг унинг тузилиши бўйича мулк ёки маблағ кўрсатиладиган чап томонининг балансининг активи деб аталади.

Ўнги, яъни молиявий ресурслар балансининг пассивини кўрсатади (лотинча: актив-ҳаракатчан, пассив-ҳаракатсиз).

Ташкилотларда баланс ҳар ойда, банкларда ҳар йили тузилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Бухгалтерлик ҳисоби тўғри олиб борилмаса нималарни амалга ошириш мумкин бўлмайди?
2. Бухгалтер ҳисобининг объектлари нималардан иборат?
3. Инвентаризация деганда нимани тушунасиз?
4. Бухгалтерлик баланс тушунчаси деганда нимани тушунасиз?
5. Калькуляция деганда нимани тушунасиз?

## АДАБИЁТЛАР

1. ПҚ-5577 “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 14.11.2018 йил
2. ПҚ-4335 “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 23.05.2019 йил
3. Рыночная экономика. (Учебник в 3-х томах). М.: СамИИТЭК, 1992.
4. Джеймс А. Стоукер и Эдвин Г. Долан. Введение в бизнес. Ижевск, 1991.
5. Камышанов П.И. и др. Бухгалтерский учет и аудит. М., 1997.
6. Воронин В.П. Мировая экономика. М.: Финансы, 2001.
7. ГрЭабовой П.П. Экономика и управление недвижимостью (учебник). М., 2000.
8. Степанов И.С Менеджмент в строительстве. М.С. 2001. 1 часть.
9. Степанов И.С Маркетинг в строительстве. М.С. 2001.
10. Экономика строительства (учебное пособие для вузов). Под ред. Ю.Ф.Симионова. М. ИКЦ «Март» Ростов-на/Д издат. Центр «Март» 2003г. 352 с.
11. Экономика строительства и коммунального хозяйства. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 623с
12. Экономика строительства. 3-е издание. Под общ.ред. И.С. Степанова. М.: Юрайт – издат, 2004 – 620 с.
13. Теличенко В.И. и др. Технология строительных процессов. Часть 2. М.: Высшая школа, 2003.
14. Олейник П.П. Организация индустриального строительства объектов. М.: Стройиздат, 1990.
15. Галкин И.Г. Организация и планирование. М.: Стройиздат, 1995.
16. Дикман Л.Г. Организация строительного производства. Изд. АСВ 2006.
17. Васильев В.М. Управление в строительстве. Изд. АСВ СПбГАСУ, 2005.
18. Гриценко А.С., Муталова Б.Э. Шаҳар қурилиши хўжалигини ташкиллаштириш, режалаш, бошқариш ва иқтисодиёти. Маъруза матнлари. Т.: ТАҚИ, 2007.

19.Методические рекомендации по определению сметной стоимости строительства предприятий, зданий и сооружений в Республике Узбекистан. Узшаҳарсозлик ЛИТИ , Т., 1996.

20.Карпицин В.Т. Эффективность комплексной организации крупнопанельного домостроения. 1999.

21.Нанасов П.С. Управление проектно- строительным процессом. Теория, правила, практика. Уч.пос. Изд. АСВ, 2006.